

**Ш.Ж. Маматқұлова**

**САВДО  
КОРХОНАЛАРИНИНГ  
ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙҰЛЛАРИ**



**Ш.Ж.МАМАТҚУЛОВА**

**САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ  
ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ  
САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

**«TURON NASHR»  
Самарқанд – 2021**

**УЎК 339.1**

**КБК 65.29(5Ўзб)**

**М 23**

**Маматкулова Шоира Жалоловна**

Савдо корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари: Ш.Ж.Маматкулова. Монография. - Самарқанд: “TURON NASHR” нашриёти, - 2021. 176 бет.

**Такризчилар:** “Маркетинг” кафедраси мудири в.б., и.ф.ф.д.  
(PhD) Д.Х.Холмаматов

ТДИУ “Маркетинг” кафедраси доценти, и.ф.н.  
А.Н.Самадов

Мазкур монография савдо корхоналарининг тижорат фаолиятининг илмий-назарий асосларини тадқик этиш, мамлакатимиз иктисолиётида чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишда улгуржи ва чакана савдо корхоналарининг тижорат фаолиятини юритиш, улгуржи ҳаридларни амалга оширишда маркетинг тадқикотларини ташкил этиш, етказиб бериш, сақлаш жараёнларида логистик ёндашувлардан фойдаланиш, чакана савдода истеъмолчиликарга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, савдо корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва амалий тавсияларни ишлаб чикишга бағишлиланган.

Монографияда мамлакатимизда савдо корхоналарининг тижорат фаолияти ривожланишидаги тенденцияларни таҳлил этиш, савдо корхоналарининг иктисолий кўрсаткичларининг таҳлили, чакана савдо айланмасининг ўзгариш динамикаси таҳлили амалга оширилган.


Монография Самарқанд иктисолиёт ва сервис институти Кенгашининг 2021 йил 17 апрелдаги 9-сонли мажлисида мухокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

**ISBN: 978-9943-7052-4-1**

© Маматкулова Ш.Ж.  
© “TURON NASHR” 2021

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>9</b>
<b>I-БОБ. Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо корхоналари тижорат фаолиятининг ижтимоий-иктисодий мөдияти.....</b>	<b>11</b>
1.1. Тижорат фаолияти тушунчаси, тижорат фаолияти тамойиллари ва уларнинг мазмуни.....	11
1.2. Тижорат фаолиятининг асосий таркибий қисмлари.....	18
1.3. Тижорат фаолиятида психология ва этика. Тижоратчи тадбиркор этикети.....	28
1.4. Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо корхоналарининг асосий тижорат вазифалари.....	48
<b>II-БОБ. Ўзбекистон иқтисодиётида чукур таркибий ўзгартиришлар ва диверсификация шароитида савдо корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси ва ривожланиш истиқболлари.....</b>	<b>55</b>
2.1. Савдонинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	55
2.2. Чакана савдо товар айланмаси ва унинг ривожланиш динамикасини баҳолаш.....	65
2.3. Чакана савдо корхоналари ва уларнинг турлари.....	80
2.4. Улгуржи савдо ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари таҳлили.....	97
<b>III-БОБ. Савдо корхоналари тижорат фаолияти ривожланишида маркетинг ва логистиканинг ўрни....</b>	<b>111</b>
3.1. Савдо корхоналари тижорат фаолияти ривожланишида маркетингни ўрни ва замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш.....	111
3.2. Савдо корхоналари тижорат фаолияти ривожланишида логистиканинг ўрни ва логистик сервис даражасини ошириш.....	126
<b>IV-БОБ. Савдо корхоналари тижорат фаолияти оширишларини долзарб масалалари.....</b>	<b>139</b>



<b>4.1. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигини аникловчи кўрсаткичлар.....</b>	<b>139</b>
<b>4.2. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар.....</b>	<b>147</b>
<b>4.3. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....</b>	<b>149</b>
<b>Хуноса.....</b>	<b>154</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>157</b>
<b>Иловалар.....</b>	<b>164</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	9
<b>Глава 1. Социально-экономическое значение коммерческой деятельности торговых предприятий в условиях инновационной экономики.....</b>	<b>11</b>
1.1. Понятие и принципы коммерческой деятельности, их содержание.....	11
1.2. Основные составляющие элементы коммерческой деятельности.....	18
1.3. Психология и этика в бизнесе. Деловой этикет.....	28
1.4. Основные коммерческие функции торговых предприятий в условиях инновационной экономики.....	48
<b>Глава 2. Динамика и перспективы развития основных экономических показателей предприятий сферы торговли в условиях глубоких структурных изменений и диверсификации экономики Узбекистана.....</b>	<b>55</b>
2.1. Анализ основных экономических показателей торговли.....	55
2.2. Оценка товарооборота розничной торговли и динамики его развития.....	65
2.3. Розничная торговля и их виды.....	80
2.4. Анализ основных показателей организаций оптовой торговли.....	97
<b>Глава 3. Роль маркетинга и логистики в развитии коммерческой деятельности коммерческих предприятий.....</b>	<b>111</b>
3.1. Роль маркетинга в развитии коммерческой деятельности предприятия и использовании современных маркетинговых концепций.....	111
3.2. Роль логистики в развитии коммерческой деятельности предприятия и повышении уровня логистических услуг.....	126

<b>Глава 4. Актуальные вопросы повышение эффективности коммерческой деятельности торгового предприятия.....</b>	<b>139</b>
4.1. Показатели, определяющие эффективности деятельности коммерческих предприятий.....	139
4.2. Факторы, влияющие на эффективность коммерческих предприятий.....	147
4.3. Основные направления повышения эффективности коммерческих предприятий.....	149
<b>Заключение.....</b>	<b>154</b>
<b>Список использованной литературы.....</b>	<b>157</b>
<b>Приложения.....</b>	<b>164</b>

## CONTENT

<b>Introduction.....</b>	<b>9</b>
<b>Chapter 1. The Socio-Economic Significance of the Commercial Activity of Trade Enterprises in the Conditions of an Innovative Economy.....</b>	<b>11</b>
1.1. The concept and principles of commercial activity, their content.....	11
1.2. The main components of commercial activity.....	18
1.3. Psychology and ethics in business. Business Etiquette.....	28
1.4. The main commercial functions of trade enterprises in an innovative economy.....	48
<b>Chapter 2. Dynamics and prospects of development of the main economic indicators of trade enterprises in the context of deep structural changes and diversification of the economy of Uzbekistan.....</b>	<b>55</b>
2.1. Analysis of the main economic indicators of trade.....	55
2.2. Assessment of retail trade turnover and the dynamics of its development.....	65
2.3. Retail trade and their types.....	80
2.4. Analysis of the main indicators of wholesale trade organizations.....	97
<b>Chapter 3. The role of marketing and logistics in the development of commercial activities of commercial enterprises.....</b>	<b>111</b>
3.1. The role of marketing in the development of commercial activities of commercial enterprises and the use of modern marketing concepts.....	111
3.2. The role of logistics in the development of commercial activities of commercial enterprises and increasing the level of logistics services.....	126
<b>Chapter 4. Topical issues improving the efficiency of commercial activity of a trading enterprise.....</b>	<b>139</b>
4.1. Indicators that determine the efficiency of commercial enterprises.....	139

4.2. Factors affecting the efficiency of commercial enterprises.....	147
4.3. The main directions of increasing the efficiency of commercial enterprises.....	149
<b>Conclusion.....</b>	<b>154</b>
<b>List of used literature.....</b>	<b>157</b>
<b>Applications.....</b>	<b>164</b>

**УШБУ МОНОГРАФИЯ САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ  
ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИНИНГ 90 ЙИЛЛИК  
ЮБЕЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН НАШР ЭТИЛМОҚДА**

**КИРИШ**

Мамлакатимиз иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар, модернизация ва диверсификациянинг амалга оширилиши, ҳамма соҳаларда улкан ўзгаришларни олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар фан ва илмий тадқикотлар, техникани ривожлантириш, янги материаллар, технологиялар яратиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш соҳаларида, айниска ёрқин намоён бўлмоқда. Инсоннинг ўзи, яъни моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи ва бирга уларни истеъмол килувчи шахспинг ўзи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Инсонларнинг фалсафаси, дунёкараши, фикри-тафаккури ҳам тубдан ўзгармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида махаллий моддий-техник ресурслардан фойдаланиш, қайта ишлаш соҳаси, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар экспортини ва ракобатбардошлигини ошириш” вазифалари белгиланган. Мамлакатимиз экспортг салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни қенгайтиришда экспортчи корхоналарнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йўналишларидан келиб чиқсан холда, экспорт стратегиясини шакллантириш корхоналарнинг хозирги пайтда кучли ракобат шароитида ўз ўрни ва мавқенини тўғри белгилаб олишига ёрдам беради. Жаҳон бозорларида ракобатнинг кескин тус олиши шуни кўрсатмоқдаки, эндилиқда корхоналар ўз мақсад ва вазифаларини белгилашда нафакат махсулотга бўяган оддий талаб ва таклифдан келиб чиқишилари керак, балки биринчи навбатда, салоҳиятни истеъмолчиларининг эҳтиёжлари, хошиш-истаслари ҳамда мақсадларини доимо ликкет марказда тутиб, уларни чуқур ўрганишлари ва шу шароитга мос келадиган стратегияни амалга оширишлари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон учун савдо алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадли бозорларни аниқлаш асосий вазифа юлиб белгиланди. Тижорат асосан ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари ҳамда истеъмолчилар ўртасида товар сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлик муносабатлардир. Амалий жиҳатдан ҳар бир махсулотни ишлаб чиқариш учун хом-ашё, эҳтиёж кисмлар, ярим тайёр махсулотлар харид килинади, ишлаб чиқариш

натижасида тайёр маҳсулотлар яратилади. Тайёр маҳсулотларни савдо-воситачиларга сотиш, ўз навбатида савдо корхоналари маҳсулотларни ҳарид қилиши ва сотиши олди- сотди жараёнини ташкил этади. Бу жараённинг иштирокчилари: сотувчи ва ҳаридорларининг олди-сотди ишлари тижоратда, яъни фаолият натижаси фойда олигига қаратилган.

Бугунги кунда мулкчилик шаклидан, фаолият йўналишидан қатъий назар барча тижорат корхоналари тижорат фаолиятига катта эътибор қаратмоқда. Айниқса тижорат корхоналари ўзларининг тижорат фаолиятларини замонавий бозор муносабатлари асосида шакллантириб бормоқда. Бунда асосий эътибор талаб на таклифни, бозор конъюнктурасини ва унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш асосида керакли товар ассортиментини ва керакли ҳажмдаги товар захирасини шакллантириш, ўз вактида буюртмаларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш, керакли жойга ва керакли ҳажмдаги товарни ўз вактида стказиб беришга қаратилади. Чунки бозорда бир хил тур ва бир хил сифатдаги маҳсулотни таклиф қилувчи бир нечта сотувчи фаолият кўрсатади. Бундай ҳолатда мижозлар ушбу маҳсулотлар орасидан ўз вактида, кулаги идишларда, керакли миқдорда етказиб бера оладиган корхонани ҳамкор сифатида танлайди. Демак, истеъмолчиларнинг доимо ўсиб борувчи эҳтиёжлари сотувчи ва ҳаридор ўртасида интерактив муносабатларни объектив заруриятга олиб келади. Замонавий бозор талабларидан келиб чиккан ҳолда тижорат фаолияти билан лоимий алокаларни ўрнатишга йўналтирилади. Бу ўзаро ҳамкорлик маркетинг тамойиллари асосида амалга оширилади.

Тижорат фаолияти канчалик самарали олиб борилса, шунчалик асосий тижорат операциялари, моддий шаклда товар айирбошлиш, яъни экспорт-импорт, илмий-техникавий билимлар билан савдо қилиш, туризм соҳаси кабилардаги кўреаткичлар салмоқли ривожланиб бормоқда. Шунингдек асосий тижорат операцияларининг ривожланили билан таъминловчи (ёрдамчи) тижорат операцияларига бўлган эҳтиёж хам ўсиб боради. Бунинг натижасида ички ва ҳалкаро миқёсда товар ташиш, транспорт – экспедиторлик, юкларни сугурта қилиш, ҳалкаро ташишда юкларни саклаш ва ҳалкаро хисоб-китоб ишларини олиб бориш мамлакат ички ва ташки иктисадий кўреаткичларини ўсиб боришини таъминлайди. Корхонанинг тижорат фаолиятида моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, юкори унумли техника-технологияни кўллаш масалалари ҳал этилади, бизнес-режалар ишлаб чикилади, замонавий маркетинг тамойиллари кўлланилади ва самарали бошқарув-менежмент амал киласи.

## **1-БОБ. ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САВДО КОРХОНАЛАРИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ**

### **I.1. Тижорат фаолияти тушунчаси, тижорат фаолияти тамоилилари ва уларнинг мазмунини**

Тижорат фаолияти эркин бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорликка эришишини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади. Тижорат фаолияти инсоният тарихидаги энг қадимий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Бу фаолият даставвал натурал хўжаликнинг якунланиши, товар ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотининг вужудга келиши натижасида товарларни алмаштириш шаклида шаклланди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан тижорат фаолияти янада такомиллашиб борди. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши эса қиска давр ичida тижорат фаолиятининг турли хил шаклларини вужудга келишига сабаб бўлди.

Тижорат фаолиятининг асосий мазмунини очиб бериш, маълум тушунтириш тузилмасини, яъни тижорат фаолияти билан боқлик бўлган атама ва тушунчаларни ишлатишни талаб этади. “Тижорат” сўзи лотинча “Сотимегсішт” сўздан келиб чиқиб, савдо, савдо муомаласи, савдо айланмаси деган маънони билдиради. Тижорат фаолияти иқтисодий жиҳатдан савдога нисбатан кенгрок тушунчадир, савдо асосида доимо тижорат ётсада, лекин ҳар качон ҳам тижорат фаолияти факат савдо билан боқлик бўлавермайди. Кўпинча юридик шахслар тижорат фаолияти соҳасида тайёрлов, ишлаб чиқариш, курилниш, инвестицион ва бошка тадбиркорлик фаолиятининг мураккаб мажмуасини амалга оширадилар.

Машхур инглиз олими Гильбарг «Тижорат» деб фойда олиш мақсадида олиб бориладиган ҳар қандай фаолиятдир деб атайди.

«Тижорат асослари» китобида Осипова Л.В. шундай таъриф беради: «Тижорат фаолияти – бу талабни кондириш ва фойда олиш мақсадида товар ҳарид қилиш ва сотишда бажариладиган жараёнлар мажмуасидан иборатдир». Тижорат фаолияти бу савдо соҳасига

мослаштирилган бўлса, у ҳолда кенг маънода жамиятдаги олди-сотди ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуасидан иборатдир.

Тижорат фаолияти – бу хом-ашё, материаллар, эҳтиёт-қисмлар, тайёр товарларни ҳарид килиш ва уларни сотиш натижасида фойда олиш максадида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти. Тижорат фаолияти савдо-ташкилий операцияларни тўлиқ комплекс бажарилишини бошқаришдир. Тижорат фаолияти товар ва хизматлар бозоридаги хўжалик субъектлари ўртасидаги айирбошлиш операцияларини таъминлаш ва бевосита корхоналар, ташкилотлар, жисмоний шахсларни юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширадиган тадбиркорлик фаолиятидир. Шунингдек, тижорат фаолияти – бу фойда олиш максади билан фаол олди-сотдини амалга ошириш, айирбошлишга кўмаклашувчи ташкилий-хўжалик операциялари йигиндиси.

Тижорат фаолияти туб моҳиятига кўра ташкилотнинг товар-пул айрибошлиш йўналишида комплекс амалга ошириладиган, унинг барча боскичларида бажариладиган тижорат жараёнлари ва операциялари йигиндисидан иборатдир.

Тижорат жараёни товар-пул айрибошлишнинг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, хукукий жиҳатлари бўйича мунтазам бажариладиган операцияларни билдиради.

Тижорат операциялари товар-пул айрибошлиш муносабатларининг турли боскичларида бажариладиган функциялар бўлиб, тижорат фаолиятининг мухим компонентлари ҳисобланади.

Тижорат фаолиятининг асосий мақсади – фойда олиш ҳисобланади. Тижорат фаолияти турли фаолият соҳаларида: ишлаб чиқариш, савдо, молиявий, биржа, воситачилик ва бошқаларда амалга оширилиши мумкин. Тижорат фаолиятида фойда олиш учун барча хўжалик юритувчи субъектлар бир қанча фаолият турлари билан шугулланишлари, уларни диверсификация қилишлари, бозор ўзгаришларига жавоб беришлари лозим.

Тижорат фаолиятининг асосий субъекти бўлиб ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар, воситачилар, таъминотчилар, истеъмолчилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Тижорат фаолиятининг объекти бўлиб товар ва хизматлар, кенг маънода ғоялар, ишлар, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк, инновациялар ва бошқалар ҳисобланади.

Тижорат фаолияти унинг субъектларининг ўзаро муносабатларини ёки субъектларниң бозордаги фаолиятини билдиради. Бунда тижорат фаолияти субъектлари юкорида қайд қилинган обьектларни сотиш, ишларни бажариш, фойдаланиш, ижарага бериш натижасида юкори фойда олишга қаратилган.

Тижорат қадим замонлардан буён ҳаммага маълум фаолият бўлиб, жамият ривожланишида, мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда катта роль ййнаган.

Тижорат фаолияти тушунчаси ривожланган мамлакатларда кенг маънода қўлланилади, одатда фойда олиш учун олиб бориладиган ҳар қандай фаолиятга тижорат дейилади. Лекин тижорат фаолияти савдосотик ишлари билан боғлиқлигини ҳисобга олсак, унда бу тушунчага бошқачароқ ёндашиш лозим бўлади.

Аввало, тижорат факат савдода эмас, балки бошка кўпгина соҳаларда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, уни санъат, телевидение, радио, туризм, тариспорт, курилиш, саноат ва бошка соҳаларда учратиш мумкин бўлгани каби тижорат телевиденияси, тижорат концерти, тижорат туризм ва шунга ўхшашлар мавжуддир. Айтиб ўтилган тармоқларнинг ҳам ўзига хос товари бўлиб улар олди-сотди обьекти бўлиб хизмат қиласди. Савдода тижорат – бу истеъмол товарлари бозори ва шу билан боғлиқ фаолиятдир. Тижорат фаолияти асосан ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Савдодаги тижорат фаолияти факатгина савдо соҳаси билан чегараланиб қолмайди, шунинг учун тижоратнинг субъектлари бўлиб факатгина савдо эмас, балки ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳисобланади. Булар эса ўз навбатида савдо ишлари билан ҳам шугулланади ва шу соҳа билан мулокатда бўлади. Бундан ташкири ишлаб чиқариш корхонаси арzonрок хом-ашё сотиб олишга, тайёр маҳсулотни қимматрок сотишга интилади. Истеъмолчи эса ўз эҳтиёжини қондириш учун арzonрок ва сифатли товар сотиб олишга ҳаракат қиласди.

Тижорат фаолияти бу факатгина савдо корхоналари ишининг йигинидини эмас, балки бу соҳа билан боғлиқ бўлган тармоқлардаги

**тижорат ишларини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун тижоратнинг фаолият доираси кенгdir.**

Олди-сотди ишлари муваффакиятли амалга ошиши ва янада ривожланиши учун зарур шароит ҳозирлаш, кенг имконият яратиш лозим, бу эса шу жараёнга боғлик бўлган хизматни барпо этиш, муносабатларни юқори даражада ташкил этишни талаб килади.

Иктиносидиёти ривожланган мамлакатларда савдо соҳасидаги хизмат кенг киррали ва кўл таркалган. Масалан, карзга товар сотиш, маълумотларни етказиши, реклама олиб бориш, товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш, хужжатларни расмийлаштириш ва ҳоказо. Тижорат субъектлари томонидан бир-бирларига ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тарикасида мазмунли хизмат кўрсатилади, айниқса истеъмолчиларга ранг-баранг савдо хизмати таклиф этилади. Бундай фаолият оқибатда товар ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол қилишни рағбатлантириди ва тезлаштиради.

Тижорат фаолияти куйидаги асосий вазифалардан иборат:

- бозор субъектларининг ўзаро фойдали бўлган хўжалик алокаларини шакллантириш;
- бозорни ўрганиш, талаб ва таклиф микдорини ҳамда таркибини аниклаш;
- ассортимент режаларини ишлаб чиқиш, нарх ва сифат сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол билан аюла ўрнатиш;
- сотиб олиш ва сотиш ишларини бажариш;
- ишлаб чиқаришни ва истеъмолни турли йўллар билан рағбатлантириш;
- савдо хизмати ишларини олиб бориш;
- реклама ва ахборот ишларини олиб бориш;
- янги талабни барпо этиш ва кондириш.

Тижорат фаолияти мазмунини ташкил этувчи асосий элементларга куйидагилар киради:

- 1) тижорат фаолиятининг ахборот таъминоти;
- 2) товарларга бўлган эҳтиёжни аниклаш;

- 3) товар тарқатиши каналлари ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш учун ҳамкорларни танлаш;
- 4) ҳамкорлар ўртасида тижорат фаолияти бўйича хўжалик алоқаларини ўрнатиш;
- 5) улгуржи товар ҳаридини ташкил этиш;
- 6) улгуржи товар сотиш бўйича тижорат фаолияти;
- 7) чакана товар сотиш бўйича тижорат фаолияти;
- 8) товар заҳираларини бошқариш;
- 9) талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш, бозорда товарни силжитиш бўйича ишлар;
- 10)товар ҳариди билан боғлиқ сервис хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;
- 11)тижорат стратегияларини ишлаб чиқиши.

Тижорат фаолиятини олиб борища маълум қоида ва тамойилларга риоя қилиш керак. Тижорат фаолиятида қўйидаги тамойилларга амал қилиш керак:

- истеъмолчилар манфаатлари бирламчилиги ва устиворлиги;
- ҳаракатда бўлган конунларга риоя қилиш;
- ўзаро манфаатдорлик;
- ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик.

Аввало ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари имкониятлари истеъмолчилар манфаатларига бўйсиндирилмоғи керак. Агар товар ва хизмат талабга жавоб берса, иктисад шунча кучли ва муваффакиятли бўлади, шунинг учун бозор талаби бирламчи бўлади. Тижорат фаолиятида ишлаб чиқариш манфаатлари устивор деб ҳисобланади, унда тижорат чайковчиликка айланади, ҳаридор ҳукуки пайтовар қилинади. Ислом динида тижорат ахлоқи соҳасида ибратли ҳадислар мавжуд.

Ҳарид қилиш жараёнида ўзаро алокада катнашувчи томонлар тенг ҳукукга эгадир, бу асосий қонунда қайд этилган. Мулкий шаклидан қатъий назар тижорат субъектлари мустакил ҳаракат қиласилар, шартномаларда тенг ҳукук билан иштирок этадилар.

Маданийлашган тижорат фаолияти олиб бориладиган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадини, олди-сотди муносабатларида ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам қилиш мухим омил ҳисобланади. Савдо корхонасининг

ходимлари зарур шароитда ишлаб чиқариш корхоналарига бориб, маслаҳат берадилар, товар сифатини ошириш йўлларини кўрстадилар, ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассислари дўконларга келиб сотиш технологиясини, сифатини, таркибини тушунтириш ишлари билан шугулланадилар. Бу эса ишонч ҳосил қилишга ва мустаҳкам хўжалик алокаларини ўрнатишга ёрдам беради.

Тижорат фаолиятида конунларга қатъий риоя қилиниши, ахборот ва маълумотлар тўласинча ҳужжатларда акс эттирилиши, даромадни яширмаслик лозим. Қатнашувчи томонлар манфаатларига зид ҳаракат килмаслик, уларни фойда олиш учун ҳам ҳаракат қилиши шарт.

Истеъмолчи манфаатларининг устиворлиги ва унинг кафолатланиши Конституцияда, бир канча конунларда, кодексларда, қоидаларда ўз аксини топган. Истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилиш масаласи жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Турли динларда ҳам ўз аксини топган.

Шу жумладан, исломда, христиан, яхудий динларда ҳам истеъмолчиларга гамхўрлик, уларни ҳимоя қилиш тўғрисида қоидалар мавжуд. Бу қоидалар куръонда, ҳадисларда, библияда акс эттирилган.

Куръонда куйидагича ёзилган: “тўлов ва ўлчовларни тўла-тўқис қилиш, товар айбини ошкора айтиб сотиш, савдода қасам ичишдан саютаниш, товар-маҳсулотни факат бир нархда сотаман дейишдан ҳоли бўлиш, товарларни яшириб кўйиш”.

Тижорат фаолиятида содир бўладиган жараёнлар қабул қилиш, жўнатиш, ҳисоб-китоб қилиш, соликлар тўлаш, маошлар бериш, корхона очиш ва ёпиш амалдаги конунларга мувофиқ олиб борилиши шарт.

Тижорат фаолиятининг энг муҳим томонларидан бири бу ўзаро алокада бўлган корхоналар бир-бирларига техникавий, молиявий, технологик ва бошқа йўналишларда бир-бирларига ёрдам беришdir. Ривожланган мамлакатларда савдо компаниялари ишлаб чиқариш компаниялари билан ўзаро ёрдам асосида иш олиб борадилар. Имтиёзли карзлар берниш, ахборотлар бериш, маслаҳатлар ишлари кенг авж олган.

Тижоратнинг одоб этикаси нуктаи назаридан ҳам, тижорат йўлида кўйилган мақсадларга эришинг манфаати нуктаи назаридан ҳам эгалланиши зарур бўлган бозорнинг бошқа субъектларининг ҳаракат ва

манбаатларини тўла ҳисобга олиш - тижорат фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланади. Бундан ташқари, эркин бозор муносабатлари шароитида тижорат фаолиятининг кўйидаги тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бозор вазиятини ҳисобга олган ҳолда тижорат эгалувчалиги;
- тижоратнинг энг афзал йўлларини ажратиб билиш;
- тижорат карорларини қабул қилишда маркетинг тамойилларини фаол ишлатиш;
- тижорат таваккалчилиги ва уларнинг оқибатларини олдиндан кўра билаш;
- савдо шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш жавобгарлигини ошириш.

Тижорат фаолиятида амалга ошириладиган операциялар тавсифига кўра икки турдаги функцияларга бўлинади:


- тижорат тавсифидаги функциялар (савдо-харид, сотиш, қайта сотиш);
- ишлаб чиқариш тавсифидаги функциялар (технологик – етказиш, ўрнатиш, қабул қилиш, ташиш).

Тижорат тавсифидаги функциялар - бу киймат шаклиниңг алмашинуви, яъни товарларнинг олди-сотиси ва алмашинуви билан боклик бўлган жараёндир. Тижорат тавсифидаги функцияларга бозор тадқиқотларини ташкил этиш, инфратузилманинг ва асосий ракобатчиларни баҳолаш, рекламани шакллантириш кабиларни киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш тавсифидаги функциялар – бу юкларни ҳаракати, уларнинг сақланиши, туширилиши, транспортировка қилиш, кадоқлаш, навларга бўлиш, ўраш ва бошқалар билан боклик бўлган жараёнлардир.

Тижорат фаолиятида кўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги уч асосий вазифа ҳал қилиниши лозим:

1) Нафакат ички ва ташки бозор, балки, уларнинг иктисадий ривожланиш тенденцияларини баҳолашга имкон берадиган, ҳам конъюнктура тавсифидаги, ҳам статистик маънуметлар – банкинг тўз ичига олган тижорат ахборотларини итиш ва тарқатишнинг доимий ишлаб турувчи тизимларини яратиш.



2) Махсулот етказиб бериш ва сервис хизматлари бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажариш максадида бозор инфратузилмасининг асосий элесентларини шакллантиришга имкон берувчи моддий-техника базасини – омборлар тизими, транспорт, алоқа ва коммуникациялар яратиш.

3) Мижозлар жалб килиш вазифасини ўз вактида бажаришни таъминловчи менежер ва савдо агентларини тайёрлаш ва кайта ўқитишни узлуксиз амалга ошириш.

## **1.2. Тижорат фаолиятининг ясосий таркибий қисмлари**

Тижорат фаолияти мураккаб ижтимоий-иктисодий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Тижорат фаолияти маълум бир таркибий қисмлардан иборат бўлиб, ушбу таркибий қисмлар ҳар кандай фаолиятнинг пировард натижасига таъсир қиласди.

**Тижорат сири.** Тижорат фаолиятида энг зарурий ишлардан бири тижорат сирини саклаш бўлиб, бу ракибга нисбатан юкори ўсиш имкониятини беради.

Тижорат сири – бу тадбиркорларнинг қонунда кўрсатилган ва ҳимояланган хўжалик фаолиятидаги бир катор молиявий маълумотларни сир сакланиши. Буларга, саноат сирлари, илмий-техник, технологик ва бошқа ишлаб чиқариш сирлари, ноу-хау, ихтиrolар ва янгиликлар киради.

Тижорат фаолиятида тижорат сирларини саклаш ишни бошлаш давридан ташкил этилиши шарт. Корхона ходимлари ҳам ракибларни қизикирувчи муҳим объект ҳисобланади. Бу манбадан маълумотларни ташкарига чиқиб кетиш каналлари қуйидагилар:

- очик равишда реклама, савдо тадбирлари ва чиқишларни амалга ошириш;
- иш юзасидан сухбатлар, музокаралар, бу вактда махсулотнинг нозик томонлари бўйича саволлар берилиб қолиши мумкин;
- ходимларни хизмат сафарлари;
- норасмий тадбирлар;
- ходимларнинг бошқа ишга ўтиши.

Бу ерда ходимларни ишдан бўшатишда эҳтиёт бўлиш зарур, яъни уларни фирма сирини саклаш ҳақида ёзма равишда огохлантириш керак.

Агар корхонага ваколатли текширувчи келса, раҳбар унинг ваколати дорасидаги барча маълумотларни бериши шарт. Бу ерда тижорат сирини саклаш, буларга нисбатан хушмуомалада бўлиш, қайси саволларга жавоб бериш кераклигини билиш жуда зарур.

Хужжатларни олиш корхонанинг масъул ходими иштирокида амалга оширилиши шарт. Қоида бўйича бу жараёнда бир неча шахслар катнашади. Шунинг учун текшириш жараёнида ҳар бир ходим ўзига тааллукли саволга жавоб бериши, ўз шериклари учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслиги керак.

Сұхбат мавзусини кузатиш, кўйилган айблар сабабини сўраш керак.

Агар аник далил бўлмаса келгуси сўровдан воз кечиш, зарур ҳолларда ҳукуқшуносга мурожаат қилиш лозим.

Тижорат сири ҳисобланмайдиган барча хужжатларни текширувчига такдим этиши мумкин.

Текширув натижалари далолатнома холосаларида акс эттирилади. Бунга текширувчи, корхона раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекади.

Далолатнома тўғри, аник фактлар асосида ёзилиши керак. Акс ҳолда, тегишли шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади.

**Тижорат таваккалчилиги.** Эркин бозор муносабатлари тасодифлардан холи змас. Бозорда фаолият қўрсатаётган фирмалар ҳар хил вазиятга тушиб колиши мумкин. Фирманинг иши юришиб, тезда бой фирмага айланиши ёки заرارга йўлиқиб, бор-будидан ажралиб колиши ҳам ҳеч гап змас. Тадбиркорлик хатари ҳам мана шунда. Бу хатарни бартараф этиб бўлмайди, аммо уни камайтириш мумкин. Бунинг учун бирон ишга қўл уришдан аввал унинг ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Доимий хатар хавфи фирмаларнинг хушёр тортишга мажбур килиб, зийраклик талаб килади. Хатар, биринчидан фирма ишини ўкувсиз юритишдан, иккинчидан, фирмага боғлик бўлмаган ҳолда вазиятнинг ўзгаришидан, яъни бозорда ноаниқлик бўлишидан келиб чикади. Бозордаги товарлар ва ресурслар нархининг кутилмаганда

ўзгариб колиши, мижозлар ва шерикларнинг айниб кетиши, солисудар ва бож пулининг ўзгариши, ҳалкаро вазиятнинг кескинлашуви кабилар хатарни юзага чикаради. Турли хатарларга карамасдан тижоратчи таваккалчилик кила олиши керак.

**Таваккалчилик** – бу карорлар қабул қилишда ёки тижорат фаолияти бажаришдаги ишончсизликни, яъни ҳодиса ёки мақсадни рўёбга чикиш ёки чиқмаслик эҳтитоварига айтилади.

Таваккалчиликнинг зарурлиги – бу бозор иқтисодиёти шароитида ракобатнинг кучайиб бориши ҳисобланади. Ана шу рақобат курашига бардош бериш учун ишлаб чиқариш жараёнинг техникавий янгиликларни жорий этишга харакат қилинади. Бу охирги натижада таваккалчиликка олиб келади.

Бугунги кунда иқтисодий фаолиятда таваккалчиликнинг **куйидаги турлари мавжуд**:

**Ишлаб** чиқариш таваккалчилиги товарлар ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган фаолиятда намоён бўлади. Ушбу таваккалчиликнинг юзага келиши сабаблари куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ҳажмининг режадагидан пасайиб кетиши;
- моддий ва материал харажатларининг ортиши;
- юкори даражада солик ва бошқа тўловлар тўлаш юзага келиши.

**Тижорат** таваккалчилиги – тижоратчилар томонидан ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудга келади. Бу таваккалчиликнинг юзага келиш сабаблари:

- бозор конъюнктураси ўзгариши оқибатида сотиш ҳажмининг пасайиб бориши;
- товарлар нархи кўтарилиши;
- товарлар сотиб олиш ҳажмини кўзда тутилмаган ҳолда пасайишини вужудга келиши;
- муомала жараёнида товарлар йўқотилиши.

**Молиявий таваккалчилик** – бу тадбиркорлик субъектларининг банклар ва бошқа молиявий институтлар билан юзага келадиган таваккалчилиги.

**Хизмат** кўрсатиш соҳасидаги таваккалчилик мазмуни ва моҳиятига кўра, ишлаб чиқариш соҳасидаги таваккалчиликка ўхшаб кетади.

Таваккалчиликни пайдо бўлиши манбаларига, сабабларига кўра ҳам турланади. Таваккалчиликни пайдо бўлиш манбаларига кўра қўйидаги турларга бўлинади:

- хўжалик таваккалчилиги;
- жисмоний шахс билан боғлиқ таваккалчилик;
- табиий омиллар таъсирида юзага келадиган таваккалчилик.

Таваккалчиликни пайдо бўлиш сабабларига кўра турлари:

- келгуси давр ноаниклиги билан боғлиқ таваккалчилик;
- ҳамкорлар хатти-харакати қалтислиги билан боғлиқ таваккалчилик;
- маълумотларни етарли эмаслиги билан боғлиқ таваккалчилик.

Шунингдек, таваккалчилик пайдо бўлиш манбалари ва пайдо бўлиш сабабларига кўра ҳам турларга бўлинади.

Таваккалчилик пайдо бўлиш манбаларига кўра хўжалик таваккалчилигига, жисмоний шахс билан боғлиқ таваккалчиликка ва табиий омиллар таъсирида юзага келадиган таваккалчиликка бўлинади.

Пайдо бўлиш сабабларига кўра келгуси давр ноаниклиги билан боғлиқ таваккалчилик, ҳамкорлар хатти-харакати қалтислиги билан боғлиқ таваккалчилик, бугунги бозор муносабатлари кескин ривожланиб бораётган шароитда таваккалчиликни қўйидаги усулларидан фойдаланиш максадга мувофикдир:

- статистик усул;
- эксперт-баҳолаш усули;
- арапаш усул.

Юқорида айтилганидек, бозорда фаолият кўрсатаётган ҳар кандай фирмага хатар соя ташлаб туради. Ундан кутилиш мумкин бўлмасада, унинг таъсирини камайтириш имкони бор ва бу фирманинг ўзига боғлиқ.

Хатарнивг энг ҳалокатлиси инқирозга юз тутиш, синиш ҳавф-хатаридир.

Биронта ишга пул сарфлашдан олдин зарар эҳтитоварини имкони борича камайтиришнинг ҳар хил йўл-йўриклари ишлаб чикилади. Энг аввал фирма хатарни четлаб ўтиш йўлларини ахтаради. Қаерга, канча пул қўйиш, кайси соҳада иш бошлишдан олдин каерларда иш қандай

кетаётганилиги ўрганилади, ахборот тўпланади. Ахборот товар нархи, савдо ҳажми, ракобатчилик вазияти, харажатлар даражаси, бозорнинг кенгайиши имконияти, ресурслар нархи, реклама ҳолати ва бошқа соҳаларни камрайди. Шуларни таҳлил этиб, пул кўйиш ёки кўймасликка аҳд қилинади. Бунда синалган йўллардан бири – пул фойда кўп бўлмаса-да, хатари энг кам ишга кўйишади. Бошқа йўл – тижорат хатарини сұғурталаш ҳисобланади.

Таваккалчиликдан келган заарларни қоплаш учун маҳсус фонdlар, шартномалар тузилади.

Хатарга йўлиқмаслик кафолати йўқ, аммо уни камайтириш йўлларидан қайси бирини афзал қуриш фирманинг иши ҳисобланади.

**Тижорат фаолиятида ракобат.** Тижорат фаолиятида ракобат мухим аҳамият касб этади. Ракобат – бу бозор иқтисодиётида ўз мавқенини мустаҳкамлаш, юкори манфаатдор бўлиш учун олиб борадиган фаолиятдир. Ракобат – бу энг кулай шароитда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш борасидаги айрим ишлаб чиқарувчи ва товар етказиб берувчилар орасидаги курашдир.

Ракобат доимо томонлар орасида иқтисодий мувозанатнинг, ҳаридорлар учун курашнинг ва бозорда ўз ўрнини топишнинг бир шакли бўлиб келган ва бўлиб қолади. Ракобат асосан ҳаридор учун фойдали, чунки кураш жараённида у катта имкониятга эга бўлади.

Ракобат жараённида икки усуудан фойдаланилади:

1. Нархли ракобат усули.
2. Нархсиз ракобат усули.

Нархли ракобат усули можияти ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини камайтириб, юкори фойда олиш, маҳсулот ассортименти ва сифатини ўзгартирмай нархни пасайтиришдир. Нархнинг пасайиши бозорнинг бир кисмини эгаллаш имконини беради.

Нархсиз ракобат усули бу маҳсулот ҳусусиятларини ўзгартириш, унга янги сифат ҳусусиятларини жорий килиш, эҳтиёжни қондирувчи янги маҳсулот яратиш, хизматни такомиллаштиришдан иборат.

Бозорда ракобатнинг қайси воситасидан фойдаланилмасин, шуни эсда тутмоқ лозимки, ҳар бир йўқотилган мижоз (ҳаридор) фойданни бой беришгина бўлиб қолмай, бозорда ракиб имкониятларини оширилишига ҳам олиб келиши мумкин.

Тижорат фаолиятида ракиблардан ўзб кетиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Тенг имкониятли ҳолатда фаолиятга инновациялар киритиш.
2. Ишлаб чиқарилаётган, сотилаётган товарлар ассортиментинің көнгайтириш.
3. Бозордаги ҳолат ва олиб борилаётган ишни сир сақлаш.
4. Профессионал ҳамкорларни топиш ва улар билан хўжалик алоқалари ўрнатиш.
5. Юқори малакали мутахассисларни: маркетолог, менежерлар, иқтисодчилар, логистикларни тижорат фаолиятига жалб қилиш.
6. Аник ракобат шароитида ўз имкониятларидан фойдаланишини билиш.
7. Товар сақлаш, етказиб бериш, ташиш ишларини оптималь ташкил этиш.

Савдо соҳасида ракобат сифатли, арzon товар сотиш, харидорларга қулай хизмат кўрсатиш йўналишларида олиб борилади. Ракобат таркиб топиши учун қуйидаги шароитлар бўлиши зарур, яъни, биринчидан, мустақил иш кўрадиган турли мулкий шаклдаги савдо корхоналарининг кўп бўлиши, иккинчидан монопол фаолиятини чекланганлиги, учинчидан иқтисодий ва товар танқислигининг бўлмаслиги. Рақобат ҳалол ва гирром ракобат шаклида бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиёти ҳалол рақобатдан манфаатдор бўлиши учун, давлат керакли чораларни кўради. Гирром ракобат қонунга хилоф усуллар ёрдамида олиб борилади: алдаш, даромадларни яшириш, жосуслик, рэкет ва бошқалар.

Ўзбекистонда ҳалол рақобатни таркиб топиши учун зарурий қонунлар ишлаб чиқилмокда. Булар жумласига «Монопол фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожланиш тўғрисида»ги қонуни қиради. Монополия – бу савдода танҳо хукмрон бўлиш, сотиб олиш ва сотишни ўз кўлида йигиш. Монополия бозорни чеклайди, қонунларни тўғри харакат килишига гов бўлади, савдо маданиятини пасайишига олиб келади.

Ҳалол рақобатда маданий усуллар кўлланилади. Бу усуллардан нарх воситасида рақобатлашув, товар сифатини ошириш оркали курашиш сервис (хизмат кўрсатиш) оркали беллашув кең таркалган. Бу усуллардан алоҳида-алоҳида эмас, балки биргаликда фойдаланиш ҳам

кўлланилади. Товар сифатини ошириш орқали ракобатлашув катта аҳамият касб этади, чунки ахолининг ҳарид қобилияти юкори бўлиб, қиммат товарларни ҳам сотиб олишга курби этади. Товар сифатини ошириб бориш доимий равишда товарлар таркибини янгилаб туришни ҳам талаб килади. Товарнинг сифати деганда унинг дизайнни, истеъмол учун қулайлиги, узоқ ва ишончли хизмат қилиши, экологик тоза бўлиши кабилар тушунйлади. Техникавий товарлар учун ихчамлик, кўп жой эгалламаслик, шовкинсиз ишлаш, энергия ва ёнилғи сарфи камлиги ўта мухим.

Сервис воситаси, товарни ишлатишда хизмат кўрсатиш ёки ишлатишни қулайлаштириш билан ракобат қилиш тез тарқалиб бораётган усулдир. Техникавий товарлар сотилганда, уларни ишлатиш юзасидан хизматлар кўрсатилади. Товарни ҳаридор дидига мослаштириш, уйига элтиб бериш, уларни ишга тушириш, бепул таъмирлаб туриш каби хизматлар кўрсатилади ва бу хизматларни ким яхши бажариши юзасидан ракобат боради. Ракобатлашув усули қанчалик самарали бўлса ғолиб чиқиш имконияти шунчалик кўп бўлади.

Ҳозирги ракобат курашида товар рекламасига алоҳида эътибор берилади. Реклама товарнинг нафлиги ҳакида оқилона ахборот бўлиб, турли йўллар билан ҳаридорга етказилади.

Фирмалар ракобат туфайли янгиликни жорий этишга мажбур бўладилар, чунки бозордан ўз рақибини суриб чиқариш учун нисбатан сифатли ва арzon товарни таклиф этиш шарт. Бунинг учун, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги модадаги товарларни яратиш, илгари ишлаб чиқарилган товарларни модернизациялаш талаб этилади.

Шундай қилиб, ракобатда унумдорликни ошириш ва сифатни яхшилашга интилиш иқтисодий ўсишни таъминлайди.

**Тижорат вазиятлари.** Тижорат фаолияти мураккаб ҳисобланади ва кўлгина омилларга боғлиқ бўлади. Товар олди-сотди ва хизмат кўрсатиш жараёнига ижтимоий-иктисодий, табиий, миллий ва бошқа бир қанча омиллар таъсир кўрсатиб маълум бир вазиятни юзага келтиради.

Тижорат вазияти – бу омиллар таъсири остида юзага келган холатдир. Вазият қулай ва нокулай, оддий ва мураккаб, фавкулодда турларга бўлиши мумкин. Қулай тижорат вазияти товар ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатишни муваффакиятли ва самарали олиб боришга имкон беради, товар айланиши тезлашади, фойда даражаси юқори бўлади, нокулай шароитда эса, бунинг тескариси бўлиши мумкин. Оддий тижорат вазияти кам омиллар таъсири остида рўй бериб, тез-тез учраб туриши мумкин, ҳаракат қилиши унга кийинчилик туғдирмайди. Мураккаб тижорат шароити жуда кўп омиллар таъсири туфайли вужудга келиб, ечилиш йўли оғир бўлади (нарх, пулнинг кадрсизланиши, ишлаб чиқаришнинг хаддан ошиб кетиши ёки камайиши).

**Тижорат фаолиятида ечимлар.** Тижорат ечимларни ишлаб чикиш мутахассислар томонидан замонавий техника асосида олиб борилади. Бу ечимларнинг оқилона ва самарали бўлиши аввало мутахассис даражасига ва уларнинг ахборот билан таъминланишига боғлик.

Савдо тижорат ечимларини ишлаб чикиш билан бошқарув идораларда маҳсус бўлимлар, бошқармалар, айрим мутахассислар шугулланади. Концерн, вилоят матлубот уюшмалари ва улгуржи савдо базаларида савдо бўлимлари ёки айрим товар грухлари бўйича бўлимлар мавжуд бўлади. Идораларда, акционерлик матлубот жамиятларида мутахассислар ва шахсан савдо мудири, товаршунослар тижорат шароитларида ечим ишлаб чикиш билан шугулланадилар. Чакана савдо корхоналарида эса магазин мудирлари, сотувчилар тижорат фаолиятида иш олиб борадилар.

Айрим савдо ташкилотларида тижорат фаолиятини яхширок олиб бориш учун тижорат раҳбари (директори) лавозими ташкил қилинган. Бу ходим корхона раҳбарининг уринбосари хисобланади.

Тижоратчи мутахассислар фаолиятининг самарали бўлиши зарур бўлган ҳамма ахборотларни ўз вактида олиши ва уларни кайта ишлашига боғлик. Шунинг учун замонавий ахборот банклари бўлиши ва улар билан алоқа компьютер оркали бўлиши керак. Савдо корхоналарида, айникса компьютер ва телефакс ўрнатилган бўлиши лозим.

Тижорат ечимларини мутахассислар кўпчилик бўлиб биргаликда ёки якка тартибда ишлаб чиқишлари мумкин. Мураккаб шароитдаги ечимларни кўпчилик бўлиб, оддийларини эса якка тартибда ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат фаолияти олиб боришда оқилона ечимлар кабул қилиш ва шу асосда харакат қилиш мухим шартdir. Тижорат ечимлари – бу маълум бир шароитда кабул қилинган қарордир. Вазиятга қараб тижорат ечимлари оддий ва мураккаб, бир маротабали ечимларга бўлинниши мумкин. Тижорат ечимларининг энг асосий хусусиятларидан бири кўп вариантлигидир. Бир хилдаги масалани бир неча йўналишда ҳал қилиш мумкин ва натижасининг бир хил бўлишини таъминлану мумкин. Лекин, охирги ечимни қабул қилиш учун экспертнинг холосаси бўлиши зарур.

Шуни кайд қилиш керакки, ечимларнинг натижаси ҳамма вакт ҳам ижобий бўлиб чикмайди, чунки тижорат хавфга ёки таваккалчиликка йўл кўйилган бўлади. Демак товар сотиш ва сотиб олиш фаолиятида зарар кўриш хавфи бор бўлиб, бирданига товар нархи тушиши ёки соликлар тўлаш фоизининг ошиб кетиши мумкин. Бундай хатарни олдини олиш учун корхона маълум чораларни олдиндан кўриши лозимдир. Одатда иқтисодий хатарни олдини олиш учун корхона маълум микдорда маблаг ажратади ва шу маблагни таваккалчилик жамгармаси дейилади. Бозор иқтисодиётida кўлгина корхоналар шундай жамгарма ёрдамида ўз фаолиятларини унглаб оладилар ва инқироз ёки ёпилиш хавфидан кутиладилар. Тижоратда таваккалчилик обьекти характерига эга бўлиб, бозорга ўтиш ва бозор шароитида рўй беради, чунки ўзаро хўжалик муносабатларни ўрнатиш, товар ишлаб чиқариш, сотиш эркин ва рақобатли холда олиб борилади в хавф тўғилиши табиийдир.

Тижорат ечимларни ишлаб чиқиш мутахассислар томонидан замонавий техника асосида олиб борилади. Бу ечимларнинг оқилона ва самарали бўлиши аввало мутахассис даражасига ва уларнинг ахборот билан таъминланишига боғлик.

Савдода тижорат ечимларини ишлаб чиқиш учун бошқарув идораларда махсус бўлимлар, бошқармалар, айrim мутахассислар шугуулланади. Концерн, улгуржи в чакана савдо корхоналарида савдо бўлимлари мавжуд бўлади. Идораларда, улгуржи савдо корхоналарида савдо мудири, тадбиркорлар тижорат шароитларида ечим ишлаб чиқиш

билин шуғулланадилар. Чакана савдо корхоналарида эса дўкон эгалари, сотувчилар тижорат фаолиятида иш олиб борадилар.

Айрим савдо ташкилотларида, ишлаб чиқариш корхоналарида тижорат фаолиятини яхшироқ олиб бориш учун тижорат раҳбари лавозими ташкил қилинган. Бу ходим корхона раҳбарининг ўринbosари хисобланади.

Тижоратчи мутахассислар фаолиятининг самарали бўлиши зарур бўлган ҳамма ахборотларни ўз вақтида олиши ва уларни қайта ишлашига боғлик. Шунинг учун замонавий ахборот банклари бўлиши ва улар билан алока компьютер оркали бўлиши керак. Савдо корхоналарида, айниқса компьютер ва телефакс ўрнатилган бўлиши лозим.

Тижорат ечимларини мутахассислар кўпчилик бўлиб биргаликда ёки якка тартибда ишлаб чикишлари мумкин. Мураккаб шароитдаги ечимларни кўпчилик бўлиб, оддийларини эса якка тартибда ҳал қилиш максадга мувофиқдир.

Тижорат фаолияти олиб боришида ва айниқса ечимларни қабул килишда мутахассислар моделлаштириш ва ишбилармонлик уйини усулларидан кенг фойдаланишлари керак.

Ўзбекистон мустақиллиги, иқтисодий ислоҳотларнинг бошланиши, мулкчилик муносабатларини шаклланиши тижорат фаолиятини мамлакатимизда ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, саноат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларнинг ривожланиши тижорат фаолиятидаги янги карашларни ривожлантириди.

### **1.3. Тижорат фаолиятида психология ва этика. Тижоратчи-тадбиркор этикети**

Тижорат фаолияти тадбиркорлик ва бизнеснинг асоси бўлиб, тижоратчи эса олди-сотди жараёнида асосий иштирокчи ҳисобланади. Адолатли ва ўзаро фойдали шартномаларни тузиш маҳорати – тижоратчининг профессионал сифати жиҳатидан жуда ахамиятли ҳисобланади. Тижоратчининг профессионал талаблари чукур ва кенг маҳсус билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишни талаб этади. Бунинг учун тижоратчи куйидаги билим ва кўникмаларни пухта эгаллаган бўлиши керак:

- товарларни ҳарид қилиш ва сотиш, ташки иқтисодий операцияларни ўз ичига олган холда;
- маркетинг;
- бошқарув ва хукук;
- бухгалтерия ҳисоби;
- молиялаштириш ва соликлар.

Тижоратчининг профессионал талаблари билан биргаликда шахсий талаблари ҳам мавжуд. Тижоратчи куйидаги шахсий талабларга эга бўлиши керак:

- масъулиятли ва таваккал қилишга тайёр туриш;
- тўғрилик, ишонч, берилган сўзига содиклик;
- руҳий ва жисмоний етук бўлиш;
- ташаббускор, тезкор ва билимдон;
- самимийлик, одамларга дўстона муносабатда бўлиш;
- ташкилотчилик хусусиятига эга бўлиш;
- жавобгарликни ҳис қила билиш;
- тезкор ва аниқ қарор қабул қиласиган қобилиятга эга бўлиш;
- мақсад сари интилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак.

Тижоратчи-тадбиркорнинг ўзига хос этика коидалари мавжуд. Биринчилардан этика ҳақида Аристотель куйидаги фикрларни айтиб ўтган: “қилиш керак бўлган ва нимадандир ўзини тўхтатиш демакдир”. Этика бу (грек тилида “ethos” - одат, характер деган маънони билдириб) инсоний меъёrlар тизими сифатида киши ёки қандайдир алоҳида

гурухларнинг ўзини тутиш, амалий одатлари, риоя тартиби тушинилади.

Этикет ибораси эса французча сўздан олинган бўлиб, кенг маънода ўзини тутиш (ахлок, одоб), хушмуомалалик коидалари тушунилади. Этикет ибораси келиб чикишининг ўзига хос тарихи бўлиб, у Франция қироли Людовик XIV даври билан бевосита боғлик. Авваллари Францияда товар номи ёзилган қоғоз ёпиширилиб кўйиладиган қозикча этикет деб номланган. Кейинчалик шу ном билан товар номи ёзилган қоғознинг ўзи юритилиб бошлаган. Кейинрок Франция қироли Людовик XIV тантанали қабул маросимларидан бирида меҳмонларга “Хулк-атвор”, яъни ахлок коидалари деб ёзилган карточка таркатиб чиқади. Карточка эса этикетка деб номланган бўлади. Вактнинг ўтиши ва Францияда монархиянинг мустаҳкамланиши билан этикетка сўзи этикет иборасига, унда ёзилган коидалар эса ахлок ва одоб коидалари деб юритилиб бошланган. Бугунги кунда этикет ибораси деярли дунёнинг барча тилларида қабул килинган. Масалан, рус тили лугатида этикет – кандайдир жамиятда ўзини тутиш (юриш – туришнинг) белгиланган тартиби ва муомала килиш шакли деб таърифланади.

Жамиятда шаклланган этикет коидалари ахлокий меъёрлар дейилади. Тижорат фаолиятининг ҳам ўзига яраша ахлокий меъёрлари мавжуд. Шу меъёрларга итоат қиласан ҳолда тижорат фаолиятини олиб борадиган шахслар маънавий маданиятли деб хисобланади.

Этикет коидалари догма эмас, жамиятнинг ўзгариши билан улар ҳам ўзгариб ва такомиллашиб боради: вактнинг ўтиши билан уларнинг баъзи бирлари эскириб, кўлланишдан чиқади, уларнинг ўрнига янги ахлок коидалари пайдо бўлади, баъзи бир коидалар такомиллашиб жамиятлан жамиятга ўтиб боради. Масалан, саломлашишда қадимий Хитой, Монголия ва Миср халқлари томонидан саломлашиш сўзлари ўрнида ишлатилган “Бугун сиз овқатландингизми” ёки “Товарларингиз омонми?” иборалари ҳозир ишлатилмайди. Уларнинг ўрнига сўз билан ёки кўл беруб саломлашиш коидалари қабул килинган. Қадим замонларда харбийлар металдан ясалган совут, темир қалпок ва кўлқоп кийишиб юришган. Улар меҳмондорчиликка ҳам ушбу кийимда боришган. Лекин саломлашишда темир қалпогини ва кўлқопини

ешишган. Ушбу саломлашиш қоидаси такомиллашиб, бугунги кунда баъзи бир мамлакатларда бош кийимини олиб ёки озгина кўтариб саломлашиш қоидасига айланган. Демак, хозирги жамиятдаги этикет қоидалари бундан олин ўтган жамиятларда шаклланган ахлок ва одоб қоидалари маҳсули ҳисобланади.

Тижорат фаолияти билан шугулланувчи тижоратчи сифатида ўзини шакллантирас экан одобли, интизомли ва бутунлай ўзининг хиссийтларини бошқара олиш хусусиятига эга бўлиши керак, шу билан бирга муваффакият сари етаклайдиган тижоратчи имижини яратиш зарур ҳисобланади.

Тижоратчи ибораси том маънода тадбиркор деган маънони беради, амалда эса савдо-сотик, тадбиркорлик ёки бизнес билан шугулланадиган шахсни билдиради. Агар ушбу атама тижорат иборасининг мазмунига нисбатан талқин қилинадиган бўлса, тижоратчи фойда келтирадиган айланма капиталнинг ва фойданинг соҳиби ҳисобланади. Шундай қилиб, тижоратчи ўзининг карзга ёки кредитга олган маблагларни ҳисобидан олди-сотди, тадбиркорлик ёки бизнес бўйича фаолият қиласидан оладиган шахсни тижоратчи ибораси таъсирини яхши билишлари шарт.

Тижоратчи бўлиш учун олий маълумот шарт эмас. Лекин тижоратчи амалдаги тижорат фаолиятига оид халкаро, ўз миллатига ва мамлакатига хос миллий одоб ва ахлок ҳамда юриш-туриш қоидаларини яхши билишлари шарт.

Юкорида кўриб чиқилган тижорат ва этикет тушунчаларининг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда тижоратчи этикети тушунласининг мазмунини очиб бериш мумкин. Демак, тижоратчи – тадбиркор этикети деганда тижорат фаолиятида ёки тижоратчилар ўртасида қабул қилинган халкаро ва миллий этикет қоидаларига риоя қилиш асосида тижорат фаолияти билан шугулланиш тушунилади.

Ҳар бир тижоратчи ишбилармон киши этикасидан келиб чиқсан ҳолда профессионал ўзини тутиш малакасига эга бўлиши керак ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ўзини танишириш ва танишиш қоидалари;
- тижорат сұхбатларини олиб бориш қоидалари;
- телефонда сұхбатлашиш ва тижорат ёзишмалари қоидалари;

- ташки киёфа, одоб ахлоқ, кийиниш қоидаларига риоя килиш;
- нутқ маданияти;
- иш баёни ва х.к.

**Таништириш ва танишиш қоидалари:** Ўз сұхбатдошини биринчи бўлиб уни исми ва отасининг исми билан мурожаат қилган ҳолда саломлашиш мақсадга мувофиқдир (факат исми билан ёки қисқа исм билан мурожаат қилиш тавсия этилмайди). Исм билан факт ёшларга мурожаат этиш мумкин агар улар бунга карши бўлмаса, шарифи билан мурожаат этиш мумкин, лекин шарифи олдидан албатта жаноб ёки ўртоқ сўзини кўшиш керак.

Иш юзасидан мурожаат килишда факт Сизлаб гапирилади. Иш юзасидан бўлган учрашувда нотаниш киши билан биринчи ўзингиз саломлашинг ёки учрашувни ташкил қилган одам орқали танишинг. Эркак киши аёл билан биринчи бўлиб саломлашади, ёши кичикларни катталарга таништириш керак, лекин аксинча эмас.

Амалда ташриф қоғозлар кенг кўлланилади. Бу ўз ўрнида кишига мурожаат этишда нокулайликларни олдини олиш имконини беради. Ташриф қоғозини кишига бериш орқали сиз келажакда иш ва шахсий муносабатларни кўллаб қувватлашни билдиради. Карточкалар асосан оқ ва кул рангдаги тонларда килиниб, унда типографик усулида киши шарифи, исми, отасининг исми, мансаби, фирма манзили ва телефон раками киритилган бўлади.

#### **Иш юзасидан сұхбатларни олиб бориш тартиб қоидалари:**

- қисқа ва аник фикрингизни баён этинг (айрим тижоратчилар гапиришни яхши кўришади ва баъзан фикрини ноаник баён этадилар - бу эса хамкорга ёкмайди);
- мен сўзини эҳтиёткор бўлиб ишлатинг;
- факт далилларга таянг, исботсиз ғояларни келтирманг;
- деталларга киришиб кетманг;
- маъруза ўқишдан кочинг;
- мураккаб саволларга жавоб берганда уларни енгилаштиришга урининг, уларни янада мураккаблашишига йўл қўйманг;
- асабийлашган ҳамкор билан учрашганда, конфликтдан қочинг;

**Телефонда сұхбатлашиш ва тијорат ёзишмалари қоидалари.** Иш юзасидан ёзиладиган хат қисқа ва аник бўлиши керак. Ҳар бир хатда “Хурматли” сўзи билан бошлаш талаб этилади. Кейин эса исми, отасининг исми ва фамилияси ёзилади (фамилиядан олдидан жаноб, ўртоқ, ҳамкасб ёзилади). Кенг кўлланиладиган сўзларни унутманг “илтимос”, “хурмат билан”, “марҳамат килинг”, “олдиндан миннатдорман”, “хайр”, “учрашгунча”.

Иш юзасидан ёзилган хатларни 2 мартадан кўп буклаш тавсия этилмайди, ёзилган томони ичига караб букланади. Жудаям мухим бўлган хатларни иложи борича катта конверларда букламасдан жўнатилиди. Хатга жавоб камида 5 кундан сўнг бериш тавсия этилади.

**Кечикирилган жавоб бериш ҳолатида узр сурашни унутманг ва уни сабабини келтиринг (хатлар тартиб билан ёзилиши талаб этилади).**

Телефон орқали сұхбат қисқа, самимий ва факат мавзуга доир бўлиши лозим. Телефон орқали гапирганда нафакат исмингизни, шу билан шарифингиз ва фамилиянгизни аник айтишингиз керак.

Сұхбат давомида “илтимос” ва “марҳамат килинг” сўзларини ишлатиб, сизга керак бўлган одамни сўранг. Билиш жоиз, сизнинг тијорат фирманинг ҳақидаги биринчи таассурот, бу сизнинг ишчиларингизнинг телефон орқали сұхбатига бокликдир. Телефон орқали жавоб берадиганда эшитилаётган овоз фирма ҳақида ёмон таассурот колдириши мумкин. Шунинг учун телефон гушагига жавоб беришда фирма номини аник айтиш, сўнг “хайрли тонг” ва “хайрли кун” айтиш керак.

**Эслатма:** Агар телефон алокаси ўзилиб қолса, ким кўнгироқ килган бўлса, ўша киши қайтадан кўнгироқ қилиши керак. Бошкалар олдида сұхбатларни олиб борманг.

**Ташқи қиёфа, одоб ахлоқ, кийиниш қоидаларига талаблар.** Тијоратчи доимо тоза кийиниши шарт: ёмон боғланган буйинбоғ ёки тозаланмаган пойафзал, ўзига ва атрофига бўлган талабнинг йўклигидан далолат беради.

Ёркин рангли кийимлар ёки нақшли кийим кечаклар кийиш тавсия этилмайди (АҚШда факат хафтада бир марта жума куни костюм ўрнида жинси ва кўйлак кийишга рухсат этилади).

Эркакларга оддий рангдаги ва классик фасондаги, бир хил рангдаги күйлаклар, ва тұғри танланган бүйинбоғлар тавсия этилади.

Аёллар эса классика услубдаги костюмлар, блузкалар кийиш лекин тақынчоқлар тақиши тавсия этилмайды (занжир, узук ва ҳ.к.).

Жудаям модда услубида кийинищдан үзини тишиш, эркаклар услубида кийиниш ҳам тавсия этилмайды, соч турмаги ва пойафзал тартибда бўлиш керак. Расмий қабулларда аник кўрсатилган кийимларни кийиш керак, булар тақлифномаларда кўрсатилган бўлади: эркаклар - костюм, фракда; аёллар эса кечки куйлакларда келиши керакдир.

Ўзингизнинг юришингизга эътиборли бўлиб юришингиз керак, тұғри, тик ва букилмасдан, дадил юришингиз керак бўлади.

Креслода ёйилиб ўтириш ёки стулда тебраниб ўтириш мумкин эмас. Кўлларингизни идора қилиб ўтириш, ўзингизнинг имоишораларингизга эътиборли бўлиб, максадга мувофик тарзда ишлатинг.

Сухбатдошингизга кўлларингиз билан тегинманг, бу унга ёқмаслиги мумкин. Меъёрни билинг, ҳар бир ёмон қилик атрофга ёқмаслиги мумкин ва баъзан ўзингизга қарши қўлланилиши мумкин.

Жуда ҳам куркмас бўлманг, шу ўринда жуда ҳам кучсиз, бефарқ ва сокин ҳам ўзингизни тутманг.

Атрофга сиз колдирган таассуротга эътиборли бўлинг, бу үзини яхши кўришдан эмас, балки ўз-ўзини тузатишга ёрдам беради.

**Нутқ маданияти.** Ҳар бир тижорат муносабатининг муҳим шартларига саводлик, мантиклик ва эмоционал бүёйдорлик каби нутқ маданиятлари киради. Сўзларнинг тұғри ишлатилишига, уларнинг тұғри талаффуз қилинишига ва ургу кўйилишига эътиборли бўлинг.

Кўйидаги кўпол сўзларни ишлатманг “демак”, “тушунияпсизми”.

Нутқда гапини ўтказиш ёки буйруқ оҳангларини ишлатмасликка ҳаракат қилинг.

**Иш баёни.** Бу иш юзасидан ўтказиладиган учрашувлар тартибидир. Бу асосан иш юзасидан ўтказиладиган сухбатларда муҳим саналади. Учрашувни белгилаш камида 2-3 кун олдин режалаштирилади. Бунда асосан учрашувда кўриладиган саволлар олдин келтирилади ва кейинги учрашувлар ҳакида ҳам олдиндан режалаштирилади. Сухбат вакти икки томондан жуда аник вактда

ўтказилишига риоя этилиши керак (гарб мамлакатларида аниқлик сұхбатнинг яхши белгиси ҳисобланади). 15 дақикаға кечикиш интизом тартибини бузган ҳисобланади. Шунинг учун кечикиш ҳақида олдиндан хабардор қилиш тавсия килинади. Белгиланған вақтдан олдин келиш ҳам тавсия этилмайди, чунки учрашувга сизни таклиф қылған тарафға нокулайлик түғдиради.

Иш юзасидан сұхбалар алоҳида максадға мувоғиқ тарзда белгиланған ва жиҳозланған хонада ўтказилади. Ҳар бир қатнашувчининг олдидә фирмани таништираётған қиши номи, шарифи ва фамилияси карточкада ёзилған бўлиши шарт.

Жой (стуллар) етишмаслиги бўлмаслиги керак. Жоиз бўлған пайтда сұхбатлар махсус белгиланған ишчилар ёки таклиф қилинған мутахассислар томонидан хизмат кўрсатилади. Стол устида қатнашувчилар учун көгоз ва ёзиш учун мўлжалланған жиҳозлар куйилиши керак; яхна ичимликлар куйиш ҳам тавсия этилади. Чой, кофе печенье билан узатиш ҳам одоб ахлоқнинг яхши белгиси ҳисобланади.

Иш юзасидан ўтказиладиган учрашувларни ташкиллаштиришни ўтказилаётған тараф ўз зиммасига олади.

Қабул қилиш тартибига қандай қабул қилиш коидаси, таклиф қилинадиган кишилар рўйхатини тузиш, таклифномаларни таркатиш, стол атрофида меҳмонларни ўтказиш режасини тузиш, меню тузиш, жойни белгилаш, столни безаш, меҳмонларга хизмат кўрсатиш, кадах сўзи ва нуткни тайёрлашни ўз ичига олади.

Тижоратчининг кўп вақти иш юзасидан бўладиган сұхбатлар ва ёзишмалар билан үтади. Бу соҳада жаҳон ва миллий тажриба кўл, турли тавсияларга эга бўлди ва энг кўп таркалганларига куйидагиларни киритиш мумкин.

Агар келишувни қиска муддат ичида қилишни истасангиз унда олдиндан ҳамкорингизга у билан ишлашга тайёр эканлигинизни намоён этинг. Бу ерда сұхбатни ўтказиш тажрибангиз керак бўлади. Қиска вакт ичида ўтказилған сұхбат коида бўйича самарали ҳисобланмайди, бу ерда бир томон ёки икки томоннинг ҳам тайёр эмаслигидан далолат беради. Сұхбат ўтказишни бошлашдан олдин, у шахсий ёки телефон сўзлашуви бўладими обдон нимани гапиришни

ўйлаб олинг, сұхбат бошида қандай реакциялар бўлишини тасаввур килинг ва ижобий жавоб кўтишга ўзингизни тайёрланг.

Ўзингизни таништирғандан сўнг, гапингизни бошлаганингздан потенциал ҳамкорингизни эътиборини ўзингизга қаратишга ўрининг. Масалан, “Сизнинг фирманингизни биз обрули фирма деб хисоблаймиз, товарларимизни сотиш учун сизнинг фирманинг билан шартнома тузишни истардик”. Сұхбат пайтида одоб ахлоқ доирасидан келиб чишиб, фикрингизни киска ва аниқ баён этинг. Агар керак бўлса янги учрашув жойи ва вакти ҳакида келишиб олинг. Шартнома тузиш имконини берадиган муҳитни яратиш керак. Жой жуда ҳам эҳтиёткорлик билан танланади (стол, стуллар, телефоннинг йўклиги), сизнинг сұхбатингизга халакит бермайдиган қулай жой бўлиши керак.

Сұхбатни ўтказиш куйидагича бўлиши мумкин: саломлашиш, танишиш ва тижорат келишувларга кириш қисми, таклифлар, таклифлар ҳакида чукур изоҳлар бериш, масъулият, диалог ва сұхбатни тугатиш. Эслатма: сұхбатни ўтказиш енгил ўтади агар таклифларингиз тайёр олдиндан келтирилган ёки көгозда ёзилган бўлса. Олдин аниклаб олинг, ҳамкорингиз сизнинг товарларингизга муҳтоҷми, уларни сотиб олиш хуқуки ва улар учун тўлаш имкониятига эгами. Сұхбат бошлашдан кейин, у яхши ўтиши учун сиз ҳамкорингиз билан икки томонлама қулай позицияга ўтишингиз керак. Сұхбат киладиган энг асосий мавзулардан бошланг (аниқ товаларни ҳарид килишдан), кейин эса принципиал саволларни муҳокама қилиб келишиш (микдор ва етказиб бериш муддати ҳакида) ва шундан кейин деталларга ўтинг (транспорт тури). Лекин факат шахсий кизикишларингизга тўхтаманг, чунки иккинчи томон ўзига хеч қандай фойдали имкониятларни кўра олмайди.

Сұхбатни яхши ўтишига нутқ маданияти катта таъсир ўтказади. Жуда баланд ва тез гапирманг, сұхбатдошингизга ўз фикрингизни ўтказаётгандек бўлади. Агар жуда ҳам аста ва ноаник гапирсангиз, унда сизни тўғри тушуниш учун сұхбатдошингиз сизга қайта савол беришига тўғри келади. Шошилманг, сұхбатдошингизга етказилаётган янги ахборотни тўғри тушуниши учун вакт талаб этилади. Баъзида сұхбатнинг охири мураккаблашиб қолади. Муаммони бошка томондан кўриб чиқинг, сұхбатни қайта психологик кабул килинган иборалар

билин бошланг, “Муаммони бошқа томондан кўриб чиқсак”. Лекин ўз мақсадингиз ҳакида унутманг, яъни товарларингизни сотиш ҳакида.

Мухим ечимларни ечишда майда чуйдаларга ён босиши мумкин (тўлаш шарти ва тўлов муддатини узайтириш). Баъзи ҳолларда ҳамкорингизга ён босишигизга тўғри келади агар сиз таклиф қилаётган нарсани ҳарид қилса. Кўп ҳолларда шартноманинг келишуви товарнинг ҳамкорингизга керак бўлиши далиллар билан келтирилса тузилади. Бунинг учун ҳарид қилган мижозларингизнинг ёзма далилларини келтиринг. Бу шартнома тузишда мухим ҳисобланади, агар ҳамкорингиз товарингизни сотиб олишда иккиланаётган бўлса. Энг қулай усул бу ҳамкорингиз билан сиздан олдин ҳарид қилган мижозингизга ташрифингиз ҳисобланади: мамнун бўлган мижозингиз сизнинг товарингизни ишлатишини тасдиклаган ҳолда гувоҳлик бериб сизнинг фойдангизга келишувни тузишга ёрдам беради.

Агар сиз ҳарид қилувчи шахс сифатида бўлсангиз, унутманг вакт бу сотувчининг душмани ҳисобланади, лекин сизнинг эмас. Келишувни таклиф қилаётганда агар сиз сотиб олмокчи бўлмасангиз сотувчи тез сотиш мақсадида сиз сотиб олишингиз учун қулай имкониятларни таклиф қиласди (масалан, нархини пасайтиради). Исталган пайтда сухбат пайтида туриб кетишга тайёр туринг, “ҳа” деган жавобни бериш керак бўлган пайтда “йўқ” деган жавобни беришга тайёр туринг. Сизга ҳали кайтиб келиш имконияти мавжуд, келишув шартлари сиз учун янада самарали бўлади.

Сухбатдан кейин мазмуни ҳакида ёзма равишда тасдиклаш мақсадга мувофиқдир, масалан, баённома ёки шартнома тузишдир. Келишув муваффакиятли ёки натижасиз тугашига карамай, фирмада унинг холосаси кўриб чиқилиши керак бўлади.

Оғзаки келишувларидан ташкари, тижоратчи ҳамкорлар тижорат ишларида ёзишмаларидан фойдаланилади. Бундай хатлар юридик шахс номидан шартнома тузиш ва амалга ошириш пайтида қилинади ҳамда қонуний кучга эга бўлиб, судда қайта кўриб чиқилиши мумкин. Ўзининг функционал мақсадига кўра З хил тижорат ёзишмалари таснифланади:

- сўров - сўровга жавоб;
- таклиф - таклифга жавоб;

- эътиroz (рекламация) - эътиrozга жавоб.

Сўров - тижорат ҳужжати ҳисобланади. Бунда ҳарид килувчи шахс сотувчидан товарлар ҳақида тўлиқ маълумот бериш ҳақида илтимос билан мурожаат килади ва товарларни етказиб бериш ҳақида таклифларни юборишни сўрайди. Сўровномада товарлар микдори ва шартлари, ҳамкор товарларни олиши мумкин бўлган шартлари, масалан, товар микдори ва сифати, унинг модели, маркаси, нархи, етказиб бериш муддати ва тўлов шартлари.

Агар сотувчи ҳарид килувчи шахсга товар ҳақида керакли маълумотни юборолмаса, унда сотувчи мухим маълумотларни ўз ичига олган хат юборади, хусусан:

- савонни кўриб чиқишини кабул килиш;
- мижоз қизиктираётган товарларни етказиб беришни аниклаштириш;
- мижоз қизиктираётган товарларни етказиб беришни рад этиш;
- товарларни етказиб бериш шартларини ўзгартириш (товар микдори, маркаси, етказиб бериш муддатини ўзгартариш ва ҳ.к.);
- мижоз қизиктираётган товарларни етказиб бериш таклифларини юбориш.

Агар сотувчи ҳарид килувчи киши таклифини ва қизиктираётган товарни етказиб беришни кондирадиган бўлса, унда унга таклифни юборади, яъни аниқ кўрсатилган шартлар билан шартнома тузиш таклиф истагини юборади.

Таклиф - тижорат келишувини тузишнинг расмий таклифи ҳисобланади, унда келишувнинг барча шартлари келтирилади, микдори, нархи, муддати, томонлар маъсулиятлари ва ҳ.к.

Таклиф мижозга унинг сўровига жавоб тариқасида берилиши мумкин ёки сотувчи томонидан ҳам юборилиши мумкин. Бунда товар ҳақида маълумот келтирилади, микдори, сифати, нархи, етказиб бериш муддати, тўлов шартлари, қадоқлаш тури ва товар туридан келиб чиқиб бошка шартлари ҳам кўрсатилади.

Агар мижоз таклифнинг биронта шарти билан норози бўлса (масалан, товар микдори, нархи, етказиб бериш муддати ва ҳ.к.), у сотувчига бу ҳақида хабар килади ва улар ўртасида ёзишма ўрнатилади

ёки бутунлай шартнома тузиш учун асосий келишув элементлари мұхоказама қилинади.

Рекламация (эътиroz) - тижорат хужжат, томонга күрсатиладиган эътиrozлари, шартнома асосида ўзига олган мажбуриятларни бузиш ва етказилған заарларни қоплашни талаб қилишдір. Эътиrozлар товар сифатига, миқдорига, етказиб беріш муддатига, қадогига, маркасига, тұловига ва бошқа шартномаларға берилиши мүмкін.

Рекламация қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- эътиrozларни күрсатища асослар;
- мөйөрий хужжатлар ва далил-исботлар (ТҮ, экспертиза далолатномалари, тижорат далолатномалари);
- эътиroz берәётгандыннинг аник талаблари.

Рекламация ёзма тарзда баён этилади (буортма хатида), барча хужжатларни келтирған ҳолда, эътиrozни тасдикловчи иккі томон учун барча хужжатлар ва аник бир муддатда келтирилиши шарт. Агар рекламация томонлар келишуви орқали амалға ошмаса, унда иш арбитражга ўзатиласы, бу карор якуний ҳисобланади ва иккі томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

Рекламацияга жавоб буортма хати билан ёки факс орқали эътиrozни қоникарлы деб кабул қилған ҳолда ёзма равиша жүнатиласы. Шу билан буортма хати билан барча хужжатлар билан биргаликда рад этгандын ҳолда жүнатилиши хам мүмкін.

Тижоратчилар бошқа фукароларға нисбатан моддий таъминланған, мулокот, тижорат ва тадбиркорлик қоидаларини яхши биладиган шахслар ҳисобланади ва доимо ҳалқ назари остида бўлади. Шу сабабли хам тижоратчилар ўзлари тўғрисида ижобий таассурот қолдиришга, ҳамкорлар ва ҳалқ олдида ўз мавқеининг ортиб боришига катта эътибор беришлари лозим. Ҳалкаро тажрибада тижоратчилар тўғрисидаги ижобий таассуротлар мажмуига уларнинг имижи дейилади.

Имиж тушунчаси лотин сўзидан олинган бўлиб, том маънода тимсол ва ўхшаш деган маънени беради. Кенг маънода эса қандайдир шахс, фирма, товар белгиси тўғрисида жамоат онгида шакланған тасаввур, киёфа ёки тимсол тушунилади.

Тасаввур, киёфа, тимсол ёки сиймо (бундан кейин таассурот ёки тасаввур дейилади) умумий ибора бўлиб, тижоратчиларнинг ташқи

киёфаси, кийими ва кийиниши, тозалиги, юриш–туриши, ҳатти–харакати, мулокот қилиш ва ҳар хил вазиятларда этикет қоидалари бўйича ўзини тута олиш каби тушунчаларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам тижоратчилар тўғрисидаги умумий тасаввур уларнинг ҳамкорлар ва бошқа сухбатдошлар билан мулокотга тушиш, ташки киёфасини, кийинишини, маҳсус тадбирларда, жамоат жойларида, кўчада ва уйда юриш–туришларини ҳамда ҳатти–харакатларини кузатиш натижасида шаклланади. Тижоратчи тўғрисидаги шаклланган умумий тасаввурнинг тўпланиб ва жамоат хотирасида ўтириб қолишида оммавий ахборот воситалари, таниш–билишлари ҳамда тижорат фаолияти ва корхонаси тўғрисидаги реклама катта аҳамиятга эга.

Ижобий тасаввурнинг шаклланишида тижоратчининг ташки киёфаси ва кийиниш тарзи катта рол уйнайди. Шу сабабли ҳам тижоратчининг ташки киёфасини шакллантириш, юз–кўз тузилишига қараб кийимлари рангини, бичилишини ва тикилишини танлаш ҳамда уни кийиш масалалари бўйича маҳсус мутахассислар шугулланади. Улар имижмейкерлар деб аталади.

Имижмейкерлар деганда давлат арбоблари, сиёsatчилар, артистлар, тижоратчилар каби кишиларнинг рекламаси билан шугулланадиган, обрўсини кўтариш, шухратини мустахкамлаш учун самарали имиж стратегиясини, тактика ва технологиясини ишлаб чиқарадиган мутахассис кишилар тушунилади.

**Ижобий таассурот колдириш йўллари.** Тижорат фаолияти билан шугулланадиган ва шугулланмокчи бўлган кишилар учун бундан олдин таъкидланганидек, ҳамкорлари, сухбатдошлари ва ҳалқ фикрида ижобий тасаввур колдириш жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Тижоратчи тўғрисидаги биринчи тасаввур кандай бўлса, унинг иши шундай кетади: ижобий бўлса - самарали, салбий бўлса - самарасиз, чунки ҳар кандай тижоратчининг имижи ўзининг ҳамкорлари ва сухбатдошлари фикрида колдирган таассурот билан бевосита боғлик бўлади. Тижоратчилар тўғрисида биринчи тасаввурнинг шаклланиши учун атиги 10 – 15 сониялар кифоя қиласи. Агар ана шу вакт ичиде тижоратчи ўзи тўғрисида ижобий тасаввур колдирган бўлса, унинг имижи шаклланиб, бойиб боради ва соҳиби учун хизмат қиласи. Ана шу ўта қисқа вакт давомида шаклланган салбий тасаввурни ижобийга айлантириш учун

бир умр ҳам етмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам ижобий тасаввур қолдириш учун амалда катор қоидаларга итоат қилиш лозим. Улар куйидагилардан иборат:

– ҳамкорлар ёки бошка сұхбатдошлар билан биринчи марта учрашганда айтиладиган сўзларнинг энг камида 10 – 15 таси жуда ҳам салмоқли бўлиши, ишончли ва равон талаффуз қилиниши лозим. Учрашувнинг бошланишидаёқ миннатдорчилик билдириш ҳам сұхбатдош фикрида яхши тасаввур қолдиради, унинг кўнглини “юмшатади” ва сұхбатни хушмуомалалик билан олиб борилишига чорлайди. Миннатдорчилик ҳам яхши сўзлар билан адабий тилда изхор этилиши лозим. Миннатдорчилик турли шаюлларда билдирилиши мумкин, масалан, “Мен билан учрашиш учун қимматли вактингизни ажратганингиз учун сизга катта миннатдорчилик билдираман”, ёки “Сиз билан учрашганимдан жуда ҳам хурсандман”, ёки ҳамкор таниш бўлса, “Яна кўришганимдан жуда ҳам хурсандман” ва ҳоказо;

– сұхбат ўтказилаётган жойда сұхбатдош ҳамкордан ташқари бошка кишилар ҳам бўлиши мумкин. Бундай вазиятда сиз нафакат сұхбатдошингизда, бошка кишилар фикрида ҳам ўзингиз тўғрисида ижобий тасаввур қолдиришга ҳаракат қилишингиз керак. Сұхбатдошда ва бошқалар хотирасида яхши тасаввур қолдиришнинг энг самарали усулларидан яна бири очик чехра билан мулокотга тушишдир. Шунинг учун ҳам саломлашиш, хол-аҳвол сўрашда ва миннатдорчилик билдиришда сұхбатдошнинг кўзига қараб, кулиб гапириш лозим. Табассум билан салмоқли ва маъноли сўзларни танлаб, кулиб гапириш тижоратчининг дадил ва сергайратлигидан дарак беради. Агар бошқалар сизнинг сўзларингизни эшитмаса ҳам чеҳрангиздаги порлаб турган табассумга албатта эътибор беришади;

– дадил ҳаракат киладиган ва сергайрат кишилар одамларнинг аксариятига жуда ҳам ёқади. Шу боисдан ҳам ижобий тасаввур қолдиришда шинам қадам ташлаб юришнинг ҳам аҳамияти катта. Бинога ёки оғисга кирасизми, ёки бирорни карши оласизми, қадамларни чиройли босиш, жонли ва сергайрат ҳаракат қилиш лозим. Иш давомида жуда чарчаган бўлсангиз ҳам уни бошқаларга билдириласлик керак, ишнинг охирнда ҳам сергайрат ва жонли ҳаракат

қилишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳамкаслар, ҳамкорлар ва бошқалар ҳам бу ҳаракатингизни албатта ижобий баҳолайди;

– тижоратчи түғрисида ижобий тасаввурнинг шакланишида унинг ташқи қиёфаси энг катта аҳамиятга эга. Тижоратчи түғрисидаги умумий тасаввурнинг деярли 80 – 90 % унинг ташқи қиёфасининг ҳиссасига түғри келади, чунки соқол-мўйловларининг олинишига, соchlарининг таралишига, кийимига, унинг тозалигига ва кийилишига катта аҳамият берилади. Этикет коидаларига кўра тижоратчи соқол-мўйловлари киртишлаб, соchlари эса қисқа олинган, таралиши юз тузилишига мос келган, такинчоклари (соат, билагузуклари ва узуклари) ўзига ярашган бўлиши шарт. Аёл тижоратчиларнинг такинчоклари ранги ва катталиги бўйича бошқаларнинг дикқатини тортмайдиган ва хуснига хусн кўшадиган бўлиши лозим.

Ижобий тасаввур қолдиришда оёқ кийимларининг ҳам аҳамияти катта. Туфлилар яркираган ҳолатгача тозаланган бўлиб, худди янгига ўхшаб кўринадиган бўлиши керак. Эркаклар пайпоги болдирни ёпиб турадиган, аёллар калготкалари эса йиртилмаган бўлиши шарт.

**Тижоратчилар имижига салбий таъсир қилувчи омиллар.** Инсонга, айникса ёшларга хос шундай хусусиятлар борки, у кераклисига кўра кераксиз маълумотларни ўзига жуда ҳам тез кабул килади. Вақтнинг ўтиши билан улар одатга айланиб боради. Буни одам сезмай ҳам қолади. Бундай одатлар ўзларини соҳибига сездирмасдан бошқаларга доимо кўз-кўз килиб туради. Агар тижоратчиларда бундай одатлар шаклланган бўлса, уларнинг ҳамкор ва бошқа сухбатдошлари олдида ижобий таассурот қолдириш бўйича барча ҳаракатларини пучга чикаради.

Имижни шакллантирувчи ва ижобий таассурот қолдириш йўллари юкорида кўрсатилган коидаларга риоя қилиш билан бир каторда мумкин қадар ёмон одатларни намоён қилмасликка ҳаракат қилишини талаб қилади. Бундай ёмон одатлар қуйидагиларга ўхшаганлардан иборат: вазиятларни ҳисобга олмасдан ҳар хил гапларни гапиравериш, кўча ва жаргон сўзлардан фойдаланиш, доимо мийигидан кулавериш, ёнида ўтирганларга ва сухбатдошларга кўли билан тегинавериш, кўлини доимо чўнтакка солиб юриш, сакқич чайнаш, дазтоварланмаган кийимларда ва тозаланмаган туфлида юриш, иш ва сухбатларга спорт

кйимларини кийиб келиш, тўхтовсиз сигарет чекиш, эрталабдан пиво ёки арок ичиб ишга келиш, тиш ва оғиз бўшликларини тозаламаслик ва бошқалар. Шундай салбий омилларнинг олдини олишга имкон берадиган баъзи бир тавсияларни кўриб чикамиз.

Аксарият кишиларнинг сўз бойлиги, имо-ишоралари ва гапириш усули ота-она, ўртоклари, тенгкурлари ва кўча таъсирида шакланади. Ҳар қандай одам ҳам қандайдир даражада атроф-мухит маҳсулоти ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳамкор ва бошқалар билан бўладиган сухбатларда, биринчидан, вазиятни ҳисобга олган холда қеракли сўз ва гапларни танлаб гапириш, сўзларнинг охирини “ютмасдан” аниқ ва равон талаффуз қилиш, иккинчидан, кўча ва жаргон сўзларни ишлатмаслик лозим, чунки кўча ва жаргон сўзларнинг ишлатилиши тижоратчининг маданияти пастлигидан дарак беради ва имижини пасайтириб юборади.

Баъзи бир кишилар жуда ҳам кўп кулишади, албатта, кулги инсонга хос яхши фазилатлардан бири. Лекин кулиш ҳам ҳар хил бўлади. Ўз мавридида табассумли кулиш одамларга малҳам беради, кайфиятини кўтаради, сухбатнинг ижобий бориш гарови ҳисобланади. Лекин баъзи бир кишилар борки, инсонлар қалбида нафрат ўйготади. Бунга мийигидан бўлар-бўлмасга кулавериши мисол бўлади. Аксарият кишилар бундай кулги турнга устидан мазах қилиш деб карайди. Шу сабабли ҳам сухбат даврида мийигидан кулиш одати бор кишилар ўзларини кулгидан тийсалар, яхшиrok бўлади.

Тижоратчининг ташки қиёфаси унинг мавкеига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз кадди-коматига, юз-тузилишига ярашмаган, дазтоварлашмаган кийимларни кийиш, тозаланмаган оёқ кийимларида юриш, сокол-мўйловлари ва соchlарини олмаслик, тарамаслик, катталиги, ранги ва бошка кўрсаткичлари бўйича ўзига ярашмаган тақинчоқларни такиб юриш, аёл тижоратчилар учун эса тиззасидан баланд юбка, ўта тиник материаллардан тикилган ва тор кўйнак ва юбкаларни кийиб юриш ва шунга ўхшаган этикет коидаларига зид ҳаракатлари тижоратчилар тўғрисида ёмон таъссурот колдиради ва уларнинг имижига салбий таъсир кўрсатади.

Сақич чайнаш одамлар ўртасида энг кенг таркалган салбий одатлардан бири ҳисобланади. Афсуски, бундай одат бугунги кунда

кўпчилик тижоратчиларга ҳам хос. Лекин, сақич чайнаманг деб айтиш мумкин эмас. Факат шуни ҳисобга олиш керакки, иш ва сухбат даврида сақич чайнаш ҳалқаро тажрибада малака ва маданият пастлигининг белгиси деб қаралади. Сақич чайнамасдан туралмайдиган кишилар ишдан кейин эрталабгача чайнайвериши мумкин.

Ҳалқаро этикет қоидаларига кўра тижоратчилар сухбат даврида ўз кўлларини стол остида ушлашлари керак. Лекин кўпчилигимизда шундай одат шаклланганки, кўлларимизни стол тагида эмас, чўнтакда ушлаймиз. Англияда этикет соҳасида олиб борилган тадқиқот ишлари шуни кўрсатганки, кўли чўнтағида бўлган кишилар тўғрисида факт кўйидагича салбий натижа олинган: бундай одамлар ҳамма гапларни айтмайдиган ёки пасткаш инсонлар деб ҳисобланади. Энг яхиси, кўлни стол тагида ёки устида очик сақлаган яхши.

Биринчи учрашув ва танишувларда бошкамарга тегинишининг ягона шакли кўл бериб кўришиш ҳисобланади. Бошқа вазиятларда тегиниш (кўл билан елкаларига қоқиб кўйиш, тирсак билан уриш, чимчилаш, умуман кўл билан тегиниш) ўта маданиятизлик ва шилқимлик белгиси деб қаралади. Энг яхиси, бундай одатларни эсдан чиқариш керак.

Тижоратчилар фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шундан иборатки, улар бизнес юзасидан ҳар хил маданият ва маърифат даражасига эга бўлган, турли миллат вакилларига мансуб ўзларига ўхшаш тижоратчилар ва бошқа кишилар билан мулокотга тушибадилар. Мулокот предмети бўлган масалаларнинг ижобий ва тез ҳал бўлиши учун муносабат килишнинг универсал қоидаларидан тўғри фойдаланишлари ва ўзларининг инсонга хос фазилатларни эсдан чиқармасликлари керак.

Тадбиркор ва тижоратчилар ўз фаолияти юзасидан республикаинг бошқа жойларига ва чет давлатларга ҳам боришлиари мумкин. Чет мамлакатларга борганда ҳам шу мамлакатнинг конунларига ва ҳалқининг урф—одат қоидаларига риоя қилишлари ҳамда ҳамкорлари билан муносабат килишнинг этикет қоидаларидан фойдаланишлари лозим, чунки улар дунё ҳалкларининг барчасига мансуб. Ҳамкорлар билан муносабат килишнинг универсал қоидаларининг асосийлари

куйидагилар ҳисобланади: табассум, хушмуомалалик, сабр–тоқатлилик, камтарлик.

**Табассум.** Агар эшитган бўлсаларингиз “ҳамма нарса унинг юзида ёзилган” дейишади, чунки одамнинг чехрасига караб унинг табиати ва кайфияти тўғрисида аниқ хулоса чиқариш мумкин. Чехрасининг ҳолатига караб одамларни уч хилга бўлиш мумкин: бепарво чехрали, сержахл чехрали ва табассум чехрали.

Чехрадаги бепарволик инсонга хос энг ёмон хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бепарволик ҳамкор ёки сухбатдошга, унинг гапларига ва фикрига ҳеч кандай қизикиш йўклигидан дарак беради. Буни тажрибасиз ва моҳир бўлмаган ёки куйилган масаланинг моҳиятини яхши тушунмайдиган кишиларнинг сухбати даврида ёки уларнинг ўтказаётган мажлисларида кузатиш мумкин. Бундан ташқари бепарво чехра унинг соҳибининг манманлигидан дарак беради, ўзини ҳамкорига ёки сухбатдошига нисбатан устун тутиш белгиси ҳисобланади. Албатта, бундай кишилар сухбатидан ижобий натижা кутиш кийин.

Сержахл чехра у соҳибининг нимадандир ёки кимдандир порозилик ёки жаҳли чиқиб турганлик белгиси ҳисобланади. Бундай вакъларда маданиятли ҳамкор ёки сухбатдош ундан кайфиятингиз кандай деб сўрамаслиги керак. Одамлар жаҳлининг чиқишига ва чехраларининг ўзгаришига олиб келувчи сабаблар жуда ҳам кўп. Унинг асосий сабабларидан бири ҳамкор ёки сухбатдошнинг маданиятсизлиги, сабр–тоқатсизлиги ва муносабат қилишнинг бошқа этикет қондаларига риоя қилмаслиги ҳисобланади. Албатта, баджахлли чехра масаланинг ечилишини кийинлаштиради ва иккинчи томоннинг қайфиятини ҳам бузади. Маданиятли тижоратчи, биринчидан, ўзининг баджахл ҳолатини ҳамкорига ёки сухбатдошига билдириласликка харакат қиласи, иккинчидан, билдириласлик иложи бўлмаса, кечирим сўраб, ўзининг ҳолатини айтиши ва хафа бўлмаслигини ҳамкоридан ёки сухбатдошидан сўраши лозим.

Табассумли чехра соҳиби ҳамкорларини ва барча сухбатдошларини ўзига мойил қиласи ҳамда уларнинг дикқатини тортади, ишончли харакат қилишга ва ишончли гаплашишга имкон беради.

Ҳозирги космос ва халқаро муносабатлар асрида чехрадаги табассум тижоратчилар учун жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Табассум дунё мавжудодларидан факат инсонга тортиқ килинган ва катта руҳий кучга эга бўлган қобилият бўлиб, ўзаро ва халқаро муносабатларда ҳамкорлик кўприги, кўнгли очиклилик ва хушмуомалалик белгиси сифатида хизмат қиласи. У катта масофа ва қийинчиликларни “босиб ўтиб”, ўз соҳибига фақат фойда келтиради, муаммо ва мушкулларнинг ечилишини осонлаштиради. Шу сабабдан бўлса керакки, халқимизнинг “Юзингиздан табассум аримасин” деган гали бежиз эмас.

Юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тижоратчи чехрасининг муносабатлар давридаги ҳолати унга фойда келтиради ёки унга қарши “ишлайди”. Лекин фойда келтирадар экан деб, ҳар жойда ва ҳар қайси вазиятда ҳам доимо жилмайиш керак эмас, чунки бъязи бир вазиятларда у ўринили бўлмаслиги мумкин. Эсингиздан чикмасинки, бошка барча вазиятларда табассум ҳамкор ва сухбатдошларга кучли ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг кайфиятини кўтаради.

**Хушмуомалалик.** Тижоратчилар учун ўзаро ва халқаро муносабат килишнинг универсал воситаларидан яна бири хушмуомалалик хисобланади. Хушмуомалалик – бу ички маданият ва нафакат ҳамкорларни, бошка инсонларни ҳам хурмат қилиш белгиси ва маданиятли кишилар ўртасидаги муомала қилишнинг одатга айланган усули сифатида қаралади. Хушмуомалалик бошқаларга ва ўзига хурмат билан карашнинг, ҳамкорлар ва сухбатдошлар манфаатини хисобга олишнинг ҳамда уларнинг хурматга сазоворлигини тасдиқлашнинг элементар қоидасидир.

Хушмуомалалик муносабатга алоқадор тижоратчи кишиларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, натижада муносабат томонларининг бир-бирларига бўлган хурмати ошади, бу эса ўз навбатида муносабат обьекти бўлган масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига, бизнес бўйича алоқаларнинг янада мустахкамланишига имкон беради. Шу сабабли ҳам бўлса керак, Сервантес “Хушмуомалаликдек биронта нарса ҳам шунча арzon турмайди ва шундай қиммат баҳоланмайди” – деган эди.

**Маълумки, хушмуомалалик ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин.** Эсингиздан чиқмасинки, сохта хушмуомалалик – бу икки юзламалик ва маданиятсизлик белгисидир. Ҳақиқий хушмуомалалик эса тижоратчи ва бошка маданиятли кишиларнинг ички маданияти ва ҳис туйғуларидан келиб чиқади ва бошқача мулокотга тушишга йўл кўмайди. Шунинг учун ҳам маданиятли тижоратчи ҳамкорлари билан ҳам, кўчада ҳам, жамоат жойларида ҳам, оила аъзолари ва ўртоклари билан ҳам бир хил ҳақиқий муомалада бўлади. Маданиятли одамнинг хушмуомалалиги унинг кайфиятига боғлик бўлмайди.

Хушмуомалалик бир нечта шаклларда бўлиши мумкин, масалан очик чехра билан муомала қилиш, ҳурмат-эҳтиром билан (катта ёшдагилар ва бошликларга нисбатан) муомала қилиш, вазминли муомала қилиш (нотаниш кишилар билан), холис ҳурмат юзасидан хушмуомалалик қилиш (яъни одамшавандалик қоидаларидан келиб чиқган ҳолда) ва ўта хушмуомалали муомала қилиш. Ўта хушмуомалаликнинг ҳам чеграси бор, ундан чиқмаслик керак, чунки ўта хушмуомалалик хушомадгўйликка ва лаганбардорликка айланиб кетиши мумкин.

Дунё ҳалқарининг ўзаро муносабат қилиш пойdevорини хушмуомалалик, яъни ширинсуҳанлик ташкил киласди. Шу сабабли ҳам ширинсуҳанлик чет мамлакатлар ҳалклари ва миллатлар урф-одатларига ҳамда ватандошларга бўлган ҳурмат белгиси, боадаблик билан муносабатга тушишнинг асосий қоидаларидан бир ҳисобланади. Хушмуомалали тижоратчилар доимо иззат-ҳурматда бўлади. “Яхши гаплар билан илон инидан чиқар” деган ўзбек мақолининг мазмuni ҳам хушмуомалалик қандай катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

**Сабр-тоқатлилик.** Тижоратчилар бундан олдин таъкидланганидек, ўзларининг фаолияти давомида ҳар хил табакали ва табиатли кишилар билан мулокотга тушишлари мумкин. Бундан ташкири ҳар хил миллат вакиллари ва бошка динларга итоат қиласидиганлар билан ҳам мулокотга тушишлари, бирга фаолият кўрсатишлари ва ҳатто бирга яшашлари ҳам мумкин. Ҳатто шундай ҳоллар бўлиши мумкинки, умуман сиз ёктиргмайдиган кишилар билан, ҳатто душманингиз вакиллари билан ҳам мулокотга тушишга тўғри келиб колиши мумкин. Ҳудди шунингдек, маданиятсиз, ўта тажанг,

ўзини тутаолмайдиган одамлар билан ҳам мулокотда бўлиш эҳтиовари доим мавжуд бўлади.

Нафакат ватандошларимиз орасида, чет мамлакатларда ҳам бундай кишилар, ҳатто этикет қоидаларини билмайдиганлар, билса ҳам уларга эътибор бермайдиганлар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай кишилар билан мулокотга тушишда уларнинг муомала қилиш тарзига ва ҳатти-харакатларига кўл эътибор бермасдан, ўзингиз этикет қоидаларига кўра харакат қилишингиз лозим, чунки, сабр-токат килган киши албатта ўз мақсадига эришади, унинг иши ижобий битади. Бунга “Сабр-токатнинг таги олтиндир” деган ўзбек мисоли яққол мисол бўлаолади.

Сабр-токат энг қадимиёт этикет қоидаларидан бири ҳисобланади ва барча диний китобларга, шу жумладан Курони Каримга, киритилган. Сабр-токатнинг тижоратчи фаолиятида тутган ўрнидан ташқари, у катта сиёсий ва миллатлараро аҳамиятга эга. Унинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, давлатлар ўртасида бўладиган можаролар, бир-бирлари билан турли сабабларга кўра келишмовчиликлар сабр-токат орқали ҳал қилинади ва унинг натижасида тинч-тотувлик юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлат ҳисобланиб, унинг худудида, асосий аҳоли ўзбеклардан ташқари, 90 дан ортиқ миллат ва златлар вакиллари тинч-тотув яшашади. Улар нафакат бир худудда, бир уйда яшашади, бир корхонада ишлашади, ҳатто интернационал оила аъзолари сифатида ҳам тинч-тотув истикомат қилишади. Уларнинг ҳозирги кунда тинч-тотув яшаши асосида сабр-токат ётади, чунки ҳар хил миллат ва злат вакиллари бир-бирларини хурмат қилишдан ташқари, бир-бирларининг дунёкарашларига, диний эътиқодларига ва миллий урф-одатларига сабр-токатлик билан қарашади. Ана шу келтирилган мисол сабр-токатнинг бугунги кундаги миллатлараро аҳамиятини яққол тасдиклайди.

**Камтарлик.** Камтарлик этикетнинг энг асосий ва қадимиёт қоидаларидан бири ҳисобланади. Камтарлик – бу шахс томонидан жамият ва фукаролар олдидаги ўзининг бурчини англаб етганлик даражасидир. Демак, камтарлик тижоратчиларга нисбатан ватани ва ўз ҳалқи олдидаги вазифаларини ва хукукларини англаб етганилигидир.

**Кўйида камтар тижоратчиларга хос асосий фазилатлар келтирилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:**

- камтар ва маданиятли тижоратчи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёки кичик бизнес ходимларига нисбатан ўзининг халқаро ёки катта бизнес ходими эканлигини таъна қилмайди;
- ўзининг тенгкурларига ва бошқа фуқароларга нисбатан ҳаммага тегишли вазиятларда ҳеч қачон ортиқча ҳуқуқга эга бўлишни талаб қилмайди;
- ўзининг ҳохиши бўйича жамият талабларига тўлик бўйсўнади ва амалдаги этикет коидаларига кўра ҳатти–ҳаракат қилади;
- ўзини ва жамият азоларини ҳурмат қиладиган тижоратчи ўзининг шахсий эҳтиёжларини бошқа оддий фуқароларнинг моддий шароитига караб чегаралайди;
- ўз бурчини англаб етган ва бизнес–этикет талабларига итоат қиладиган тижоратчи кам таъминланган онлаларга ногирон ва етимларга моддий ёрдам кўрсатиб боради, халкнинг ижтимоий ҳаётини яхшилашда фаол иштирок этади;
- ҳамкорларга ва сұхбатошларга нисбатан, уларнинг жамиятдаги ўрнидан, кайси миллат ва златга мансублигидан, ёшидан ва жинсидан катъий назар, катта ҳурмат–эҳтиром ва хушмуомалалик билан мулокот қилади;
- ўзининг халқи олдидағи хизматига, ҳатти–ҳаракатига, гапирадиган гапларига танқидий нуқтаи–назардан қарайди.

Камтар тижоратчи ўзининг ватани ва халқи олдидағи хизматларини таъна қилмайди, бошқа фуқароларга нисбатан ўзини бойроқ ва ақллироқ деб кўрсатишга ҳаракат қилимайди.

#### **1.4. Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо корхоналарининг асосий тижорат вазифалари**

Хозирги вактда Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион ривожланишга йўналтирилган бўлиб, ахборот-коммуникациялар тизимини, ишлаб чиқариш, бошқарув, таълим, савдо ва бошқа соҳаларда ўз аксини толиб бормоқда. Инновацион фаолият бугунги кунда миллий иқтисодиётни

модернизация қилиш, иқтисодиёт таркибидан чукур ўзгартиришлар, саноатни диверсификация қилиш оркали амалга оширилмоқда. Замонавий иқтисодий шароитта корхоналар ўзларининг ракобатбардош устунликларига эришишлари учун барча мавжуд ўзгаришларга тезда мослашишлари ва иккинчидан фойдаланишлари лозим.

Хозирги кунда дунё иқтисодиётини инновацион янгиликлариз тасаввур килиб бўлмайди. Айни пайтда жамият ҳётида инновацион соҳа шу даражада жадал ривожланмоқдаки, иқтисодиётда инновацияларнинг улуши кундан кунга ошиб бормоқда ва бунинг натижасида инновация худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш кувватлари ва интеллектуал салоҳият каби мамлакатнинг асосий бойлигига айланиб бормоқда. Шундай экан дунё бозорида мустахкам ўрин эгаллашни хоҳлайдиган ҳар қандай мамлакат инновацион фаолиятнинг ривожланишига эътибор қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек “Бугун биз давлат ва жамият ҳётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга каратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз змас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади. Янги фикр, янги гояга , инновацияга таянган давлат ютади.”

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, юртимизда изчил давом этаётган ислохотларнинг ҳозирги боскичи талабларини бажариш омилларидан бири сифатида инновацион ривожланиш йўналишида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикамизда “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялли ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юкори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш ” долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараккиёт боскичида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолиятлари ичida савдо- марказий ўринни эгаллайди. Бизга маълумки, товарларни сотиш, айниқса, юкори технологияли

маҳсулотларни сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатишида муҳим омил саналади, бу соҳада турли хизматларни жорий этиш товарларни сотиш хажмига сезиларли таъсир кўрсатади.

Тижорат фаолиятининг функциялари кўп қиррали ва мураккаб ҳисобланади. Тижорат функциялари аста-секин кенгайиб бориш ҳусусиятига эга. Тижорат фаолиятининг ривожланиши билан вазифалар ҳам кенгайиб боради. Инновацион иқтисодиёт шароитида савдо корхоналарининг асосий тижорат вазифалари куйидагилардан иборат:

- бозор субъектларининг ўзаро фойдали бўлган хўжалик алоқаларини шакллантириш;
- бозорни ўрганиш, талаб ва таклиф миқдорини ҳамда таркибини аниклаш;
- ассортимент режаларини ишлаб чиқиш, нарх ва сифат сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол билан алоқа ўрнатиш;
- сотиб олиш ва сотиш ишларини бажариш;
- ишлаб чиқаришни ва истеъмолни турли йўллар билан рағбатлантириш;
- савдо фаолиятида логистик сервисни ривожлантириш;
- савдо хизмати ишларини олиб бориш;
- реклама ва ахборот ишларини олиб бориш;
- янги талабни барпо этиш ва қондириш;
- товар сотиш билан биргаликда ҳаридорларга қўшимча хизмат кўрсатиш.

Умуман олганда тижорат фаолиятининг предмети олди-сотди жараёнлари ҳисобланади. Тижорат фаолияти бозор талабларидан келиб чиқкан ҳолда товар етказиб берувчилардан товар савдо корхоналарининг мулкига айланиши давомидаги товар-пул муносабатларидир. Тижорат фаолияти – аҳоли эҳтиёжларини қондириш ва фойда олиш максадида моддий – товар бойликларни айрбошлиш борасидаги тезкор – ташкилий фаолиятдир.

Истеъмол бозорида савдо корхоналари ракобат курашида товарларни сотадиган асосий субъектлар ҳисобланади. Савдо

корхоналари харидорларнинг имкониятлари ва эҳтиёжтарини канчалик яхши ўргансалар, шунча маҳсулот сотиш ва товар айланни тезлашади.

Амалга ошириш технологиясига караб савдо фаолиятида янгиликлар маҳсулотлар ва жараёнлар янгиликларига бўлинади. Маҳсулотлар бўйича янгиликлар асосан ишлаб чиқариш корхоналарига тегишли. Савдо корхоналари эса маҳсулотларни қайта қадоқлаш, ўрабжойлаш борасида янгиликларни киритиши мумкин. Савдо корхоналарида асосан жараёнлар янгилиги киритилади. Муаллиф савдо соҳасидаги инновацияларни икки гурӯхга ажратишни таклиф этмоқда. Улгуржи савдо фаолиятидаги инновациялар ва чакана савдо фаолиятидаги инновациялар. Умуман олганда савдо соҳасидаги тегишли янгиликлар савдо-сотикнинг янги шакллари ва утрларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Муаллифлик тадқиқотлари натижасида муаллиф улгуржи ва чакана савдодаги инновациялар жорий қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқди.

Инновацион иктисодиёт шароитида улгуржи савдода тижорат фаолиятида янгиликларни киритиш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- улгуржи товар айланмасини режалаштиришда хар бир товар сурухи бўйича талабнинг ривожланиш истиқболларини баҳолаш ва унинг товар гурӯхлари бўйича таклифи билан мувозанатини таҳлил қилиш учун саноат ва истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол савати меъёрларини илмий асосланган прогнозлаштириш ҳамда иқтисодий-математик моделларини ишлаб чикиш.

- улгуржи савдо корхона ва ташкилотлари маркетинг фаолиятида харидорларга сотувдан олдинги ва кейинги сервис кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйинча истиқболли стратегияларни ишлаб чикиш;

- улгуржи товар айланмаси юқори бўлган ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириб, логистика марказлари ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш ва саралаш корхоналарини ташкил этиш, шунингдек уларни саклаш бўйича совуткичли сифимлар, марказий саклаш омборларини куриш ва модернизация қилиш.

- таъминотчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар улгуржи савдо корхоналари билан аутсорсинг шартномалари асосида товарларга сотувдан кейинги кафолатли сервисни ташкил этиш, сервис марказлар

**фаолиятини йўлга қўйиш ва мутахассислар жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш;**

– улгуржи савдо корхоналари ишлаб чиқарувчи корхоналарга хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, эҳтиёт ва бутловчи кисмларни етказиб бериш, сотувидан кейинги сервисни ташкил этишда рақамлашган омборларни ташкил этиш;

– харидорларнинг эътиrozларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, харидорлар манзилига мутахассислар ташрифини ташкил этиш ва товардан қандай фойдаланишни ўргатиш кабиларни икки томонлама электрон алокаларни ўрнатишга имкон берадиган тизимлардан: ижтимоий тармоқлар, мобил телефонлар, e-mail маркетинг, SMS, тезкор қидиув қурилмаси, дисплей реклама ва бошқа рақамли воситалардан фойдаланиш орқали рақамли маркетинг технологияларини кенг кўллаш.

**Инновацион иктисолёт шароитида чакана савдода тижорат фаолиятида янгиликларни киритиш бўйича куйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:**

– чакана савдо тармоқларида электрон тижоратни ривожлантириш, ҳар бир чакана савдо корхонасида анъанавий савдо билан бирга электрон дўконларни ҳам ташкил этиш.

– савдо автоматлари орқали чакана савдони ривожлантириш, ижтимоий обьектларда таълим муассасалари, тиббиёт муассасаларида савдо автоматлари орқали энг соҳа учун зарурӣ товарлар савдосига ихтинослашган савдо автоматларини ўрнатиш.

– рақамли савдони йўлга қўйиш, масофали савдонинг замонавий шакларини жорий қилиш.

Савдо корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналишларини учтага бўлиш мумкин: техник, иктисолий ва ижтимоий. Савдо соҳасида техник инновацион ривожланиш йўналиши савдо корхоналарининг моддий-техник базасини яхшилашга, жиҳозларни янгилашга, жараёнларни автоматлаштиришга, харидор мустакил ўзи хисоб-китоб қиласиган касса ҳисоблагичлари, ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини жорий этишга қаратилган. Савдо корхоналарини техник ривожлантиришнинг муҳим йўналиши масофали (онлайн) савдо шакларини ривожлантириш бўлади (I-жадвал).

**1-жадвал**

**Савдо соҳасини инновацион ривожланиш йўналишлари<sup>1</sup>**

<b>Ривожланиш йўналишлари</b>	<b>Инновация-арни тури</b>	<b>Савдода инновацион ёндашувлар</b>
Техник	технологик, ахборотли	<ul style="list-style-type: none"> <li>– транспорт-логистика инфратузилмасини такомиллаштириш;</li> <li>– онлайн ижоратни ривожлантириш;</li> <li>– автоматлаштириш, обит технологияларни кўллаш;</li> <li>– ўз-ўзига хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини жорий этиш;</li> <li>– савдо корхоналарининг буюртмаси бўйича янги маҳсулотларни яратиш.</li> </ul>
Иктисолий	ташкилий ва бошқарув, иктисолий, маркетинг ва ахборот	<ul style="list-style-type: none"> <li>– харидлар учун контакtsиз тўлов механизмларини жорий қилиш;</li> <li>– “хамкорлик маркетинги”ни кўллаш;</li> <li>– харидорларнинг садоқатлилик дастурларини такомиллаштириш;</li> <li>– ташкилий ва бошқарув ходимларини оптималлаштириш;</li> <li>– ўсиш учун захираларни топшида IP технологияларни кўллаш;</li> <li>– ходимларнинг малаккасини ошириш.</li> </ul>
Ижтимоий	ижтимоий, маркетинг, ахборотли	<ul style="list-style-type: none"> <li>– узокда жойлашган аҳоли пунктларига маҳсулотларни етказиб бериш;</li> <li>– ижтимоий мухтоҷ аҳоли катламига “Темир дафтар”, “Ёшлилар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган аҳоли учун ижтимоий дасттурларни амалга ошириш;</li> <li>– хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.</li> </ul>

<sup>1</sup> Муаллиф ишланимаси.

Савдо соҳасини иқтисодий ривожлантиришга қаратилган инновацион йўналишлар савдо фаолияти рентабеллигининг ошиши, доимий ва ўзгарувчан харажатларни пасайтиришга қаратилган.

Савдо соҳасининг ижтимоий инновацион ривожланиши олис ахоли пунктларига кенг ассортиментдаги, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, мижозларнинг вақтини тежаз мақсадида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган.

## 1-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг мавжуд ва амалдаги конунчилик доирасида, кабул килинган меъёрий-хукукий ҳужжатларга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида товар ва хизматларнинг савдо айрибошлаш жараёнидир.

Тижорат фаолияти маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш, савдо хизматларини кўрсатни жараёнларига жамлашган бир қатор савдо ва ташкилий операцияларни амалга ошириш билан ифодаланади. Тижорат фаолиятининг якуний мақсади хар доим маълум микдорда фойда олишdir. Тижорат фаолиятининг субъектлари уни амалга ошириш хукуқига эга бўлган юридик ва жисмовий шахслар бўлиши мумкин. Савдо корхоналари ҳам тижорат фаолиятининг муҳим субъектларидан хисобланади. Савдо корхоналарининг тижорат фаолияти тамойилларига амалдаги конунларга риоя килиш, истеъмолчиларга юқори даражали маданиятли савдо сервисини кўрсатиш, мақбул бизнес карорларни қабул қилиш, ишлаб чиқариш билан истеъмол занжирини боғлаш, маҳсулотларни сотиб олиш манбаларини ўрганиш, бозор вазиятидан келиб чиқиб маҳсулотларни харид килиш ва сотиш ишларини ташкил этиш кабилар киради.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида инновацион ривожланишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мазкур инновацион ривожланиш йўналишлари савдо соҳасида ҳам жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Савдо соҳасидаги инновацион ривожланиш йўналишларини муаллиф тижорат фаолияти асосида икки улгуржи ва чакана савдода алоҳида йўналишлар сифатида тадқик килди. Шунингдек, муаллиф савдо соҳасини инновацион ривожланиш йўналишларини техник, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларга бўлиб, уларнинг такибий қисмлари бўйича ўзининг таклифларини илгари сурган.

## **II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ШАРОИТИДА САВДО КОРХОНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ДИНАМИКАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **2.1. Савдонинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Савдода ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) хисобидан қопланади, яъни улар товарлар киймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат) ни сотишдан олинган соф тушум хисобидан қопланади. Савдо фаолияти киймати уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, савдо соҳасидаги даромадни, улар фаолиятида яратилга пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади. Шундай килиб, савдо корхоналарининг даромади-бу улар фаолияти натижасида яратилган кийматнинг пулдаги ифодасидир ва у савдо соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромад товарлар баҳосининг бир элементи хисобланади. Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир. Ушбу соҳада даромад улар томонидан сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига кўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади. Савдо соҳасида даромадларни асосий кисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсаткич сифатида савдо корхона (шохобча)ларини, товарларни сотиб олиш баҳосига кўйиладиган устамалар хисобланади. Ушбу корхона (шохобча)лар товарлар сотиш билан боғлик бўлмаган, бажарган бошка ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олади.

Савдо корхоналари фаолиятларини тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши, моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди. Назарий жиҳатдан савдо корхоналарини сотишдан олган даромади уларни муомала харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у савдонинг истеъмол товарлари баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, савдонинг сотишдан олган даромади савдо хизматларини сотишдан тушган тушум, яъни савдо

хизматлари қийматини пулдаги ифодасидир. Савдони товарларни ишлаб чыкаришдан то истемолчиларга етказиш, унинг билан боғлиқ бўлган савдо хизматларини тўлаш товарларни чакана баҳоси ҳисобидан амалга оширилади ва у савдо хизматининг қиймати бўлиб ҳисобланади. Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат килади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чыкаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аникланади. Савдо корхоналарининг даромадлари куйидагилардан таркиб топади:

1. Сотишдан олинган даромад. Савдонинг “Товарларни сотишдан олган ялпи даромади” сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни ҳарид қийматини чегириб ташлаш орқали аникланади. Сотишдан олинадиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматига киритиладиган, (ишлаб чыкаш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташкари) сотиб олиш билан боғлиқ кўшимча харажатларни (божхона тўловлари – акциз солиги, ККС, божхона божи ва йиғимлари; воситачилик ёки брокерлик харажатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аникланади.

2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

3. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар каторига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулолдаги даромадлар киради.

Савдонинг асосий иктисодий кўрсаткичларига ялпи ички маҳсулотда савдонинг қиймати, улуши, асосий фондлар қиймати, шундан савдо хизматлари қиймати, улуши, савдо корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар, савдо корхоналарида ходимларнинг ўртacha йиллик сони кабилар киради (2-жадвал). Энг муҳим иктисодий кўрсаткичлар савдони ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳисобланади. Бу кўрсаткични ўсиши мамлакат иктисодиётида савдонинг ўрни ва аҳамиятининг ортиб бораётганлигини билдиради. Чакана савдо корхоналари товарларни эркин чакана нархларда сотади, лекин бозорда нарх сиёсатига истемол товарларини ишлаб чиқарувчилар ёки чет эл таъминотчилари фаолиятига етарли даражада таъсир килади, яъни уни шаклланишига асос бўлади. Шу сабабли савдо корхона (шохобча)лари товар ишлаб чиқарувчиларнинг нарх сиёсатини ҳисобга олмай иложи йўқ.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида савдонинг асосий иқтисодий  
кўрсаткичлари (амалдаги нархларда, млрд. сўм)**

<b>т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>
1	Ялпи ички маҳсулот	242495,5	302536,8	406648,5	511838,1
2	Тармокларнинг ялпи кўшилган киймати	220064,0	267744,8	361072,7	465357,4
	шу жумладан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг кўшилган киймати	18755,4	21540,6	26747,9	32191,5
3.	Улуши, фонзда	8,5	8,0	7,4	6,9
4.	Асосий фондлар киймати (йил охирида) жами	254565,1	309746,0	705020,0	833577,3
	шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	9920,4	13696,8	17814,7	22640,0
5.	Улуши, фонзда	3,9	4,4	2,5	2,7
6.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, жами	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3
	шу жумладан савдо ва озик-овқат корхоналарида	2459,2	2508,8	5080,0	7395,2
7.	Корхоналар ходимларининг ўртacha йиллик сони, минг киши	4773,9	4307,0	4445,6	4719,3
	шу жумладан савдо ва озик-овқат корхоналарида	264,6	273,9	305,1	367,4

Шу билаң бир қаторда, чакана савдо корхона (шохобча)лари, бошка савдо билан шугулланувчи юридик шахслар, якка тартибда савдо қилувчилар талаб ва таклифга нисбатан шаклланган худудий бозор конъюнктурасидан товар ва хизматларни микдори ва сифатидан, ишлаб чикарувчи ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи баҳоларидан келиб чикиб, ўз савдо устамасини ва товарларини чакана нархини белгилайди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2019 йилда савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг кўшилган қиймати 32191,5 млрд. сўмни ташкил этган. Бу эса тармокларни ялпи кўшилган қийматида 6,9 фоизни ташкил этади. Асосий фондлар қиймати (йил охирида) 833577,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 22640,0 млрд. сўм бўлган. Бу эса асосий фондлар қийматининг 2,7 фоизини ташкил этган.

Савдо корхоналарининг муҳим иктисадий кўрсаткичларидан бирин асосий фонdlарнинг мавжудлиги хисобланади. Ишлаб чикариш корхоналари каби савдо корхоналарининг ҳам асосий фонdlари мавжуд.

Асосий фондлар иктисадий активларнинг бошқа турларидан – моддий айланма воситалар (ишлаб чикариш жараёнида бир маротаба фойдаланилади), кимматбаҳо буюмлар (ишлаб чикариш жараёнида фойдаланилмайди, лекин узок муддат мобайнида захира сифатида сакланади) ва ишлаб чикарилмайдиган активлардан (ер, сув ва ишлаб чикариш жараёни маҳсули бўлмаган бошқа табиий ресурслар) фарқ киласди.

Асосий фондлар обьектларининг ажралиб турувчи белгиси уларнинг моддий маънода узок фойдаланилиши ва ишлаб чикаришда узок муддат (бир йилдан ортиқ) узлуксиз ёки кўп маротаба фойдаланиш имконияти мавжудлигидир.

Асосий фондлар ўз ичига куйидагиларни олади:

- бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар;
- бошқа маҳсулот, масалан мевалар ёки сут маҳсулотлари ишлаб чикариш учун кўп марта ёки узлуксиз фойдаланиладиган дарахтлар ёки хайвонлар каби етиштирилувчи биологик ресурслар;

– интеллектуал мулк маҳсулотлари, жумладан ишлаб чиқариша фойдаланиладиган компьютер дастурий таъминоти ёки бадиий асарларнинг асл нусхалари ва бошқалар.

Баъзи узок муддат фойдаланиладиган товарлар (масалан, транспорт воситалари, мебель, ошхона ускуналари, компьютерлар, алоқа воситалари) мулк эгаси ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиқсан холда асосий фондлар сифатида ёки узок муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари сифатида таснифланиши мумкин.

Асосий фондларга қўйидагилар кирмайди:

– уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш мақсадида эмас, ўз шахсий эҳтиёжи учун ишлатиладиган узок муддат фойдаланиладиган товарлар (масалан, кир ювиш машиналари, совутгичлар, ошхона ускуналари, мебель, транспорт воситалари, компьютерлар, алоқа воситалари ва х.к.);

– корхоналардаги узок муддат фойдаланиладиган товарлар захираси қийматининг асосий қисмини ташкил этмаган дастаки асбоблар (арралар, белкураклар, пичоқлар, болталар, болғалар, отвёрткалар ва гайка қалитлари), шунингдек машина ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари;

– моддий маънода узок фойдаланилиши мумкин бўлган, лекин факат бир марта фойдаланилиши сабабли асосий фонд хисобланмайдиган айрим товарлар (масалан кўмир);

– тугалланмаган ишлаб чиқарилган активлар (курилаётган обьектлар

ва шахсий фойдаланиш учун етиштирилган биологик ресурслардан ташқари).

Савдо ва хизмат фаолиятини юритиш учун савдо корхонаси маълум асосий фондларга эга бўлиши керак. Асосий фондлар савдо корхонасининг моддий-техника базасини ташкил этади.

Савдо моддий-техника базаси моддий ишлаб чиқариш тармокларида яратилган товарларни истеъмолчиларга етказиш каби маътулиятли вазифани бажаради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товарлар хажмининг ортиши ва турларининг кўпайиб бориши билан ҳамда аҳолига савдо хизматининг юксалиш зарурати билан моддий-техника базасининг аҳамияти янада ортади.

Савдо моддий-техника базасига корхонадаги барча мөхнат воситалари киради. Ўзининг мөхнат воситаси ёки ижарага олинганилигидан катъий назар мөхнат воситалари савдо фирмаси моддий-техника базасини ташкил етади. Савдо корхонасининг моддий-техника базаси дўконлар, шаҳобчалар, ресторанлар, ошхоналар, қахвахоналар, омборлар, совуқхоналар, хўжалик жиҳозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқалардан таркиб топгандир.

Чакана савдо корхонаси моддий-техника базасининг ҳолатига унинг товар айланниси, ходимлари, алокалари, хизмат сифати ва қатор иқтисодий кўрсаткичлари боғлиқ ва аксинча. Жумладан, агар савдо фирмаси тез бузулувчан озиқ-овқат, совукталаб маҳсулотлар билан савдо килишни мўлжалласа, албатта совутгичлар, маҳсус жиҳозлар, ускуналар билан жиҳозланиши керак.

Савдо корхоналарининг асосий фондлар қиймати, асосий воситаларни эскириш даражаси, асосий фондларнинг янгилиниш коеффиценти, асосий воситаларнинг чикиб кетиш коеффиценти кабилар асосий фондларнинг мавжудлиги ва ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар хисобланади. Ушбу кўрсаткичлар таҳлили З-жадвалда келтирилган.

Савдо, яшаш ва овқатланиш корхоналарининг асосий фондлар қиймати 2019 йилда 22640,0 млрд. сўмни ташкил этган. Асосий воситаларни эскириш даражаси савдо, яшаш ва овқатланиш корхоналарида 22,8 фоиз бўлган.

Савдо корхоналарининг даромадларини таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисмини сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чикадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади.

Даромадларни таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисмини сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чикадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади. Даромадларнинг хажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қиласди.

**3-жадвал**

**Савдо корхоналарида асосий фондларнинг мавжудлиги ва ҳолати**

т/р	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
1.	Асосий фондлар қиймати, жами млрд. сўм	254565,1	309746,0	705020,0	833577,3
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	9920,4	13696,8	17814,7	22640,0
2.	Асосий воситаларни эскириш даражаси, жами фоизда	35,9	34,9	29,6	30,4
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	24,6	22,6	23,2	22,8
3.	Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти, жами фоизда	15,7	15,5	16,0	13,5
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	17,1	20,7	22,9	22,7
4.	Асосий фондларнинг чиқиб кетиш коэффиценти, жами фоизда	1,1	1,5	2,1	1,5
	савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,2	2,6	3,8	4,5

Товарларни сотишдан олинган даромадларга куйидаги омиллар таъсир килади:

- товар айланишининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;

- товарларни силжитиш.

Бу жараёнда товарлар ишлаб чикаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни тақсимлаш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо корхоналари, ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар канча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чикаришдан чакана савдога етказиш шартшароитларига ва бошқаларга боғлиқ;

- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан,%);
- товарларни сотишда ахолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Савдода даромадларининг таҳлилиниң вазифаси ялпи даромад, уларнинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларни динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир қилган омилларни таъсир даражасини аниқлаш асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига баҳо бериш бўлиб хисобланади.

Даромадлар миқдори абсолют - сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб- килинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига куйидагиларни киритишни тавсия қиласиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланишига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Даромадларни таҳлил килишда ялпи даромадга, унинг таркибий сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иктисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта ахамият тутади.

Истеъмол товарларини истеъмолчига етказиш моддий ва номоддий харажатлар билан боғликдир. Бу жараёнларнинг бир қисми ишлаб чиқариш корхоналари томонидан қопланади ва улар корхонанинг давр харажатлари таркибida ўз аксини топади. Масалан, тайёр маҳсулотларни корхона омборларида саклаш, уларни транспорт воситаларига юклаш, айрим ҳолларда маҳсулотларни олди-сотди шартномаларига асосан транспорт харажатлари ишлаб чиқариш корхонаси томонидан қопланиш кўзда тутилган бўлса, (мисол учун дengiz, дарё транспортида “франко-манзил-йўналиш” усули кўлланилса) транспорт харажатлари ва реклама, агар ишлаб чиқариш корхоналари реклама фаолияти билан шугулланса. Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиш учун сарфланган харажатларнинг асосий қисми товар айирбошлаш соҳаси билан шугулланувчи савдо соҳаси, умумий овқатланиш корхоналари ва шохобчалари зиммасига тўғри келади. Бу харажатларнинг асосий қисми савдо соҳасининг таннархи сифатида муомала харажатларига киритилади, айрим харажатлар савдо корхоналари ва шохобчаларининг асосий фаолиятидан олинган фойдаси ҳисобидан қопланади.

Муомала харажатлари – бу истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига силжитиш жараёнида сарфланган жонли ва жонсиз меҳнат кийматининг зарурӣ қисмини пулдаги ифодасидир. Муомала харажатлари савдонинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Муомала харажатларига таъсир килувчи, савдо фаолиятига боғлик бўлган омилларга савдони ташкил килиш даражаси, иқтисодий ва тижорат ишларнинг ҳолати, савдо корхонаси ёки шохобчаси хусусий ва қарз маблағларининг микдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланиши ҳажми ва таркиби, товар айирбошлаш тезлиги, ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги, кўлланилаётган иш ҳаки ва моддий рағбатлантириш тизими кабилар киради.

Ўзбекистон Республикаси чакана савдо корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари 4-жадвалда көлтирилган. Заарар кўриб ишлаётган савдо корхоналари 2019 йилда нисбатан ошган, яъни 27 тани ташкил этган. 2018 йилда эса заарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 14 та бўлган.

**4-жадвал**

**Чакана савдо корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари**

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
Фойда солиги тўлангунга қадар фойда, зарар (-)	416001,5	601233,7	727059,2	1008674,9
Зарар кўриб ишилаётган корхоналар сони, бирлик	10	14	14	27
Зарар кўриб ишилаётган корхоналарнинг умумий корхоналар сонидаги улуши, фоизда	4,4	6,5	7,0	10,7
Зарар миқдори	70684,1	12690,9	12681,9	44907,5

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир килиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилиларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланиши ҳажми (чакана товар айланиши, улгуржи товар айланиши, умумий овқатланишда – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг умумий товар айланиши ҳажми);
- товар айирбошли тезлиги (кунларда ва маротаба);
- истеъмол товарларига баҳонинг ўзгариши;
- савдога хизмат кўрсатувчи соҳаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алока, аудит ва бошқалар);
- моддий ресурслар баҳосини (көғоз, тара материаллари, хўжалик буюмлари, маҳсус кийим-кечаклар, кадоюлаш, биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;
- соликлар, тўловлар, ижтимоий суғурталар миқдорини ўзгариши;
- банк ва бошка молия-кредит ташкилотларининг узок муддатли кредитлари бўйича фоизларининг ўзгариши;
- ходимлар сонининг ўзгариши;

- минимал иш ҳаки ва нафакалар микдорининг ўзгариши;
- савдо шохобчаларида савдо-технологик жараёнларининг тақомиллаштирилиши ва ҳоказолар.

Муомала харажатларининг таҳлили мунтазам ва узлуксизлик ўтказилиб борилиши лозим.

## **2.2. Чакана савдо товар айланмаси ва унинг ривожланиш динамикасини баҳолаш**

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган шароитда иқтисодиётимиз олдига турли муаммолар қўйилади. Бу муаммолардан бири бозорда талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанатга эришишdir. Бозор конъюнктурасини макбуллаштиришда бозорга келадиган товарлар ва бозордаги асосий жараёи – сотиш жараёни муҳим аҳамиятга эгадир. Чакана савдо натижаси чакана товар айланishi кўрсаткичидан ифодаланади. Чакана товар айланishi товар ҳаракати йўлида сўнгги, якунловчи боскич бўлиб, бунда товар муомала доирасидан шахсий истеъмол доирасига ўтади. Одатда товар ишлаб чиқариш жараёнидан чиққандан то истеъмолчига бориб етгунга кадар бўлган давр давомида бозорда мавжуд бўлади. Товарнинг шахсий истеъмолга тушиши товар айрбошлаш қонуниятларига бўйсуниб, сотиш ва ҳарид қилиш жараёнида содир бўлади. Аҳоли ўзига керақли бўлган товарларни ўз пул даромадига айрбошлади.

Чакана савдо товар айланishi деганда товарларнинг истеъмолчиларга, асосан аҳолига бевосита шахсий истеъмол учун сотиш тушунилади. Бундан ташқари жамоа истеъмоли учун ёки хўжалик зарурати учун давлат, жамоа ташкилотлари, муассасалари ва корхоналарига айрим товарларни сотиш ҳам чакана товар айланishiга киради. Чакана товар айланishi жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири. У оркали ишлаб чиқарилган, келтирилган (маҳсулотлар) товарлар кийматини ва истеъмол қийматини жамият томонидан тан олингандиги изҳор килинади.

Олди-сотди жараёнида товар айрибошлашни охирги босқичи бўлиб унда бутун товарларни ишлаб чиқариш ва ва айирбошлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пул шаклида кайтарилади. Шу сабабли саноат корхоналари кишлоқ хўжалик субъектлари, транспорт ва савдо ташкилотлари ўз фаолиятини тақорорлаш имкониятига эга бўлади, яъни тақорор ишлаш жараёни доимий жараёнга айланади. Товарларни 80-90% савдо корхоналари орқали сотилади. Чакана товар айланиши жамиятнинг пул муомаласи жараёнига таъсир қиласи. Жамиятдаги пул тушумининг кўп кисми чакана савдода товарлар олди-сотди жараёнида катнашади.

Чакана товар айланиши жамиятнинг пул муомаласи жараёни билан чамбарчас боғлиқ, накд пулнинг 70-80% чакана товар айланишида ўз аксини топди.

Маълум даражадаги чакана товар айланишининг умумий ҳажми сотилган товарларнинг умумий алмашув қийматини ифодалаб кониктирилган талаб сифатида юритилади. Чакана товар айланиши ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро таъсиридан келиб чикади ва ягона иқтисодий муносабатлар тизимининг якунловчи босқичидир.

Демак, сотилган товарлар истеъмолчиларнинг шахсий истеъмолига тушади ёки истеъмол жамғармасини ташкил этади, муомала доирасидан чикади ва ўзининг товарлигини йўқотади.

Сотилган товарларнинг асосий кисми ахолининг шахсий истеъмолини қондириш учун тушади.

Республикамида якка истеъмолдан ташқари биргаликда истеъмол килиш шакли ҳам ривожланиб бормоқда. Бунга мактаблар, академик лицейлар, қасб-хунар коллежлари, мактаблари, дам олиш уйлари, шифохоналар, болалар боғчаси, қариялар, болалар уйлари ва бошқа жойлардаги ахоли табакаларининг биргаликдаги истеъмоли киради. Биргаликдаги истеъмолни таъминлаш чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари орқали амалга оширилади ва чакана товар айланишига киритилади

Чакана товар айланиши ҳалқ хўжалигининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси, дастурининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Чакана товар айланиши воситасида кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқариш таъминланади, чунки

маҳсулотни тақрор ишлаб чиқариш учун аввал ишлаб чиқарилганлари сотилиши лозим. Банкларга келиб тушадиган нақд пулнинг деярли 90 фоизини савдо таъминлади. Демак, чакана товар айланиши республикада пул айланишининг нормал ҳолатини ҳам таъминлаб туради. Шунингдек, чакана товар айланиши жамиятнинг таксимот муносабатларини ҳам ифодалайди.

Чакана товар айланиши таркибиға асосан куйидагилар киради:

- чакана савдо тармоғи орқали ахолига товарларни нақд пулга сотиш;
- умумий овкатланиш корхоналари орқали ахолига ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш;
- устки, бош кийим, пойафзалини якка буюртма устахоналари орқали сотиш. Агар буюртмачи ўзининг газламасидан кийим тикирирадиган бўлса, бунда чакана товар айланишига устахонанинг хизмат ҳақи киритилади;
- маҳсус кийим-кечак ва пойафзалини чакана савдо тармоғи ёки корхона, фирмаларнинг омборларидан сотиш;
- майший хизмат ташкилотлари ва корхоналари томонидан кийим-кечак, мебел ва бошқа шахсий истеъмол буюмларини тиклаш ҳақи (бунда буюмларнинг истеъмол қиймати тикланади);
- нашриёт маҳсулотларини (китоб, газета, журнал ва ва бошжалар) чакана савдо тармоғи орқали ва обуна килиш воситасида сотиш. Бунда қачон обуна қилинишидан катъий назар, товар оборотга обунагача маҳсулот етказилган вақтида киритилади.

Чакана товар айланишига таркибиға биноан унинг чакана савдо тармоғи орқали сотиш ва оммавий овқатланиш маҳсулотларини сотиш турлари мавжуд. Айрим товарлар ҳаракатини чакана савдогача ташкил этиб, оралик воситачи вазифасини бажарувчи ултуржи, кўтара савдо бўгини ҳам амал қиласи.

Чакана савдо айланишининг ўсиб боришига кўплаб омиллар таъсир этади. Уларнинг бири ахоли турмуш даражасининг ва ҳарид кобилиятининг юксалишидир. Бундан ташкири ахолининг табиий кўпайиши ҳам товар айланишининг ўсиш омилларидандир.

Ахоли турмуш даражаси, моддий таъминот даражасининг юксалиши жами чакана товар айланишида ноғизик-овқат товарлари

хиссасининг ошишига олиб келади. Озиқ-овқат маҳсулотлари товар айланмаси суммаси ҳам ошиб бориши мумкин, аммо ноозик-овқат товарлари савдоси ундан тезрок ўсиши уларнинг улушларига таъсир этади. Шу каби озиқ-овқат маҳсулотлари ичида юкори калорияли, тўйимли озиқаларнинг ҳарид қилиниши ва истеъмоли ортади ва аксинча. Агарда ҳаёт даражаси пасайса, нон ва нон маҳсулотлари, қанд, ўсимлик мойи, картошка ва шунга ўхшаш маҳсулотларнинг товар айланмасидаги хиссаси кўтарилади.

Ноозик-овқат товарлари ичидаги ўзгаришлар ҳам шунга мос ҳолда бўлади. Бунга аҳоли ҳарид фондининг юксалиши маданий-маиший товарлар, зеб-зийнат буюмларининг кўпроқ ҳарид қилинишига ва истеъмолда кўпайшига сабаб бўлади.

Халкнинг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалиб бориши озиқ-овқат маҳсулотлари савдосида умумий овқатланиш обороти ролининг тезрок ўсишини такозо этади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар оборот кўрсаткичи аҳоли турмуш даражасини ифодалайдиган ўлчовлардан ёки кўрсаткичлардан биридир.

Шундай қилиб, чакана товар айланмаси бозор шароити афзалликларини ифодалаб ўсиб боради.

Товарларнинг сотилиши уларнинг аҳоли талабига мос келганлигини, ижтимоий таи олинганлигини англаради. Бозордаги талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат мураккаб муносабат бўлиб, иктисадий, ижтимоий, ташкилий ва бошка шароитлар ҳисобига доимо ўзгариб туради.

Бозор конъюнктураси маълум даврга бўлган талаб билан таклиф ўртасидаги алокалар ҳолатини ифодалайди. Масалан, 2007 йилнинг 1 январига бўлган бозор конъюнктурасининг ҳолати бозорда аҳоли талаби ва истеъмол товарлари таклифи ўртасидаги вужудга келган нисбатдан иборат. Бозор конъюнктурасига баҳо бериш мамлакат бўйича ҳам, ҳар бир ҳудуд бўйича ҳам мустақил амалга оширилади.

Бундан ташкари алоҳида олинган товар бозори бўйича таклиф ҳажми ва таркиби талаб ҳажми ва таркибига мос келиши ўрганилади.

Демак, бозор конъюнктураси бозорнинг товар билан тўйинганлиги ва унда аҳоли талабининг қондирилиш даражасини аниқлашга имкон

беради ва бу даражани ошириш йўлларини излашни ҳар бир савдо корхонаси, фирмаси, компанияси, маҳсус органлар олдига вазифа килиб кўяди.

Талаб билан таклиф ўртасидаги муносабат муҳим иктисадий мутаносибликларини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади. Аҳоли тўловга қодир талабининг қондирилиши кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг истеъмолчи талабини ўз вактида ҳисобга олишига боғлик. Аҳолининг талаби асосан уни қондириш имконияти бор ҳолларда мавжуд бўлгани учун таклиф талабни белгилайди ҳамда микдори ва таркибига таъсир этади. Масалан, лойиҳаси тайёрланган, аммо хали ишлаб чиқарилмаган ва аҳолига номаълум бўлган янги маҳсулотга ҳалк талаби шаклланмайди.

Аммо талаб ишлаб чиқариш ҳамда таклифга нисбатан суст ҳолатни эгалламайди, балки ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи омил бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжнинг аниқ истеъмол товаридаги ифодаси бўлган талаб, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибини белгилайди. Масалан, агар бирор товар аҳоли талабига мос келса, унга эҳтиёж ошади ва ишлаб чиқарish кувватини ошириш зарурати туғилади ва аксинча. Бозор иктисадиёти шароитида истеъмолчининг буюртмаси ишлаб чиқарувчининг маҳсулот чиқарниш дастури негизида бўлиши шарт.

Бозор иктисадиёти ривожланган давлатларда бозор конъюнктурасини ўрганишни маҳсус илмий изланиш марказлари, ахборот марказлари, лабораториялари, фирмалар, компанияларнинг таркиbidаги маркетинг изланишлари бўлимлари амалга оширади. Маҳсус муассасалар тайёрлаган ахборотлар истеъmolчиларга тижорат келишувлари асосида таъминланади.

Бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги муносабатни аниклаш учун турли маълумотлар зарур. Жами маълумотларни икки гурухга ажратиш мумкин: ички ва ташқи маълумотлар.

Бозор конъюнктурасига баҳо бериш учун савдо корхонасининг барча ички маълумотларидан фойдаланилади. Улар чорак, йиллик статистик, оператив ҳисоб материаллари, изланиш натижаларидан иборат бўлиши мумкин. Талаб ва таклифнинг ўзаро алокасидаги ўзгаришларга аниқроқ баҳо бериш, турли тасодифлар таъсиридан ҳоли

этиш мақсадида кўпроқ муддат давомидаги маълумотлардан фойдаланиш керак бўлади. Ички маълумотларга куйидагилар киради:

- товар оборот ҳажми ва таркиби бўйича дастурларнинг бажарилиши;
- ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилардан товарлар сифати ва турлари;
- товар заҳираининг ҳолати;
- ахоли даромади ва ҳарид фонди, улардаги ўзгаришлар;
- товарларни сотишни яхшилаш бўйича савдо корхонаси тадбирларининг амалга оширилиши.

Савдо корхонаси товар сотиш дастурини бажариб, хизмат ҳудуди ахолиси ҳарид фондини товар оборотга жалб қилган ҳолда талаб билан таклиф ўртасидаги дастлабки маълумотни беради.

Савдо корхоналарида маълум даврга колган товар заҳираларининг ўзи ҳам ахоли талабининг қондирилиши ҳакида маълумот беради.

Аҳолига сотилган товарлар турларини ўрганиш, товарларга талабнинг кўп ёки озлиги ҳакида сотувчилар, товаршунослардан тўплланган маълумот, ахоли талабининг маҳсус сўров варавалари ёрдамида ўрганиш маълумотлари бозор конъюнктурасига баҳо беришда мухим асос бўлиб хизмат қиласи.

Бозор конъюнктурасини ўрганиш ва унга баҳо беришда куйидаги ташки маълумотлардан: маъмурий органлар, идораларнинг ахоли сони, таркибиннинг ўзгариши, оила бюджетини ўрганиш ҳакидаги маълумотлари, берилган ойлик маошларн, нафақалар ҳакидаги маълумот ва бошқалардан фойдаланилади.

Тўплланган маълумотларнинг ҳар томонлама таҳлили асосида конъюнктура ахбороти, маълумоти ёки экспресс-ахборотлар тайёрланади.

Бозор сигими маълум ҳудудда сотилиши мумкин бўлган ҳалқ истеъмол товарлари ҳажмини ифодалайди. Бозорнинг ҳар бир тури регионал ёки товар бозори ўз сигимига эга. Бозор сигимини ўрганиш ва тўғри ҳисоблаш талаб билан таклифни мувофиқлаштиришга имкон беради.

Бозор сигими куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- маҳаллий аҳолининг ҳарид фонди;

- бошка ҳудудлардан келган аҳолининг ҳарид қуввати;
- корхона, фирма, муассасаларга истеъмол товарларини сотиш.

Аҳоли сони, таркибининг ўзгариши, даромади ва ҳарид фондининг ошиши, товар таклифининг, турларининг кенгайиши, сифатининг яхшиланиши, транспорт алокаларининг ривож топиши, чакана нарҳнинг ўзгариши ва бошка қатор омиллар маълум ҳудуднинг бозори сигимиға таъсир этиши мумкин. Бозор сигимиғи тўғри ҳисоблаш, ишлаб чикариш, транспорт корхоналарининг ишига, банкнинг пул айланиши яхшиланишига олиб келди.

Бозор иктисадиёти шароитида аҳоли талабини кондириш, товар айланиши узлуксизлигини таъминлаш учун маълум микдорда товар заҳиралари мавжуд бўлиши керак. Товар заҳираларининг зарурати аввало ишлаб чикариш шароити билан боғлик. Товар заҳираларини тўплаш ва саклаш ишлаб чикариш ҳамда сотишнинг узлуксизлигини таъминловчи бошка барча усуллардан энг арзони ҳисобланади. Товар заҳиралари бўлган ҳолда жуда катта ишлаб чикариш қуввати, иш кучи ва хом ашё резервига эга бўлиш керак. Аммо бундай резервларга эта бўлган ҳолда ҳам ишлаб чикариш дастури истеъмолчи талаби ўзгаришларига мос келмай колиши мумкин. Шунинг учун товар заҳираларини вужудга келтириш иктисадиётдаги номутаносибликларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Товар заҳиралари товар ҳаракатининг турли босқичларида вужудга келади. Улар доимий равишда ҳаракатда бўлиб, янгиланади муомала жараёнида бир босқичдан иккинчисига ўтади. Масалан, ишлаб чикаришдан воситачи-улгуржи савдога, ундан чакана савдога ва пировардида истеъмолчига ўтади.

Ишлаб чикарилган товарлар маълум давр давомида сотилишни кутаётган заҳирани, бозор элементи бўлган маҳсулот товар таклифини ташкил этади. Бозордаги ёки бозорга келтирилиши мумкин бўлган маҳсулот товар таклифи ҳисобланади.

Товар келиб тушиши ўзгармаган ҳолда заҳираларининг камайиши талабнинг ўсганлигидан далолат беради ва аксинча. Аҳоли талаби кескин ошган пайтда ишлаб чикариш ҳажми унга мос ҳолда кўпая олмайди. Бунда бошланиш вактида товар заҳиралари талаб билан

таклиф ўртасидаги тенгликни сақлаб туради. Бозордаги мувозанатни сақлаб туриш шарти куйидагича ифодаланиши мумкин:

$$ЯТ = ТХ + МЗ$$

Бунда, ЯТ – ялпи таклиф;

ТХ – талабнинг ҳажми;

МЗ – нормал товар захиралари.

Товарлар муомала доирасида истеъмолчининг кўлига бориб тушгунча бўлган вақт товарнинг айланиш муддатини ташкил этади. Товарлар қанчалик тез сотилса уларнинг айланиш вақти шунчалик оз бўлади; товарлар ҳаракат боскичларида кам муддатда тўпланиб турса, товар захираларининг ялпи микдори кам бўлади ва аксинча.

Бозор иктисодиёти шаронтида товар ҳаракатини оптималлаштириш, товар айланиш вактини кисқартириш учун кўплаб қурай ва яхши имкониятлар мавжуд.

Товар айланиш муддатига, товар захираларига иктисодий ва ташкилий омиллар ҳам таъсир этади. Мамлакат худудида ишлаб чиқарнишнинг жойланиши, транспорт алоқаларининг ривожланниши, токарларнинг истеъмол, физикавий-кимиёвий таркиби, хилларининг мураккаблиги, чакана товар айланмасининг жуғрофий жойланиши, унинг шаҳар билан қишлоқ ўртасида тақсимланиши, савдонинг моддий-техника базаси ҳамда унинг жойланиши ва бошка муҳим иктисодий омиллар таъсир этади.

Жорий товар захиралари жорий сотиш эҳтиёжини қондириш учун яратилади. Бунда товарларни сотиш учун савдо тармоғига келтириш маълум муддатларда бир текис амалга оширилади. Демак, жорий мақсад учун ташкил этиладиган захира ўз ичига уч асосий қисмни мужассамлаштиради:

- навбатдаги товарнинг келиб тушгунича сотишни таъминлайдиган жорий захира;
- сотишга тайёрлашни ташкил этувчи захира;
- режадаги муддатда келиши керак бўлган товарнинг кечикиб қолиши холатида савдонинг узлуксизлигини таъминловчи эҳтиёт (кафолат) захираси.

Товар захираларининг бундай қисмларга бўлиниши уларнинг вужудга келиш хусусиятидан келиб чиқади. Жорий товар захирасига

Эҳтиёж товар айланмаси ҳажми ва товар келтириш муддати билан белгиланади. Булар маълум нормативлар асосида хисобланади.

Мавсумий товар захиралари ишлаб чиқариш ва сотишнинг айрим хусусиятларига биноан вакти бир-бирига мос келмайдиган товарларга тааллуклидир. Бундай товарларга: сабзавот, мевалар, картошка, мактаб-ёзув жиҳозлари, айрим кийим-кечаклар, арча безаклари ва бошқалар киради. Товар захиралари бир қанча ўлчов бирликларига эга: киймат, натурал ва айланниш кунлари.

Айланниш кунларидаги кўрсаткич нисбий кўрсаткич бўлиб, товар захиралари билан чакана товар айланниши ўртасидаги алоқани ифодалайди: маълум товар айланниши даражасида товар захиралари неча кунлик савдони таъминлаши мумкинлигини кўрсатади.

Чакана товар айланниши микдорида ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифни мувофиқланиши ўз аксини топади. Чакана товар айланниши ҳажми савдо корхоналарининг даромад ва фойдасининг микдорига тўғридан-тўғри боғлиқ. Чакана товар айланнишини яна бир томони у ахоли яшаш даражасини баҳолашга имконият яратади, чунки чакана товар айланниши ахолини шахсий истеъмолини асосий қисмини тавсифлайди. Шу билан бир қаторда чакана товар айланниши иктисадиётни ривожланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Чакана товар айланниши кўрсаткичи иш ҳаки, нафака, стипендия тўлашни ўз вактида амалга оширишга таъсир қиласи.

Мамлакатимиз ахолиси даромадларининг кўпайиши, уларнинг турли-туман (ассортимент) ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларининг ортиши ва савдо фаолиятининг йилдан-йилга ихтисослашиб, универсаллашиб бориши ҳамда давлатимиз томонидан тадбиркорларимизга яратилаётган шарт-шароитлар самараси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида чакана савдо айланма ҳажмининг ўсиши кузатилмокда.

Чакана товар айланмаси ҳолатига баҳо берганде унинг динамикасига алоҳида зътибор қартиш лозимдир. Чунки айнан бир неча йиллардаги унинг ҳажми чакана товар айланмаси ҳолатига тўлиқроқ баҳо бериш имконини беради. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Ўзбекистонда чакана товар айланмаси сўнгги йиллар ичида ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Ўзбекистонда чакана савдо товар айланмаси**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2019 йил 2018 йилга нисбатая, фоизда</b>
Чакана савдо товар айланмаси ҳажми, млрд сўм	88071,6	105229,9	133195,2	166094,4	109,1
шу жумладан: чакана савдо	85463,6	102127,9	129552,6	161173,1	108,9
овқатланиш ташкилотлари	2608,0	3102,0	3642,6	4921,4	110,8
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси, минг сўм	2765,4	3249,1	4041,6	4946,2	107,1
Чакана савдода товар захиралари, йил охирида млрд. сўм	2084,3	2338,7	3476,5	5416,1	x
товар айланмаси кунларида	30	28	26	28	x

2019 йилда Ўзбекистонда чакана товар айланмаси 2018 йилга нисбатан 109,1 фоизга ўсган. Овқатланиш ташкилотларининг товар айланмаси 110,8 фоизга, аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 107,1 фоизга ошган. Чакана савдода товар захиралари 2019 йилда 5416,1 млрд. сўмни ташкил этган.

Маълумки, чакана савдо товар айланмаси таркиби озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотларидан ташкил топади. Чакана савдо товар айланмасида ноозик-овқат маҳсулотларининг хиссаси юкорирок бўлмоқда. 2019 йилда 166094,4 млрд. сўмлик чакана савдо товар айланмасининг 96951,5 млрд. сўм (58,4 %) ноозик-овқат


маҳсулотларига, 69142,9 млрд. сўм (41,6 %) озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келмоқда (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Чакана савдо товар айланмаси таркиби (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2019 йилда улуши, %
Чакана савдо товар айланмаси хажми	88071,6	105229,9	133195,2	166094,4	100
шу жумладан: озик-овқат маҳсулотлари	42752,8	48396,2	57021,2	69142,9	41,6
ноозик-овқат маҳсулотлари	45318,8	56833,7	76174,0	96951,5	58,4

2016 йилда чакана савдо товар айланмасида ноозик-овқат маҳсулотларининг улуши 51,5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда 58,4 фоиз бўлмоқда. Ноозик-овқат маҳсулотларининг чакана савдо айланмасининг ўсишига кейинги пайтларда аҳоли даромадларидағи сезиларли ўсишлар, мураккаб техникиали майший товарларга бўлган талабнинг ошишига ҳам олиб келди. Бугунги кунда аҳолининг шахсий комьюнитер, планшетлар, кир ювиш машиналари, совутгичлар, уй хўжалигига ишлатиладиган электр печлари кабиларнинг чакана савдоси ошиб бормоқда. Натижада чакана савдо товар айланмасида ноозик-овқат товарларининг хиссаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда (1-расм).



**1-расм. Чакана савдо товар айланмаси таркиби, фоизда**

Бунга мутоносиб ҳолда, ахоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси таркибидә иоозик-овқаттар ҳажми юқори бўлмоқда. 2019 йилда ахоли жон бошига 2059,0 минг сўм озиқ-овқат махсулотлари тўғри келган бўлса, 2887,1 минг иоозик-овқат махсулотлари тўғри келган (2-расм).



**2-расм. Ахоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси**

Чакана товар айланмаси ҳажмининг ҳудудлар бўйича тақсимланишида ҳам бир қатор мулоҳазали фикрлар мавжуд (7-жадвал). Республикаиз вилоятларида аҳоли сони, аҳоли таркиби, шаҳар аҳолисидан келиб чиқсан ҳолда чакана савдо товар айланмаси ҳар хил.

#### 7-жадвал

#### **Ҳудудлар бўйича чакана савдо товар айланмаси ҳажми (амалдаги нархларда, млрд. сўм)**

Ҳудудлар	2016	2017	2018	2019	2019 йил 2018 йилга нисбатан, %
Қароқалпогистон Республикаси	2950,4	3527,8	4496,8	5705,8	112,2
Андижон	6777,8	8124,9	10368,0	12704,3	108,6
Бухоро	5611,9	6578,5	8375,0	10309,2	107,7
Жиззах	2912,3	3442,7	4373,4	5883,0	118,8
Кашкадарё	6202,9	7187,4	8818,5	10639,7	105,7
Навоий	3684,7	4348,5	5436,3	6776,0	109,7
Наманган	5253,4	6334,2	7829,0	9962,2	110,6
Самарқанд	7605,2	8973,5	11123,1	13877,3	108,1
Сурхондарё	6015,1	7149,0	8846,2	11055,7	110,5
Сирдарё	1547,4	1836,8	2295,5	2872,6	110,4
Тошкент	9223,0	11149,5	14101,0	17420,0	107,2
Фарғона	7655,7	9020,4	11277,6	13744,3	106,7
Хоразм	3365,9	3948,5	5269,2	6915,5	114,5
Тошкент ш.	19265,9	23608,2	30585,5	38228,9	109,2
<b>Республика бўйича</b>	<b>88071,6</b>	<b>105229,9</b>	<b>133195,2</b>	<b>166094,4</b>	<b>109,1</b>

Чакана савдо товар айланмасининг ҳудудлар бўйича таҳлилидан кўриниб турибдики, Тошкент шаҳар (38228,9 млрд. сўм), Тошкент вилояти (17420,0 млрд. сўм), Самарқанд вилояти (13877,3 млрд. сўм), Фарғона вилояти (13744,3 млрд. сўм), Андижон вилояти (12704,3 млрд. сўм) чакана савдо товар айланмаси юкори. Сирдарё вилояти (2872,6 млрд. сўм), Қароқалпогистон Республикаси (5705,8 млрд. сўм), Жиззах (5883,0 млрд. сўм) ҳудудларда чакана савдо товар айланмаси паст.

Чакана савдо айланмаси мамлакатимиздаги савдо айланмасининг энг муҳим ва асосий кўрсаткичидир. Чунки, чакана савдо товар айланишининг ҳажми ва таркиби (озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари) га қараб, аҳоли истеъмолининг ҳажми ва таркибига, даромадининг ҳолатига, турмуш фаровонлигининг даражасига ва иқтисодиётнинг ривожланишига баҳо бериш мумкин. Давлатимиз аҳолиси реал даромадлари ошиб бориши таъсирида уларнинг турмуш даражаси юксалиб фаровонлиги йил сайин ошмокда. Бунинг натижасида эса, озиқ-овқат товарлариникуга нисбатан ноозик-овқат товарларини ҳарид килиш ҳажми кўпаймокда. Мамлакат иқтисодиётининг юкори кўрсаткичлар билан ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошиши натижасида астасекинлик билан уларнинг истеъмоли таркиби ҳам ўзгариб бормокда. Мамлакат мустакилликни кўлга киритгач иқтисодиёт ривожланишининг дастлабки йилларида аҳоли истеъмолининг асосий қисми биринчи даражали эҳтиёж товарлари (асосий озиқ-овқат ва кийим-кечак товарлари ) билан қондирилган бўлса, иқтисодий ривожланишининг кейинги даврларида аҳоли истеъмолининг асосий қисмини ноозик-овқат товарлари эгаллай бошлади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши Республика ва вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси шу жумладан) бўйича ҳамда товар айланишини 2014-2019 йилларга солиштирма кўрсаткичларни таҳлилдан қўйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Биринчидан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши Республика ва вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси шу жумладан) бўйича ортиб бормокда. Аҳоли жон бошига чакана товар айланиши бир текисда бўлмаса ҳам барча вилоятларда ортиб бораётгани кузатилмокда;

Иккинчидан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши вилоятлараво кескин фарқ қиласи. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўртача 2019 йилда 4946,2 минг сўмни ташкил қиласи ҳолда тебраниш микдори 3028,4 – 15046,0 минг сўмгача. Ушбу маълумотлар Республика вилоятларида ахолининг яшаш даражаси ва даромадларини ҳар хил эканлигидан дарак беради;

Учинчидан, аҳоли жон бошига чакана товар айланиши бир текисда бўлмаса ҳам барча вилоятларда ортиб бораётгани кузатилмокда (8-жадвал).

Мамлакатимиздаги оиласларни узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги холат ҳам тубдан ўзгарди. Оиласларни музлатгич, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиль телефон, автомат кир ювиш машиналари, чангютгич ва бошка замонавий машни таъминлаш даражаси ошмокда. Айниқса, сўнгти йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир.

**8-жадвал**

**Ўзбекистон ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган чакана савдо товар айланмаси**

Ҳудудлар	Йиллар (млрд.сўм)						Ўсиш суръати, %
	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
Қоракалпогистон Республикаси	1130,3	1349,3	1635,2	1927,9	2422,8	3028,4	267,9
Андижон	1611,8	1929,4	2308,1	2720,0	3411,3	4101,7	254,4
Буқоро	2085,8	2489,5	3067,6	3542,7	4454,9	5399,2	258,8
Жиззах	1537,9	1837,2	2260,2	2622,0	3266,9	4302,9	279,7
Қашқадарё	1452,0	1685,3	2028,9	2304,7	2772,4	3277,0	225,6
Навоий	2704,2	3260,8	3939,6	4575,5	5596,9	6865,2	253,8
Наманган	1360,1	1615,7	1999,1	2367,0	2871,8	3581,1	263,2
Самарканд	1405,1	1712,5	2102,1	2434,5	2958,7	3615,7	257,3
Сурхондарё	1669,3	1998,6	2468,2	2873,0	3479,9	4253,0	254,7
Сирдарё	1327,3	1590,3	1942,1	2269,1	2789,6	3427,5	258,2
Тошкент	2225,7	2760,4	3280,2	3918,7	4898,4	5965,3	268,0
Фарғона	1445,1	1770,0	2165,7	2510,9	3088,3	3697,0	255,8
Хоразм	1378,6	1573,2	1910,5	2204,9	2894,7	3735,9	270,9
Тошкент шаҳри	5361,1	6540,0	7984,4	9657,7	12295,9	15046,0	280,6
Республика бўйича	1890,1	2274,3	2765,4	3249,0	4041,6	4946,2	261,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиси ўсиб бормокда. 2014-2019

йилларда ахоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши 261,6%га ёки 2,6 мартага ўсган.

Республикамиз ахолиси даромадлари ошиб бориши таъсирида уларнинг турмуш даражаси юксалиб фаровонлиги йил сайин ошиб бормокда. Бунинг натижасида эса, озик-овкат товарлариникига нисбатан ноозик-овкат товарларини ҳарид килиш хажми кўпайиб бормокда.

**Юкорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ривожланишининг ҳозирги босқичида мамлакатимиз чакана товар айланишида қуидаги тенденциялар намоён бўлмокда.**

1. Чакана товар айланишининг умумий хажми ортиб бормокда, шу жумладан, вилоятлар бўйича.

2. Чакана товар айланиши таркибида озик-овкатлар хиссаси камайиб, ноозик – овкатлар хиссаси ортиб бормокда.

3. Ахолини узок муддатли фойдаланиш товарлари билан таъминланиш яхши даражада, айрим товарлар бўйича ортиб бориш кузатилмоқда.

4. Чакана товар айланишини вилоятларапо таксимотида сезиларли даражада тафовут сақланиб қолмоқда.

### **2.3. Чакана савдо корхоналари ва уларнинг турлари**

Чакана савдо тармоғи деб, ахолига ёки ҳаридорларга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатадиган ёки шунга ўхшаш фаолият билан шугулланаётган бинога, жихозга ёки шунга ўхшаш савдо шохобчасига айтилади.

Чакана савдо истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хусусиятларини зътиборга олган холда турғун (стационар), кўчма, жўнатма савдо турларига бўлинади. Турғун (стационар) савдо тармоғи кенг таркалган бўлиб, йирик, замонавий, техник жиҳатдан жихозланган дўконлар, савдо шахобчалари, савдо автоматларини ўз ичига олади.

**Турғун чакана савдо шохобчаси – жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарори билан ажратилган ер участкаларидағи Ўзбекистон**

Республикаси “Давархитекткурилиш” кўмитаси органларида белгиланган тартибда тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари бўйича курилган, санитария ва ёнгин хавфсизлиги нормалари ва талабларига жавоб берадиган, савдо залига, савдо асбоб-анжомларига ҳамда товарларни сақлаш, навларга ажратиш ва қадоклаш учун хоналарга эга бўлган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган обьект (бино, иншоот).

Савдо тармоқлари ичида савдо бинолари энг асосий ўринни эгаллади, чунки 90% ва ундан ортиқ маҳсулотлар савдо тармоғи орқали ахолига етказилади.

Савдо тармоқлари логистик системасининг энг охирги нуқтаси бўлиб хисобланади ва ҳар қандай товар шундай чакана савдо тармоғи орқали ўтиши лозим. Ахолининг минтақавий тарқоқ жойлашишига караб савдо тармоқлари тарқоқ ва кўп бўлади. Қаерда харидор бўлса шу срда савдо тармоғи бўлиши лозим.

Шунинг учун савдо тармоқлари логистик тизимда муҳим ўрин тутиб куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ахолига товар сотиш.
2. Товар сотиш билан боғлик бўлган турли хизматларни кўрсатиш.
3. Бозорни ўрганиш.
4. Товарларни қабул қилиш ва саклаш.
5. Товарларга қўшимча ишлов бериш (ўраш, тозалаш, қадоклаш, бошқариш).

Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий таракқиётида чакана савдо корхоналарининг янги замонавий турлари шаклланиб бормоқда. Чакана савдонинг ривожланиши чакана савдо корхоналарининг турларига ҳам боғлиқдир. Чакана савдонинг шакллари биринчи навбатда алока даражаси (сотувчи билан хизмат кўрсатиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш), дўконнинг катталиги, ассортимент таркиби, шунингдек, нарх сиёсати ва дўконлар тармоқларини жойлаштириш тамойилларига караб фарқланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чакана савдо корхоналарининг куйидаги турлари мавжуд:

#### I. Бажараётган вазифасининг хусусиятларига караб:

- доимий (стационар, кўчмас, кўзгалмас, турғун) чакана савдо корхоналари;
- кўчма чакана савдо дўконлар;
- посилка йўли билан савдо килувчи чакана савдо корхоналари.

Чакана савдо корхоналари турларининг ичидаги доимий (турғун) чакана савдо корхоналарининг аҳамияти каттадир. Доимий чакана савдо корхоналари ўз навбатида икки хил бўлади:

- чакана савдо корхоналари;
- майда чакана савдо дўконлари.

Савдони ташкил этишда асосий ролни доимий чакана савдо корхоналари ўйнайди, улар чакана савдо корхоналарининг 85 % дан ортигини ташкил этади ва товар айланмасининг 90 % га яқинини беради. Бу ерда савдо сотикни уюштиришнинг замонавий усусларини кўллаш бўйича зарур шароитлар яратилган бўлади. Жумладан, кўп куч талаб киладиган ишлар механизациялаштирилади. Сотувчилар учун айниқса харидорларга хизмат кўрсатиш учун керакли бўлган кулай шароитлар мухайё этилади.

Доимий чакана савдо корхоналари ўзининг барпо этилиши, жойлашиш, сотувга чиқариладиган маҳсулотларининг ассортименти, савдо-хизмати, ишни ташкил этиш билан ажralиб туради.

Чакана савдо корхонасининг савдодаги асосий функцияси куйидагилардан иборатdir:

- харидорларнинг товарларга бўлган талаб, эҳтиёжларини ўрганиш;
- товарларнинг ассортиментини шакллантириш;
- товарлар рекламаси ва хизмат кўрсатиш;
- харидорларга савдо хизмати кўрсатиш.

Майда чакана савдо дўконлари эса ёрдамчи вазифасини бажаради, яъни янги курилаётган жойларда, вакти-вақти билан ахоли тўпланадиган жойларда дўкон куриш, иложи бўлмаган ерларда майда чакана савдо дўконлари ўз фаолиятини олиб боради.

Майда чакана савдо дўконлари категорида чодирлар, киоскалар, павильонларни кўрсатиш мумкин.

Чодирлар – бир-икки сотувчига мўлжалланган ёпик ҳолдаги савдо дўкони ҳисобланади. Киоскалардан фарқли равишда унда

товарларни саклаш, сотовга тайёрлаш учун ҳамда харидорларнинг кириб чиқиши учун унга катта бўлмаган хона бор.

**Киоскалар** – одатда енгил конструкциялардан ёпик ҳолда ясалади. Унда бир киши савдо сотик билан шуғулланиши мўлжалланган. Киоскаларда товарларни саклаш, ғамлаб қўйиш учун маҳсус хона ажратилмаган.

**Павильонлар** – ўз савдо залига, зарур жихозлар сакланадиган хонага эга. Уларда асосан, икки-тўрт нафар сотовчи харидорларга хизмат кўрсатиши мўлжалланган.

Кўчма савдо хизмати ўз ичига бир канча хизмат турларини олади. Булар кўчма автолавкаларда, кемаларда, мотовелотежжаларда, самолётларда, буюмларни харидорларга етказишдан иборат.

Вагон-лавкалар, кема-лавкалар одатда темир йўл ва сув транспорти ходимларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Автодўконлар одатда дўкон қуриш иложи бўлмаган қишлоқларда, кичкина қишлоқларда савдо хизмати олиб боради.

Бундан ташқари дам олиш ҳамда байрам кунлари ва ҳар хил тадбирий маросимлар пайтида автодўконлар ўз фаолиятини олиб боради.

Чакана савдода товарларни посилка қилиб жўнатиш билан асосан бугунги кунда электрон тижорат билан шуғулланувчилар амалга оширмоқда. Товарлар харидорлардан олинган буюртмага мувофиқ ажратилиб белгиланган муддатларда почта орқали жўнатилади.

Харидорлр эса товарларни почта бўлимларидаги прейскурантларга караб тахлашлари ва шу асосда буюртма беришлари мумкин.

**II. Товар ассортименти ва унинг шаклланиш хусусиятлари нуткази назаридан чакана савдо корхоналарининг қўйидаги турлари мавжуд:**

- гипермаркет;
- супермаркет;
- универмаг;
- универсам;
- омбор-дўкон;
- фирма-дўкон;
- кундалик эктиёж товарлар дўкони.

Гипермаркетлар - савдо майдони 10 минг м<sup>2</sup> дан 25 минг м<sup>2</sup> гача бўлиб, супермаркет, паст баҳоли дўконлар ва улгуржи савдо тамойилларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Ушбу дўконлардаги товарларнинг ассортименти қундалик ҳарид қилинадиган маҳсулотлар доирасидан чиқиб, мебел, йирик ва майда машиий техника, кийим-кечак ва бошқаларни ўз ичига олади. Кўпинча товар оддий пештахтага жойлаштирилади ва бу холат савдо ходимларидан товарларни кўчириш ва ташишда катта куч талаб килмайди. Дўкондан йирик товарларни мустакил олиб кетадиган ҳаридорларга ташламалар берилади. Дастрлабки бундай гипермаркет Францияда пайдо бўлди. Чакана савдонинг бундай шакли Европада машхурдир. «Гипермаркет» тушунчаси савдо корхонасининг янги шаклини англатмайди, чунки бу турдаги корхоналар хорижда амал килувчи савдо компаниялари ва мустакил тижоратчилар томонидан ташкил этилгандир. Гипермаркетларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва устама билан савдо килиш тизими кенг кўлланилади. Гипермаркетларнинг пайдо бўлиши саноат ишлаб чиқариш (товарларни йирик партияларда оммавий ишлаб чиқариш, жадал реклама) ва савдо томонидан таклиф этилган сотиш шароитлари (юкори меҳнат унумдорлигига эга бўлмаган кўп микдордаги майда дўконлар) орасидаги вужудга келган ўзилишлар билан боғлиқдир. Бу холат ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида тор жой ҳосил бўлишига олиб келди ва оммавий талабни қондириш мақсадида «сотиш фабрикаси» - гипермаркет ташкил этилди. Франция ўз-ўзига хизмат кўрсатиш институтининг таърифига кўра, гипермаркетлар қўйидаги белгиларга эга:

- гипермаркетлар жуда йирик чакана савдо корхонаси бўлиб, унда хам озик-овқат товарлари хам умумий фойдаланиш учун мўлжалланган товарларнинг кенг ва тез янгиланадиган ассортименти мавжуддир;
- гипермаркетларнинг савдо майдони 2,5 минг. м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги лозим;
- гипермаркетларда паст баҳолар ва унча катта бўлмаган устамалар (discount тизими) сиёсати олиб борилади;
- гипермаркетларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тизимида савдо қилинади ва барча танлаб олинган товарлар учун тўлов дўконнинг чиқиши жойида жойлашган кассада амалга оширилади;

— гипермаркетларда «тұхтаб түриш жойи йўқ экан, бизнес хам йўқдир» деб номланған америка формуласига асосан автомобиллар тұхтаб туриши учун катта тұхтаб түриш жойи мавжуд.

Гипермаркетлар америка superstores ларидан фаркли равища савдонинг мукаммал асл шакли ҳисобланади. Гипермаркетларда озик-овқат товарлари ва умумий фойдаланиш учун мұлжалланған товарлар битта савдо майдонида сотилади ва улар учун түловлар бир вақтнинг ўзинде битта кассада амалга оширилади. Гипермаркетларда таклиф этилаётган товарлар ассортиментида ноозик-овқат товарларига кеңг ўрин берилади. 1963 йил 15 июнда Марсель Фурнье Дени Деффорэ билан хамкорликда Париж яқинидаги Сент-Женевьев-де-Буа шахрида 2,5 минг  $m^2$  майдонга хамда 500 ўринли автомобиль тұхтов жойига эга бўлган «Карфур» деб номланувчи биринчи гипермаркетни очиши. Савдо дунёси бу гояни яхши кабул қилишмади, бирок ойлар ўтиши билан савдонинг ушбу янги шаклининг муваффакияти аник бўла бошлади. «Карфур» компанияси ўз дўконининг ишини такомиллаштириб борди ва 1964-1967 йилларда яна бешта гипермаркетни очиши.

Ушбу даврда бошка компаниялар хам гипер-маркетларга ишончсизлик билан қарашар эди. 1968 йилдан бошлабгина Францияда гипермаркетлар сони тез ўса бошлади. Савдонинг барча соҳа-ларида М.Фурньенинг ракобатчилари пайдо бўлишди. Шу нарсанни таъкидлаш лозимки, биринчи бўлиб мустақил тижоратчилар кейин эса Йирик компаниялар таваккал қилишди. 1967-1973 йилларда гипермаркетлар сони тез купайди, 1973-1976 йилларда эса бу кўпайиш кескин пасайди. Кейинги йилларда гипермаркетлар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Бундай ҳолат икки омил билан тушунтирилади.

Биринчидан, давлат органлари томонидан ушбу дўконларни очишига тазик ўтказилиши. Майда дўконлар гипермаркетларни хақиқий иктисадий халокатлар сабабчилари деб айблашдилар ва гипермаркетлар уларни қуриш учун рухсат берувчи шаҳар қурилиши бўйича департамент комиссиялари назоратига тушиб қолдилар. 1972 йилдан бошлаб гипермаркетларга кекса тижоратчи ва хунармандларга ёрдамни молиялаштириш учун кўшимча солиқ солина бошланди. Ниҳоят 1973 йил 30 декабрда савдо ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг

асосий йўналишлари бўйича қонун, яъни Руайе қонуни қабул килинди. Руайе қонуни маълум даражада гипермаркетлар ривожини тўхтатди ва уларни кучли назорат остига қўйди.

Иккинчидан, савдо компаниялари ўртасидаги ракобат ва иқтисодий конъюнктура гипермаркетлар ривожини сусайтиради. Шуни таъкидлаш лозимки, вакт ўтиши билан эркин жойлар янада камая борди ва ҳар бир янги гипермаркет унинг рентабеллигини таъминловчи сотиш хажмига қийинчилик билан эриша бошлади. Гипермаркетларнинг савдо майдони доимо кенгайиб бормокда. Гипермаркетларнинг ярмидан кўпи  $2500\text{-}6000 \text{ м}^2$  савдо майдонига эга, факат 10% атрофидаги гипермаркетларгина 10 минг  $\text{м}^2$  дан ортиқ савдо майдонига эгадирлар. Автомобиллар учун тўхтов жойлари янада катталашиб бормокда. Ҳар  $100 \text{ м}^2$  савдо майдонига 20 автомобиль тўхташ жойи белгиланган. Ҳар бир гипермаркетга ўртacha 1,1 мингта жой тўғри келади. Дастлабки пайтларда гипермаркетлар асосан озиқ-овқат дўконлари хисобланар эдилар, кейинчалик улар «кўп ихтисослашув» дўконларига айландилар. Бу вактда умумий максадлар учун мўлжалланган товарлар (тўқимачилик, хўжалик товарлари, уй шароити учун буюмлар, боғдорчилик асбоблари) ассортименти кенгайди ва савдо айланмасининг 55% ни ташкил этди. Бу чора тадбир баққоллик товарларига бўлган унча юкори бўлмаган устамаларни (5%) қисман коплаш ва асосан дўконни янада ўзига жалб этувчи килиш эди. Товарлар ассортименти дўкон ўлчамларига караб 20-50 минг турдан иборат бўлади. Бундан ташқари харидорларни доимилигини таъминлаш, ўз фирма белгисини таъсирини кўчайтириш, паст баҳолар сиёсатини кучайтиришни таъминлаш учун кўпчилик компаниялар сотувга «фабрика маркаси бўлмаган» (факат товарнинг келиб чикиши кўрсатилади) бир хил ўровдаги ва барча сериялари умумий оригинал номли товарларни чикара бошлишди. Бунга «Карфур» фирмасининг «эркин маҳсулотлари», «Промодес» фирмасининг «қитъалараро товарлари», «Паридою» маркази атрофида жойлашган «коила товарлари» тармок шахобчалари, «Ёвромарше» фирмасининг «сарғиш кизил маҳсулотлари», «Ралли товарлари» ни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу товарлар ассортиментнинг унча кўп бўлмаган қисмини ташкил этса хам (100 хилдан 400 хилгача) етарлича сотиш хажмини таъминлашар

эди. «Карфур» фирмасида ушбу товарларга баққоллик товарлари савдосининг 5% ва ҳар бир товар гурухи бўйича ўртача 30% савдоси тўғри келар эди. Бу ҳолатни ушбу товарларга бўлган баҳоларнинг худди шундай машхур маркали товарлар баҳосига нисбатан 10-15% (айрим холларда 40-45%) паст бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Агар гипермаркет 1967-1971 йилларда агресив савдо сиёсатини олиб борган ажралган холдаги дўкон бўлган бўлса, хозир эса савдо галереясини ҳосил этувчи бошка дўконлар билан ўралгандир. Бу дўконлар гипермаркетнинг ўзига жалб этувчанлиги-дан фойдаланишади ва ўзлари хам уни кучайтиришади. Бундан ташқари гипермаркет эгалари кўпинча ўз худудида уй шароити учун, моҳир кўллар учун мўлжалланган ҳамда боғдорчилик асбоблари билан савдо қилувчи йирик ихтисослашган дўконларни жойлашишига рози бўлишади. Кўпинча гипермаркет қошида ташлама билан савдо қилувчи автомарказ ташкил этилади. 1970 йилгача гипермаркетлардан фойдаланувчи компанияларнинг ҳолати аник эди. Хозирги кунда эса корхоналар ўртасида кўплаб шарт-номалар тузилди ва шу асосда уларнинг бирлашуви амалга ошди. Бундан ташқари савдонинг концентрациялашуви жараёни кучайди ва савдонинг турли соҳаларига тегишли бўлган корхоналар бирлашуви натижасида кўшма компаниялар пайдо бўлишди.

Гипермаркетлар муваффакияти сабабларини уларнинг дастлабки йигирма йил давомида эришган чакана сотиш салмоғи билан изоҳлаш ва баҳолаш мумкин. Франция ўз-ўзига хизмат кўрсатиш институти бу салмоғни 13,5% деб баҳоламокда. Ушбу хисоб-китоблар тижорат хисоби бўйича миллий комиссия томонидан амалга оширилган. Бунда гипермар-кетларга озиқ-овкат савдосининг 18,4% ва умумий максадлар учун товарларнинг 9,6% тўғри келади. Гипермаркетлар савдонинг бошка соҳаларига хам кириб боришди. Масалан, гипермаркетларда 8,5% китоблар ва 9% бен-зин солилмокда. Гипермаркетлар муваффакияти сўзсиз зътироф этилмокда ва у харидорларга кўрсатиласетган янги турдаги хизматлар характеристи ва ўзига жалб этувчи паст баҳолар сиёсати билан изоҳланади. Кўргазма заллари - кенг ассортиментдаги паст баҳо ўрнатилган фирмали, яхши сотиладиган, юкори маркали мукофотли товарларни таклиф этади. Ушбу товарларга заргарлик буюмлари, электр ва бензинли асбоблар, фотоаппаратлар,

сумкалар, майда майший техника, ўйинчоклар, спорт товарлари киради. Харидорлар намуналарни ўрганишади ва кўргазма залида қўйилган ёки каталогларда кўрсатилган товарларга буюртма бери-шади, кейин дўконнинг савдо бўлимидан олиб кетишади. Бундай чакана савдо корхоналари паст баҳоларни ушлаб туриш учун харажатларни камайтиришади, фойдани оширишади ва шу билан сотиш хажмини юкори даражада ушлаб туришади. Хорижий мамлакатларда кўпчилик дўконлар мустакил мулкдорларга тегишли ҳисобланади. Бироқ уларнинг аксарияти корпоратив чакана савдонинг бирор-бир шаклига хосдир. Бундай ташкилотлар кўпинча миқёс самарасидан фойдаланишади. Чакана савдо билан шуғулланадиган асосий ташкилотлар хилларига киради. Дўконларнинг корпоратив тармоғи - битта мулкдорга тегишли ва ягона назорат органига эга бўлган икки ёки ундан ортиқ дўконлардан иборатdir. Бу дўконлар товарларни марказлашган тартибда ҳарид қилишади ва ўхшаш ассортиментдаги маҳсулотларни таклиф қилишади. Корпоратив тармоқлар савдонинг барча шаклларини камраб олади, бироқ кўпинча улар универмаг ва ихтисослашган дўконлар (озик-овқат дўконлари, пойафзал, дорихона, аёллар кийими) каби чакана савдо дўкон-ларини бирлаштирадилар. Товар айланиш хажмининг катта хажми уларга катта хажмда ва етарлича ташламалар билан ҳаридларни амалга ошириш имконини беради. Бундай компаниялар баҳони шакллантириш, силжитиш, тижорат режалаштирилиши, захиралар устидан назорат ва сотишни башорат қилиш бўйича мутахассисларни жалб қилишлари мумкин. Эркин уюшган тармоқлар - чакана совтувчиларнинг мустакил гуруҳи бўлиб, улар улгуржи савдо билан шуғулланувчи компаниялар томонидан ташкил қилинган (айрим холларда молиялаштирилган) бўлади. Мустакил гуруҳлар ҳарид хажми ва сотишни кўпайтириш мақсадида ташкил этилади. Чакана савдо ширкатлари - марказлаштирилган ҳарид қилувчи ташкилотни ташкил қилувчи ва сотишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни хамкорликда ўтказувчи мустакил чакана сотувчилардан иборат бўлади. Истеъмол ширкатлари - ўз ҳаридорларига тегишли бўлган чакана савдо фирмаси. Истеъмол ширкатлари-махаллий чакана сотувчиларнинг хизмат кўрсатиши етарли даражада эмас (баҳолар ошириб юборилган, товарлар

сифати ёмон) деб хисоблаган алоҳида жамоалар ёки кишиларнинг гурухлари томонидан ташкил этилади. Одамлар ўзларининг умумий пулларига ўз дўконларини очишади, дўкон маъмуриятини ўзлари сайлашади ва дўконнинг ишлаш сиёсатини белгилашади. Бундай дўконларда паст ёки нормал баҳолар ўрнатилади. Нормал баҳоли дўконларда ширкат аъзолари уларнинг қандай суммада ҳарид килишганлигига кўра сотишдан фоиз (дивиденд) олишади.

**Супермаркет** - товарлар обороти ва номенклатурасининг ҳажми катта, нархлар даражаси паст ва савдо майдонлари 5-10 минг кв.м ва ундан кўп бўлган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш корхонасидир. Чакана савдо корхонаси бундай турининг мамлакатда ва ҳалкаро миқёсда машҳурлиги жуда каттадир. Чет элда супермаркетлар асосан шахар чегарасидан ташкарида жойлаштирилади. Бу эса транспорт шароитининг ва автомобилларни кўйишнинг (парковка) кулиялиги билан боғлик. Улар оммавий истеъмолчига мўлжалланган бўлиб, МДҲ мамлакатларида алоҳида дўконлардан тармоқка айланган ҳолда динамик тарзда ривожлана борди. Истеъмолчи супермаркетларнинг хизматларидан фойдаланган ҳолда куйидаги афзаликларга эга бўлиши мумкин:

- ҳамма зарур бўлган товарларни бир жойда ҳарид қилиши;
- товарларнинг ҳамма ижтимоий гурухлар учун тўпланиши ва кўпчилик ҳаридорлар учун нарх кўрсаткичи жиҳатидан қулиялиги;
- ҳудудий жиҳатдан жойлашишининг қулиялиги.

**Универмаг**, асосан, ноозик-овкат товарларидан иборат бўлган ихтисослашган товар бўлимларини ўз ичига олади. Нарх даражаси жиҳатидан арzon дўконлар каторига киради, савдо-технологик жараёнда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулига ургу берилади.

**Омбор-дўкон** бир неча ўн минг кв. метр майдонни эгаллайди, ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо функцияларини бажаради, товарларининг ассортименти 100 мингга яқин номларга зга, товар ассортименти кенг, нархлар паст.

**Кундалик эҳтиёж товарлари дўкони ҳаридорларнинг яшаш жойига максимал якинлашган**, бутун ҳафта давомида энг тез кетадиган ва энг максимал талабга зга бўлган товарларнинг чекланган ассортименти билан ишлайдиган кичик корхонадир.

**Фирма дўкони** — бу ҳар қандай ташкилий-хукукий шаклдаги савдо корхонасидир, унинг фаолият предмети бўлиб муайян номенклатурадаги, таъсисчилар, таъминотчиларнинг ишлаб чиқариш профилига мувофиқ келадиган ҳар хил товарлар билан чақана ёки кичик улгуржи савдо хисобланади. Фирма дўкони, одатда, ўз номенклатурасидаги товарларининг намунали савдо ва сервис хизматини ташкил қиласди. У фирма номига, фирма белгисига, сотиладиган' товарлар учун фирма ўрамига, ўз ходимлари учун таъсисчилар ёки тижорат ташкилотининг реклама безагига мос ишланган фирма кийимига эга бўлиши керак.

Фирма дўкони, корхонанинг таркибий бўлинмаси сифатида унинг бошқарув органларининг қарори билан қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ва шартларда яратилади ва хукукий шахс хисобланмайди. Бундай дўконга уни тузган хукукий шахс томонидан мулк берилади ва у тасдиклаган Низом асосида фаолият юритади.

Фирма савдосининг асосий максади сотиш бозорини кенгайтириш ва фирма томонидан чиқариладиган товарларни сотиш ҳажмларини кўпайтириш хисобланади. Бу максадга эришиш фирма томонидан ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва истеъмол бозорида ўз мавкеини кучайтиришга ёрдам беради.

Фирма савдосининг вазифалари унинг мақсадларидан келиб чиқади ва ўз ичига куйидагиларни олади:

- бозор конъюнктурасини ўрганиш;
- товарларга бўлган талабни ўрганиш ва шакллантириш;
- ассортиментни янгилаш, яхшилаш ва товар сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган ишга самарали таъсир кўрсатиш;
- хизмат кўрсатишининг юкори маданиятини, сотишдан олдин товарларни тайёрлашини, уларни харидорларга етказиб беришини, меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда маҳсулотларни йигиш ва ўрнатиш, маслаҳатлар бериш, бошқа хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- фан-техника ютуқларини, илгор хорижий ва миллий тажрибани хисобга олган ҳолда прогрессив савдо-технологик жараёнларни жорий қилиш;
- товарлар рекламасини намунали ташкил этиш.

### **III. Товар ассортиментига ихтисослашишига кўра чакана савдо корхоналарининг қўйидаги турлари мавжуд:**

- ихтисослашган чакана савдо дўконлари (Масалан, кийим-кечаклар сотадиган чакана савдо дўконлари);
- тор ихтисослашган чакана савдо дўконлар (Масалан, эркаклар кийим-кечакларини сотадиган чакана савдо дўконлар);
- супер ихтисослашган чакана савдо дўконлар (Масалан, факат эркаклар костюм шимларини сотадиган чакана савдо дўконлар). Келажакда супер ихтисослашган дўконлар ўзларининг тор ихтисоси ва сегмент талабини максимал кондириши ҳисобига устунликка эга бўладилар ва тез ривожланадилар.

### **IV. Чакана савдо корхоналарининг катта-кичиклигига қараб:**

- кичик чакана савдо дўконлари (киоска, минимаркет, чодир);
- катта чакана савдо корхоналари (гипермаркет, супермаркет, универмаг, универсам, омбор-дўкон, ва ҳ.к.);
- йирик, чакана савдо корхоналари (савдо уйлари, савдо марказлари ва б.к.).

### **V. Чакана савдо корхоналарининг мулкий шаклига қараб:**

- хусусий чакана савдо корхоналари;
- ҳамкорликдаги чакана савдо корхоналари (кўшма корхоналар, франшиза, масъулияти чекланган жамиятлар ва ҳ.к.);
- хорижий чакана савдо корхоналари;
- давлат чакана савдо корхоналари.

Товарлари, майдони катталиги, кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва нархларининг нисбий даражаси ҳар хил бўлган дўконлар йигиндиси чакана савдо тармоғини ташкил килади.

Чакана савдо тармоғлари товар ҳаракатидаги асосий бўғинлардан ҳисобланиб, ишлаб чиқаришга, улгуржи савдога ва истеъмолчига кучли таъсир кўрсатади. Айнан шу чакана савдо тармоғларида меҳнаткашлар ижтимоий, фойдали меҳнатга кўшган улушларига қараб зарур товарларни сотиб олишади. Чакана савдо жараёнида у ёки бу товар - товар муомаласидан истеъмол муомаласига ўтади. Чакана савдо тармоғларида бозор ва талаб ўрганилади. Бозор шароитида нархлар,

янги истеъмол таркиб топади, талаб қондирилади. Талаб ва таклиф ўртасида мувозанат ушлаб турилади.

Бундан ташкари чакана савдо тармоғларида истеъмолни қондириб туриш учун товар заҳиралари барпо қилинади ва ҳар томонлама истеъмолга ёрдам бериш, рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Чакана савдо тармоғларида икки турдаги вазифалар бажарилади:

- тижорат вазифалари;
- технологик вазифалар.

Технологик вазифалар – бунга товар қабул қилиш, саклаш, қадоқлаш, ўраш, товарларни савдо залларида кўрсатиш, харидорлар билан хисоб-китоб қилиш ва қўшимча хизмат кўрсатиш.

Чакана савдо тармоғини энг макбул тарзда қуриш ва жойлаштиришда чакана савдо дўконларини типлар бўйича ажратиш хамда уларни маълум турдаги товарларни сотишга ихтисослаштириш катта аҳамият касб этади.

Чакана савдо тармоғларининг ихтисослашуви – бу савдо тармоқларида меҳнатни таксимлашнинг турларидан биридир. Бу дўконларнинг савдо-сотиқ фаолияти айрим товарларни сотиш билан чекланган. Айни шу товарларнинг бир жойда турлар ва группалар бўйича сотилиши аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Типлаштириш – бу маълум бир тадбирий чора бўлиб, ҳаракатда бўлган, ишлаб турган чакана савдо тармоғларини ҳар томонлама ўрганилиб, фан ва техника ютукларидан фойдаланиб, уларнинг оптимал типларини ишлаб чиқишидир.

Дўконларни куйидаги белгиларга қараб типларга ажратиши мумкин: ассортимент профили, савдо майдонининг ҳажми, савдо корхонасининг жойлаштириши, харидорларга хизмат кўрсатиш шакли ва усуслари. Типларга ажратиш жараёнида шундай дўконлар танлаб олинади-ки, улар тажрибада ўзини оқлаган бўлсин, янгидан барпо этилаётганларида эса товарлар ассортиментини кенгайтириш, савдода янги техника ва илгор технологияларни жорий этиш имкониятлари хисобга олиниши лозим. Типлашириш жараёнида дўконларнинг ҳар хил майдонга эга бўлган хиллари камаяди, уларни бошкариш ишлари анча

осонлашади, технологик лойиҳаларини тузиш ҳам анча қулай амалга ошади.

Чакана савдо корхоналарида товарларни сотиш сиёсати ахолининг турли тоифалари билан савдо муносабатини ташкил этиш, сотиш каналларини тўғри жойлаштириш, савдо залининг эстетик тартибланишини белгилаш, истеъмолчиларга маълумот таркatiш тизимини тўғри танлашт коидаларини аник ифодалashi мақсадга мувофиқдир. Чакана савдо тармоқларида товар ассортиментини таркиб топтириш-тижорат ишининг жуда муҳим элементидир. Чакана савдо дўконларда товар ассортиментининг доимий равищда бўлиши уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Истеъмолчилар талабига энг тўла равищда мос келадиган товарларни кенг кўламда танлаб олиш товар ассортиментини тўғри таркиб топтиришнинг муҳим шартидир. Товар таъминотини тўғри ташкил этиш савдо корхоналарини товар айланишига, харажатларига, фойдасига, товар захираларига, товар ассортиментига таъсир килиши мумкин. Шу нуктаи назардан чакана савдо корхоналарига ва уларни таъминлашга маҳсус талабларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим:

- товар билан таъминлаш бир текисда, маълум бир меъёрда амалга ошиши лозим;
- товар билан таъминлаш маҳсус ишлаб чиқарилган режалар, графиклар асосида амалга ошиши мумкин;
- дўконлар ўз транспорти билан товарларни ташиб келтиришни ташкил этиши мумкин.

Товар ассортименти чакана савдо дўконларида маълум омиллар асосида таркиб топади:

- ахолининг урф одатлари, даромади, миллати;
- ишлаб чиқариш муносабатлари, бозор муносабатлари;
- савдо корхоналарининг жойлашуви, унинг катта-кичиклиги;
- фойда даражаси.

Бозор шароитида товар ассортиментларини вакт-вакти билан ўзгартириб, бошқариб туриш лозим бўлади. Бундай ўзгартиришлар мавсум ўзгариши, дил, маросимлар, товарларнинг ривожланиши, ассортиментнинг кенглиги юкори чўққига чиқади, товар нархи арzonлашади.

Чакана савдо товар айланмасининг асосий қисми 55 фоизи (91338,7 млрд. сўм) ихтинослаштирилган ва озик-овкат бозорларига тўғри келмокда (9-жадвал).

**9-жадвал**

**Чакана савдо товар айланмаси (млрд. сўм)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2019 йил 2018 йилга нисбатан фоизда</b>
Чакана савдо товар айланмаси ҳажми	88071,6	105229,9	133195,2	166094,4	109,1
шу жумладан товар айланмаси савдо ташкилотларида	27208,2	32900,7	50354,6	74755,7	129,9
буюм, ихтинослаштирилган ва озик-овкат бозорларида	60863,4	72329,2	82840,6	91338,7	96,5

Чакана савдонинг савдо объектлари, дўконлар, уларнинг савдо майдони, қишлоқ жойларда жойлашган дўконлар кўрсаткичини тахлил қилиш ҳам муҳим ҳисобланади (10-жадвал).

**10-жадвал**

**Мулкчилик шакллари бўйича чакана савдо ва овқатланиш ташкилотларининг савдо объектлари сони  
(2020 йил 1 январ ҳолатига, бирлик)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Барча мулкчилик шакллари бўйича ташкилотлар</b>	<b>Шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича</b>	
		<b>давлат</b>	<b>нодавлат</b>
<b>Дўконлар</b>	<b>144875</b>	<b>88</b>	<b>144787</b>
<b>Уларнинг савдо майдони, минг м<sup>2</sup></b>	<b>5872,0</b>	<b>13,4</b>	<b>5858,5</b>
<b>Умумий овқатланиш ташкилотлари</b>	<b>15954</b>	<b>124</b>	<b>15830</b>
<b>Улардаги жойлар, минг</b>	<b>733,6</b>	<b>9,8</b>	<b>723,8</b>
<b>Дўконча ва киоскалар</b>	<b>6947</b>	<b>-</b>	<b>6947</b>
<b>Кишлоқ жойларда</b>	<b>52856</b>	<b>16</b>	<b>52840</b>
<b>Дўконлар уларнинг савдо майдони, минг м<sup>2</sup></b>	<b>49000</b>	<b>9</b>	<b>48991</b>
<b>Овқатланиш ташкилотлари</b>	<b>1747</b>	<b>7</b>	<b>1740</b>
<b>Улардаги жойлар, минг</b>	<b>68,2</b>	<b>0,3</b>	<b>67,9</b>
<b>Дўконча ва киоскалар</b>	<b>2109</b>	<b>-</b>	<b>2109</b>
<b>Жами</b>	<b>167776</b>	<b>212</b>	<b>167564</b>

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1-январ ҳолатига кўра жами 167776 та чакана савдо ва овқатланиш ташкилотлари фаолият олиб борган бўлса, шулардан 212 таси давлат ва 167564 таси нодавлат ташкилотлари хисобланади (3-расм).



**З-расм. Савдо соҳасидаги хўжалик субъектларининг мулкчилик шакллари бўйича улуси, %**

Савдо соҳасидаги хўжалик субъектларининг 99,9 фоизи мулкчилик шаклига кўра нодавлат секторга таалукли. Чакана савдо савдо обьектлари бўйича ихтисослашган буюм бозорлари ва озиқ-овқат бозорлари етакчилик қилмоқда. Айниқса, олис қишлоқ жойларда стационар чакана савдо корхоналари етарли бўлмаяпди. Тахдил натижаларидан келиб чиқкан ҳолда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

- шаҳар марказларида, ташкилот ва муассасаларда ихтисослашган савдо автоматларини жойлаштириш;
- чакана савдо корхоналарида электрон тижоратни ривожлантириш, онлайн савдо шаклларини жорий қилиш;
- ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи чакана савдо корхоналарини туманларда ҳам салмоғини ошириш;
- туристик марказларда туристик товарлар савдосига ихтисослашган дўконларни ташкил этиш;
- қишлоқ жойларда чакана савдо шахобчаларини ташкил этиш, уларнинг товар таъминоти учун марказлашган омборларни ташкил этиш;
- олис ва тогли қишлоқлар учун кўчма автодўконлар фаолиятини йўлга кўйиш.

## **2.4. Улгуржи савдо ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари таҳдиди**

Ўзбекистон иқтисодиётини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида улгуржи савдо қайта ишлаш соҳасида ком-ашё, яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарига етказиб бериш, истеъмол бозори конъюнктурасини тартибга соладиган замонавий иш услугига эга фаолиятга айланиши назарда тутилган. Улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун яримтайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, “бизнес учун бизнес” (B2B) тамойили бўйича бошка товарларни етказиб бериш тизими даражасининг пастлиги хўжалик юритувчи субъектлар транзация харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг ташки бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмокда.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида улгуржи савдо товарлар ҳаракатининг етакчи ташкилотчиси, тармоқлараро, худудлараро ва минтакавий иқтисодий алокаларни шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш, истеъмол товарлари сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни таъминлаш, товар ҳаракатиниташил этиш учун мукобил молиявий манбаларни шакллантириш ва харидорларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиши керак. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун бутунлай янги ташкилий тузилма ва турли функционал йўналишдаги улгуржи ташкилот ва корхоналарга эҳтиёж бор.

Улгуржи савдо корхоналар ўртасидаги савдо бўлиб, товарлар, йирик партияларда олди-сотди килинади. Улгуржи савдо билан ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан улгуржи ва чакана савдо корхоналари шуғулланиши мумкин. Одатда чакана савдо корхоналари бир томонлама улгуржи савдони олиб боради, яъни товар ҳарид қилиш жараёнида. Ишлаб чиқариш корхонлари эса кўпроқ маҳсулотларни сотиш ва хом: ашёни сотиб олиш жарёнида улгуржи савдо билан шуғулланади. Буларнинг савдоси ҳам кўпроқ бир томонлама улгуржи савдо ҳисобланади. Улгуржи корхоналар эса икки томонлама улгуржи савдони олиб боради, яъни йирик партияларда сотиб олади ва сотади.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужоатлари тўплами (2006 й., 20-21-сон, 181-модда)га кўра улгуржи савдога қуидагича таъриф берилган.

Улгуржи савдо – тижорат максадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёjlари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг накдинасиз шаклида ҳарид килинадиган товарларни сотиш.

Улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар, факат улар тегишли лицензия олган тақдирда, шуғулланишлари мумкин.

Улгуржи савдонинг мавжуд бўлишига қуидаги сабаблар таъсир этади:

- ишлаб чиқариш корхоналари истеъмолчидан узок жойлашган бўлса;
- ишлаб чиқариш ихисослашган бўлса;
- истеъмолчилар таркок жойлашган ва кичик бўлса;
- истеъмолчиларга кичик партияда тез-тез келтириш керак бўлса.

Улгуржи савдо ўзининг моҳияти, ташкил этилишига караб З турга бўлинади:

1. Ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи савдоси. Шу асосда кўпинча ҳалқ истеъмол ва озиқ-овқат товарлари улгуржи савдоси олиб борилади. АҚШ да умумий товар айланмасининг 40% и шунга тўғри келади.
2. Улгуржи корхоналарнинг савдоси. Бунда кўпинча мураккаб ассортиментдаги товарлар, техник товарлар сотилади;
3. Агент ва брокерларнинг улгуржи савдоси. Агент ва брокерларнинг улгуржи савдоси АҚШ улгуржи товар айланнишининг 10 % ини ташкил этади.

Улгуржи корхоналар бир қанча белгиларга қараб турларга бўлиниши мумкин:

- мулкий шаклига қараб;
- ихтисосланишига қараб;
- бажараётган вазифасининг хусусиятига қараб турларга бўлиниши.

Кўпгина улгуржи корхоналар масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият кўрсатади.

Улгуржи савдо корхонасининг тижорат вазифалари:

- товар сотиб олувчи корхоналарни излаш, уларни талабини ўрганиш, талаб микдорини аниқлаш;
- товар сотувчи корхоналарни излаш, таклифни ўрганиш;
- товар сотувчи ва сотиб олувчи корхоналар билан алоқа ўрнатиш, шартномалар тузиш;
- биржа, ярмаркаларда катнашиш;
- бошқа корхоналар билан, товар алмашув имкониятларини амалга ошириш;
- товар келишини, сотилишини ҳисобга олиб бориш ва назорат қилиш;
- бозорда товар сотилишини ташкил этиш;
- сотувчи ва сотиб олувчи корхоналарга хизмат кўрсатиш ва ёрдам бериш;
- товар сифатини назорат қилиш ва уни ошириш, товар ассортиментини кенгайтириш чораларини кўриш.

Воситачилар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга боғлик бўлмаган товар (хом-ашё, материал, машина, ускуна) ларни сотишка тўловли хизмат кўрсатадиган шахс, фирма ташқилотлардир.

Ҳар хил турдаги воситачиларни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги қўйидаги омиллардан келиб чиқади: Биринчидан, воситачилар бозорни яхши билишлари, савдо дунёсидан кенг алоқалари туфайли товарларнинг тез сотилишини таъминлайдилар. Бунинг аҳамияти каттадир, чунки капиталнинг обороти тезлашади.

Иккинчидан, воситачилар истеъмолчиларга яқинрок турганликлари учун истеъмолчилар (аҳоли) талаб ва эҳтиёжларидағи ўзгаришларни ишлаб чиқарувчидан кўра тезрок қайд этадилар, бу кўп ҳолларда хато ва камчиликларни истисно қиласди, ишлаб чиқаришда таваккалчиликни камайтиради.

Учинчидан, воситачилар етказиб бериш муддатларини кискартириш ҳисобига маҳсулотнинг ракобатбардошлигини оширишни, товарларга сотув олди хизматини уюштиришни, айрим ҳолатларда эса товарларга маромига етказиш бўйича ишлов бериш ҳисобига уларнинг сифатини оширишни таъминлайдилар.

Тўртинчидан, воситачилар билан доимий ҳамкорлик кўпинча фирма-ишлаб чиқарувчига, агарда воситачи савдо ишларини маблағ билан тъминласа ва яхши йўлга қўйилган сотув алоқаларига эга бўлса, кўшимча даромад келтиради. Булар товар сотиши чиқимларини камайтиради.

Шундай, қилиб, ҳозирги кунда воситачилик фаолиятининг аҳамияти каттадир. У жаҳон савдосини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасида миллий воситачилар хизматларини Ташки иктисадий алоқалар Вазирлигининг ташки савдо бирлашмалари, савдо ва алокани бошқа турларининг ривожланишига ёрдам берувчи вазирлик ҳамда маҳкамалар ва уларнинг ташкилотлари бажарадилар. Бундан ташқари, республиканинг ташки бозорда экспорт-импорт ишларини мустақил амалга оширувчи ташкилот ва корхоналари хорижий шериклар хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Воситачилик фаолияти хилма-хиллик хусусиятига эга. Шунга кўра воситачилик фаолияти билан шугулланувчи юридик шахсларни куйидаги турлари фарқланади: оддий воситачилар, ишончли вакиллар, комиссionерлар, консигнаторлар, савдо агентлари, сотувчи воситачилар (дистрибутерлар). Биржা, аукцион ва халқаро савдолар воситачиликнинг алоҳида тури ҳисобланади.

Айрим воситачилик турларига изоҳ берамиз.

Оддий воситачилар. Оддий воситачилик вазифасини фирмалар, шахслар ва ташкилотлар бажарадилар. Булар манфаатдор шериклар (сотувчи ва олувчи)ни изловчи ва бир бирига таништирувчи сотувчилардир. Оддий воситачиларни бошқаларидан фаркловчи хусусияти уларнинг битимларни тузишда ҳеч кандай қўринишда иштирок этмасликларидир. Бу мижозларининг вазифаси ҳисобланади. Мустақил ёки брокер фирма (контора)ларига бирикиб фаолият кўрсатувчи брокерлар оддий воситачиларнинг типик вакиллари ҳисобланадилар. Улар одатда товар биржаларида фаолият кўрсатадилар. Брокерлик конторалари ўз амалакатида ҳам, хорижда ҳам бўлинмаларга эга бўлиши мумкин.

**Савдо вакиллари.** Воситачиликни бу шаклиниг моҳияти шундаки, унда сотувчилар ёки ҳаридорлар ваколатнома берувчи шахс номидан ва ҳисобига битимлар тузиш учун воситачиларни жалб қиласидилар.

Бу турдаги воситачилик хизматлари ишончли вакилларнинг битимларни тижорат ва техник шартлариги ваколатлари муфассан баён қилинадиган шартномалар асосида амалга оширилади. Воситачиликнинг бундай кўриниши Гарбий Оврупо мамлакатларида ва бошқа жойларда кенг ривожланган, ундан ҳалқаро миқёсида нисбатан кам фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо ташкилотлари бошқа мамлакатлар ишончли вакиллари хизматидан фойдаланадилар.

**Комиссионерлар.** Комиссионерлик ҳалқаро савода кенг ривожланган. Комиссионерлик воситачилигининг моҳияти шундаки, унда комиссионерга ракибларни ва улар билан ўз номидан контрактлар имзолаш (фақат сотувчи ҳисобига) ҳуқукларни берилади.

Комиссионерлик воситачилиги комиссионерларнинг битимлар шартларига оид ваколатлари акс эттирилган шартномалар асосида ташкил этилади. Шартномага кўра улар ўз ваколатларини оширишлари туфайли содир бўлган заарлар учун моддий жавобгар бўладилар.

**Савдо агентлари.** Асосий воситачилигининг фарқловчи хусусияти вакиллик ва оддий воситачилик вазифаларининг бир вактда бажарилишидир. Савдо агенти вазифасини бажарувчи фирма, шахс ва ташкилотлар экспорт ва импорт қилувчилар номидан шартнома асосида иш юритадилар ёки битимлар тузадилар, яъни сотувчилар ва ҳаридорлар вакиллари вазифасини бажарадилар.

Савдо агентларининг фаолияти, одатда мажбуриятлар ва иш шартларини назарда тутувчи агентлик битимларига асосланади.

**Сотувчи воситачилар (дистрибутерлар).** Дистрибутерлар бошқа воситачилардан фарқ қилиб, сотувчилар ва ҳаридорлар билан шартномалар тузиб, кенг доирадаги вазифаларни бажариб ўз номи ва ҳисобидан товарларни қайта сотиш билан шугулланади. Масалан, товарларнинг бузилиши ва йўқотиши, ҳаридорлар берган кредитлар бўйича барча таваккалларни ўз зиммасига олади.

У товарни сотиш баҳолари ва шартларини белгилаши мумкин.

Дистрибутерлар товарларни реклама килиш билан шуғулланадилар, товарларга сотишдан олдинги хизмат кўрсатиши ва уни маромига етказишини амалга оширадилар, Машиналарга техник хизмат кўрсатишини таъминлайдилар, худудларда сотиш тармоғини ташкил этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ташки савдо ташкилотлари тижорат ишида кўпчилик хорижий мамлакатлар дистрибутерлари хизматидан фойдаланади.

Воситачилар фаолиятининг мазмунни ва ҳарактери кўп жиҳатдан улар бажараётган вазифалар ва уларнинг хукуқий ҳолатига боғлик бўлади.

Сотувчилар ва воситачилар муносабати шартнома ва улардан келиб чиқувчи хукуклар асосида ташкил этилади.

Шартномаларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- шартнома комиссиялар, буларнинг шартларига кўра воситачи ўз номидан аммо экспорт-импорт қилувчи ҳисобига хорижий фирма билан шартномалар тузиб, комиссион тақдирлар сони;
- шартномалар етказиб беришлар, бунда воситачига товарни ўз номидан ва ўз ҳисобига сотиб олиш, ишлардан ажратмалар олиш хукуқига эга бўлади;
- шартнома-топшириқ, воситачига ўз номидан ва экспорт ёки импорт қилувчи ҳисобига тегишли тақдирлаш эвазига контрактлар тузиш хукукини беради;
- оддий ва агентлик воситачилик битимлари.

Тегишли шартнома шартлари асосида мутлақ бўлмаган ва мутлақ (монопол) сотиш хукуки, шунингдек сотишка афзаллик хукуки (биринчи кўл хукуки) фарқланади.

Мутлақ бўлмаган хукук воситачиларга маълум номенклатурадаги товарларни шартномада белгиланган муддат давомида айтиб ўтилган худудларда сотишларига имкон беради. Бу хукук экспорт қилувчилар янги бозорга чиққанларида кўлланади ва самарали фаолият кўрсатувчи ва истикболли шерик (ҳаридор)ни танлашни мақсад килиб олади.

Воситачининг мутлақ хукуки экспорт қилувчига битимда келишилган рўйхат бўйича товарларни мазкур худудларда мустакил ёки воситачилар орқали сотишни ман этади. Бу хукукка кўра воситачи

бозордаги монополист хисобланади. Бу уни фаолият кўрсатишга, сотув тармогини ривожлантириш ва шу кабиларга рагбатлантиради.

Воситачининг мутлақ ҳукуки экспорт қилувчи учун ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Ижобий томони шундаки, мутлақ ҳукукининг воситачига берилиши уни бозорни эгаллаш ташвишидан халос этади. Салбий томони – қандайдир сабабларга кўра воситачининг қизиқишлиари сўнса, бозорни тўсиб қўйилиши (блокировка қилиниши) мумкин. Бундай ҳолатларнинг рўй бермаслиги учун шартномага кафолатлар киритилади, товарларни сотиш ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш, сотишнинг назорат миқдорлари бажарилмаган ҳолда муддатидан олдин бекор килиш ва шу кабилар назарда тутилади.

Сотишдаги афзаллик ҳукуки. Бу ҳукукка кўра воситачи сотиш буюртмасини биринчи бўлиб олади.

Воситачиларнинг товарларни сотишга алоқалар фаолиятлари маълум сарфларни талаб киласди, жумладан:

- маъмурий чиқимлар, бунга бино, ускуна, автотранспортни сақлаш харажатлари ҳам киритилади;
- божхона ва транспорт харажатлари;
- реклама харажатлари;
- соликлар ва бошка тўловлар.

Жаҳон амалиётида воситачилар хизматини тақдирлашнинг олти усулидан фойдаланилади.

1. Экспорт қилувчи баҳолари ва товарларни сотиш баҳолари ўртасидаги фарқ тарзида ҳак тўлаш.

2. Воситачи фойдасига экспорт баҳоларидан фоизлар хисоблаб ўтказиш.

3. Арапаш шакл (I ва II).

4. Белгиланган тақдирлаш. Воситачи алоҳида хизматлар (реклама, бозорни тадқиқ килиш ва маслаҳат бериш ва бошқалар)ни бажарганда кўлланади.

5. «Cost +» тизими бўйича рагбатлантириш – келишилган харажатларни тасдикловчи ҳужжатлар бўйича ҳак тўлаш, келишилган суммага оширилган (иш, хизматлар суммасидан фоизлар). Бу назарда тутилаётган сарфлар суммасини олдиндан аниклаш қийин ҳолларда кўлланади.

6. Хизмат, мажбуриятларни яхши бажарганлик, ташаббусга тадбиркорлик учун кўшимча тўловлар.

Воситачилар билан уларнинг хизматлари учун ҳисоб-китобни икки усулида фойдаланилади, биринчиси – товарлар учун экспорт қилувчилар тўловлари суммасидан ушлаб колиш, иккинчиси сотилган товарлар учун тўловлардан сотувчиларга моддий такдирлар ўтказиш.

Воситачиликни янада ривожлантириш йўлидаги ички рағбат фаолияти давлат моддий ресурслари билан таъминланмайдиган кичик корхоналар ва хўжаликни юритишининг бошқа янги шаклларини ташкил этилиши бўлди.

Ташки иктиносидий фаолиятдаги воситачилик ўз ривожида икки даврни босиб ўтди.

Биринчи давр бу фаолиятдаги демократиялашув бошланишидан олдин ўтган бўлиб, расмий тусда бўлган, чунки ташки савдо марказлашган ҳолда амалга оширилган. Экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчилар унда деярли қатнашмаганлар. Бу даврда воситачилик вазифасини вазирлик ва маҳкамалар бажарганлар.

Иккинчи давр – корхона ва ташкилотларнинг ташки бозорга мустақил чикиши бўлиб, бу жараёнда воситачилик хизмати билан шуғулланадиган иктинослашган ташкилотлар пайдо бўла бошлади.

Бозор иктиносидётини ташкил этилиши билан воситачилик фаолиятининг янги шакл ва турлари ривож топди, жумладан, ташки иктиносидий фаолиятда воситачилик билан биржалар, айrim жисмоний шахслар шуғуллана бошлади.

Воситачилик хизматларининг ривожланиш жараёнларини тезлаштириш максадларида унинг юридик асосларини соддалаштириш, ташки иктиносидий фаолият билан шуғулланиш учун амалдаги рухсат олиш тартибини рўйхатга олиш тартиби билан алмаштириш, бошқа тўсиқларга барҳам бериш лозим бўлади.

МДҲ мамлакатларида воситачилик фаолиятини ривожлантиришни жадаллаштиришни талаб этувчи объектив сабаблар қўйидагилардир:

а) бозор муносабатларига ўтиш, бу жараёнда саноат маҳсулотлари ва товарларни фондлаш ва тақсимлаш билан эркин савдо шуғулланади;

- б) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бу маҳсулотни сотишнинг янги шакл ҳамда каналларидан фойдаланишини такозо этади;
- в) муомала соҳасига бозор шароитидаги иш тажрибасига эга бўлмаган, ундаги қоидалардан бехабар тадбиркорлар армиясининг жалб килинишидир.

Ҳозирги кунда МДХ республикаларида воситачиликнинг ёрқин ифодаланган учта шакли кўзга ташланади. Биринчиси анъанавий – бу ҳозирча сакланиб қолган ҳарбий саноат комплекси, давлат аҳамиятига эга бўлган корхоналар (авиация, флот, темир йўл, алоқа тизими, маориф, тиббий ва коммунал хизмат ва бошқалар) ни иш билан тъминлайдиган давлат тъминот-сотиш ташкилотлари. Иккинчиси – брокерлик конторалари тармоғини камраб олувчи биржа савдоси тизими. Учинчиси – воситачи корхона ва ташкилотлар. Бунга воситачилик хизматларининг айrim турларини кўрсатувчи ихтисослашган ташкилотлар ҳам, масалан, савдо-саноат палатаси ташкилотлари ва хўжалик юритишнинг янги кенг ривож толған ташкилий шакллари: уюшмалар, кичик корхоналар ҳам киради.

Айтиб ўтилган шаклларнинг барчаси яқин истиқболда сакланиб колса керак. Аммо бу шаклларда маълум ўзгаришлар содир бўлишини ҳам кутиш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг кенг хусусийлаштирилиши, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар тажрибасига кўра фикр юритадиган бўлсак, тъминот-воситачилик вазифаларини бажарувчи улгуржи омборлар тармоғини ташкил этувчи уюшма, бирлашмаларнинг таркиб топишига олиб келади. Масалан, дўкон ёки нонвойхона эгасига унни биржага бориб ҳарид килгандан кўра воситачидан олиши кулайроқдир. Бунинг устига воситачи керакли ҳажмдаги унни етказиб беришни зиммасига олиши мумкин.

Биржалар ракобати, унинг белгилари кўзга ташланмоқда табиийки, уларни яшаш йўлларини излашга мажбур қиласди. Биржа савдосида қандай ўзгаришларни кутиш мумкин? Ракобат натижасида биржалар сони камаяди, биржалар уюшмаси таркиб топади, бу ҳозир содир бўлмоқда. Брокерлик конторалари сони камаяди.

Биржа ташкилотлари сонининг камайиши ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги бевосита алоқаларнинг ривожланиши таъсирида ҳам содир бўлади. Бундан ташқари, ташкилот ишлаб чиқарувчилар ўз савдо агентликлари тармоғини ривожлантиришлари ҳам мумкин. Бу ўринда хорижий мамлакатларнинг йирик компаниялари воситачилар хизматидан фойдаланишини истисно қилувчи ўз таъминот сотиш каналлари тармоғига эга бўлишини маъкул кўришларини айтиш мумкин, бу маълум фойда келтиради, бозорнинг жорий ахволидан нисбатан мустакил бўлиш имконини беради.

Хусусий воситачилар – жисмоний шахслар ва яширин биржа воситачилик фаолияти унсурларнинг тақдирни қандай? Яқин орада уларнинг йўқ бўлиб кетишига умид қилмаса ҳам бўлади. Кўпгина мамлакатлар (АҚШ, Япония, Полша ва бошкалар) тажрибаси далолат беришича, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида одатда чайковчилик ва яширин битимлар авжига чикади. Бу содир бўлиши мукаррар кўнгилсизликдир. Ҳозир биз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. У бозор муносабатлари қарор топган, ишлаб чиқариш баркарорлашган, тадбиркорликнинг бошка турлари билан шуғулланиш фойдалирок бўлган ҳолларда йўқ бўлади.

Улгуржи товар айланиши улгуржи савдо корхоналарининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг ҳажми, таркиби ва товар ҳаракатиниг шаклларига боғлик ҳолда улгуржи савдо корхонаси хўжалик фаолиятининг бошка кўрсаткичлари аникланади (харажатлар, даромадлар, фойда ва х.к.). Улгуржи товар айланиши товарларнинг иқтисодий айланмасини якунламайди, балки уларнинг истеъмолчилар томон давомли ҳаракатини акс эттиради. Улгуржи товар айланиши товарларнинг иқтисодий айланмасини якунламайди, балки уларнинг истеъмолчилар томон давомли ҳаракатини акс эттиради. Улгуржи товар айланиши деганда, корхона ва ташкилотлар томонидан муайян вакт оралиғида бошка корхона ва ташкилотларга кейинчалик қайта сотиши ёки қайта ишлаши учун сотилган товарлар ҳажми тушунилади. Яъни, улгуржи товар айланиши деганда, корхоналарда сотилган барча товарлар ҳажми эмас, балки қайта сотиш ҳажми назарда тутилади.

Улгуржи товар айланиши куйидаги белгилари бўйича фарқланади:

- товар ресурсларининг белгиланган йўналишлари бўйича;

- ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига товар ҳаракатининг шаклларига қараб;
- етказиб берилган товарлар учун саноат корхоналари, улгуржи ва чакана савдо корхоналари хамда бошқа истеммолчилар ўртасидаги хисоб-китоблар характерига кўра.

Товар ресурслари йўналишига қараб улгуржи товар айланиши куйидагиларга бўлинади: харидорларга товарлар сотиш бўйича улгуржи товар айланиши; вилоятлар ўртасидаги улгуржи товарлар айланиши; турли савдо билан шуғулланувчи тизимлар ўртасидаги улгуржи товар айланиши; тизим ичидаги улгуржи товар айланиши.

Улгуржи товар айланишининг асосий кўрсаткичлари куйидагилардан иборат бўлади (11-жадвал):

- улгуржи товар айланишининг умумий ҳажми;
- омбор улгуржи товар айланиши;
- транзит улгуржи товар айланиши;
- товар захираси (давр бошига ва охирига);
- товарларни келиши.

#### **11-жадвал**

#### **Ўзбекистонда улгуржи савдо ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Улгуржи савдо товар айланмасижами млрд.сўм	26749,1	30413,0	38301,6	42185,9	63528,5	93322,8
Товар захиралари(йил охирида),млрд.сўм	6659,3	7780,1	9489,9	10763,3	13166,7	14316,5
Товар захираси кунларда	90	92	89	92	75	55
Улгуржи товар айланмасининг ўсиш суръати,%	111,0	107,1	116,5	94,0	126,98	128,6

Ушбу кўрсаткичлар барчаси товар ассортименти бўйича ҳам хисоб китоб ва таҳлил қилинади, режалаштирилади, прогнозлаштирилади. Юкорида келтирилган кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро боғликликда, чунки уларни бир қисми ресурс, яъни таклиф кўрсаткичларини ифода қиласи, иккинчи қисми эса талаб микдорини белгилайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида улгуржи товар айланишини иқтисодий таҳлил қилишнинг максади куйидагилардан келиб чиқади: биринчидан, улгуржи савдо корхоналари ўзининг барча харажатлари, тўловлари ва соликларни қоплаб, келгусидаги ривожланишини таъминлай оладиган даражада фойдага эришиш лозим; иккинчидан, улар улгуржи корхоналарга хос бўлган вазифаларни бажаришлари керак. Ҳозирги шароитда улгуржи товар айланишини таҳлилиниң максади факатгина улгуржи товар айланишининг ўзгариш тенденциярини тадқиқ қилиш эмас, балки ушбу жараёнларни зарурий даромадга эга бўлиш нуқтаи назаридан ўрганиш, товарларниң ишлаб чиқаришдан чакана савдо корхоналари ва бошқа истеъмолчиларгача харакатининг ташкил этилишини баҳолаш хисобланади.

11-ждавал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014-2019 йилларда улгуржи савдо товар айланмаси 66573,7 млрд. сўмга ёки 348,9 фоизга ёки 3,5 марта ўсган. 2014 йилда 26749,1 млрд. сўмлик улгуржи товар айланмаси бўлган бўлса, 2019 йилда 93322,8 млрд сўмни ташкил этган. Улгуржи савдо ташкилотларининг товар захиралари 7657,2 млрд. сўмни ташкил этган.

Улгуржи савдо корхоналарида маҳсулотлар захираси нормасининг иқтисодий моҳиятини куйидагича изоҳлаш мумкин. Улгуржи савдо корхонаси истеъмолчи буюртмасига мос, ассортиментни буюртмада кўрсатилган микдорда шакллантириш талаб қилинади. Бунда улгуржи савдо корхонаси томонидан товар моддий ресурсларни саралаш, қадоқлаш, тайёрлаш, юклаш, жўнатиш ва хужжатларни расмийлаштириш билан боғлик жараёнлар бажарилади.

Истеъмолчи буюртмаси бажарилгандан сўнг, захирани тўлдириш масаласи кўйилади. Бу ерда захирани тўлдириш учун таъминотчиларга канча микдорда буюртма бериш кераюлиги, буюртмани бериш ва бажариш вактлари тўғрисида макбул карорлар кабул қилиш муаммоси юзага келади. Умумий ҳолда улгуржи савдо корхонаси томонидан товар

моддий ресурс захирасини оптимал бошқариш бўйича кирувчи ва чиқувчи буюртмалар билан бөглиқ бўлган логистик операциялар комплекси бажарилади. Улгуржи савдо корхонаси томонидан ушбу жараён ва функцияларни самарали бажариш учун захира хажми, буюртма микдори, буюртмани бериш ва бажариш вақтларининг илмий-иктисодий, техник-технологик ва ташкилий-таркибий жиҳатдан асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал қилиш вазифаси ҳам вужудга келади.

Худудларда ташкил этилаётган эркин иктиносий худудлар, кичик саноат худудлари, логистик марказлар, омбор хўжаликлари худудлар ўртасида товар моддий ресурсларининг бир текисда тақсимланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, саноатлашган худудлардаги корхоналарга ҳом ашё, эҳтиёт қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар факат ички манбалардан эмас, балки ташки манбалардан ҳам келтирилади. Бунда юкларни келтириш, ташиш, саклаш, партияларга ажратиш, етказиб бериш муҳим функциялардан ҳисобланади. Ушбу жараёнлар улгуржи савдо ташкилоти ва корхоналари томонидан юкори даражада ташкил этилиши лозим. Улгуржи савдо корхоналари сотиш сиёсатини товар тарқатувчилар билан фойдали ҳамкорлик ўрнатиш, сотиш сегментини кенгайтириш, ишончли логистика тизимини шакллантириш каби максадларга йўналтириши зарур.

## II-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон Республикаси савдо корхоналарининг иктиносий кўрсаткичлари таҳлилидан кўриниб турибдики, чакана савдо ва улгуржи савдо товар айланмалари ўсиш тенденциясини кўрсатмокда. Жумаладан, 2019 йилда Ўзбекистонда чакана савдо товар айланмаси 166094,4 млрд. сўмни ташкил этиб, чакана савдо товар айланмасининг ўсиши 109,1 фоиз бўлган. Ахоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 4946,2 минг сўм, ахоли жон бошига чакана савдо айланмаси ўсиш суръати 107,1 фоизни ташкил этмоқда. Чакана савдо товар айланмасининг 58,4 фоиз (96951,5 млрд. сўм) ноозик-овқат маҳсулотлари ва 41,6 фоиз (69142,9 млрд. сўм) озик-овқат

маҳсулотларига тўғри келмокда. Ҳудудлар бўйича чакана савдо товар айланмаси Тошкент шаҳар (38228,9 млрд. сўм), Тошкент вилояти (17410,0 млрд. сўм), Самарқанд вилояти (13877,3 млрд. сўм), Фарғона вилояти (13744,3 млрд. сўм) юкори бўлса, Сирдарё вилояти (2872,6 млрд. сўм), Кароқалпогистон Республикаси (5705,8 млрд. сўм) ва Жиззах вилояти (5883,0 млрд. сўм) чакана савдо товар айланмаси паст кўрсаткичга эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ултуржи савдо ташкилотлари ва корхоналарининг ултуржи савдо товар айланмаси 2019 йилда 93322,8 млрд. сўм бўлиб, ултуржи товар айланмасининг ўсиш суръати 128,6 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур бобдаги таҳлиллар натижасида савдо корхоналарида куйидагиларни келгусида амалга ошириш максадга мувофиклиги белгилаб олинди:

1. Чакана савдонинг савдо объектлари бўйича туманларда минимаркет, супермаркет ва гипермаркетларни кўпайтириш. Чакана савдо товар айланмасини ихтисослашган буюм ва озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида босқичма-босқич камайтириб бориш лозим.

2. Ҳар бир ҳудуднинг имкониятларини ўрганиб, замонавий савдо марказлари ташкил этиш. Савдо марказлари инфратузилмасини бошқа хизмат кўрсатиш шахобчалари билан боғлаш. Жумладан, меҳмонхоналар, майший хизматлар, автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчалари ва уларга сервис кўрсатиш, ултуржи омборхоналар, логистик компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Иктисадий эркин зоналар, кичик саноат зоналари, логистик марказларда ултуржи-тақсимот инфратузилмасини шакллантириш.

## **Ш-БОБ. САВДО КОРХОНАЛАРИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛНИШИДА МАРКЕТИНГ ВА ЛОГИСТИКАНИНГ ЎРНИ**

### **3.1. Савдо корхоналари тижорат фаолияти ривожланишида маркетингни ўрни ва замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш**

Маркетинг – бу бозорда самарали фаолият кўрсатишнинг мужассамлашишидир. Бу атама дастлаб 1902 йилда АҚШда пайдо бўлган, 20 йилдан кейин эса бу атамадан жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари фойдалана бошладилар. Маркетинг “бозор билан боғлиқ фаолият” маъносини англатади, лекин бу тушунчанинг маъноси жуда кенгdir.

Маркетинг – айирбошлиш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча қатнашувчиларнинг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларни, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир. Дунё амалиётида маркетинг бирданига пайдо бўлган эмас. Бу – ишлаб чиқариш ва сотишнинг максади, вазифалари ва ривожланиш услубларига менежерларнинг кўп йиллик эволюцион қарашлари натижасидир.

Маркетинг – мураккаб динамик кўп қиррали тушунчадир, бу эса маркетингга тамоман универсал тавсиф бериш мумкин эмаслигидан далолатдир. Сўнгги йилларда чоп этилган маркетингга доир адабиётларда маркетингнинг жуда кўп тарифлари берилган. Улардан баязи бирларини келтиришни лозим топдик.

Таникли Америка олими – маркетолог Ф. Котлер маркетингнинг таърифини куйидагича ифодалайди: Маркетинг – товарларни яратиш, таклиф этиш ва айирбошлиш асосида айrim олинган киши ва ва гурухларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иқтисодий бошқарув жараёнидир.

Бошқарув муаммолари бўйича етакчи назариётчи олимлардан бири Петер Друккернинг таърифи куйидагича: Маркетингнинг максади сотишга қаратилган ҳаракатларини йўқ килишдан иборатдир. Унинг

максади харидорларни шундай ўрганиш ва тушунишдан иборатки, товар ва хизматлар унинг талабига айнан мос түшиб, кировардида ўзини-ўзи сотади.

Француз маркетинг мактабига кўлланиладиган таъриф ҳам Петер Друккер таърифига жуда якин туради. Унга кўра: Маркетинг – бу сотиши таъминлаш ва сотувга товарлар ва хизматларни истеъмолчиларнинг талабига мос ҳолда чиқариш орқали уларнинг талабини кондириш максадида ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуудир.

Америка Маркетинг Ассоциациясининг 1985 йилда маркетингга берган таърифи эса қуйидагича: “Маркетингнинг мохияти инсонлар ва ташкилотлар талабини кондириш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товарлар ҳаракати ва сотилишни уюштиришdir ”. Келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики маркетинг серкирра жараёндир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти юкори даражага кўтарилиган мамлакатларда маркетинг тамойиллари оддий товар ишлаб чиқаришдан бошлаб то мураккаб технологиягача бўлган жараёнларда яқол кўринмоқда. Бугунги бозор иқтисодиёти чукурлашиб бораётган шароитда фирмалар, корхоналар ва бошқа бозор субъектларининг ракобатда бардош бериб, самарали фаолият кўрсатишининг бирдан-бир йўли маркетинг имкониятларидан кенг фойдаланиш эканлиги хеч кимга шубха туғдирмайди.

Машҳур иқтисодчи Адам Смит XVIII асрнинг иккянчи ярмидаёқ ўзининг “Жамият бойлиги ” номли китобида ишлаб чиқарувчининг истеъмолчининг талабини кондиришдан бошқа қагуси йўқдир – деб ёзган эди.

Маркетинг атамаси Америка Кўшма Штатларида 19 асрнинг бошларида вужудга келди ва 50-йиллардан бошқарувнинг етакчи омили сифатида кўлланила бошлади.

Маркетинг 19 асрнинг охири ва 20 аср бошларида харидор талабини кондиришга мўлжалланган, корхоналарнинг ишлаб чиқариш – сотиш, савдо фаолиятларини ташкил килиш ва бошқариш тизими сифатида пайдо бўлган.

Ишлаб чиқариш ва умуман хўжалик юритишга маркетинг нуктаи назаридан ёндашиш харидорга таъсир қилишнинг хўжалик жабҳаларини ўз ичига олади. Бу бозор учун бўлган ракобат курашининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга олиб келади. Бозор доирасида сабаб-натижка алоқаларини таҳлил қилишнинг маҳсус усуллари қўллаб, харидорлар талаби эҳтиёжи, диди ва таъби тўғрисида ахборотлар топиб, корхона ва ташкилотлар, маркетинг концепцияси у ёки бу товарга ва хизматга харид қизиқишини шакллантириш учун иқтисодий, ташкилий техник ва ижтимоий йўналишларни ташкил қилади. Улар талабни мумкин бўлган ривожланиш истиқболини аниқлайдилар, уни мақсадли йўналишини шакллантириш учун қарорлар қабул қиласидилар ва кўрилган тадбирлар самарадорлигини албатта назорат қиласидилар. Харид масалага маркетингли ёндашишдаги ҳар томонлама таҳлилнинг ўзига хослиги, бозордаги юз берадиган жараёнларни ҳисобга олишгина эмас, балки ишлаб чиқариш корхоналари, товарларни етказиб берувчи воситачилар, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ва улар билан боғлик бошқа барча ташкилотларнинг бозор бўғинлари тизимидағи оператив ва узок вактга бошқа барча ташкилотларнинг бозор бўғинлари тизимидағи оператив ва узок вактга мўлжалланган аниқ мақсадларини ўзгаришини таҳлил қилишdir. Маркетинг хўжаликнинг маълум бир тармоғига масалан ишлаб чиқаришга ёки савдоға таалукли деб ўйлаш хотүгри бўлир эди. У бозорга хизмат кўрсатувчи барча хўжалик субъектларини ўз ичига олади ва улардан биргаликда ва яхлит фойдаланилганда, биргаликдаги фаолиятнинг сўнгти натижаси учун умумий стратегик йўналиши мавжуд бўлган ҳолдагина унинг восита ва усуллари самарали натижада беради.

Мамалакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб борар экан, эҳтиёжлар бозорини тўлдириш жаҳон бозорига сифатли маҳсулотларни етказиб беришга катта аҳамият берилмоқда. Бизнинг иқтисодий фаолиятимиз ҳам жаҳон бозоридаги ўрнимиз, маҳсулотларимизнинг ракобатбардошлиги билан белгиланади. Бунинг учун эса, авваламбор, маркетинг жараёнининг барча қонун-қоидалари билиб, уларга риоя қилишимиз зарурдир.

Маркетинг ўз ичига бозорга содир бўлаётган барча олди-сотди жараёнларини, шунингдек товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчидан

истеъмолчилар кўлига ўтиш жараёнларини камраб олади.

Маркетинг – энг мувофиқ нарҳдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб харидорларга таъсир этиш йўли билан юкори даражада фойда олишини режалаштиришда ва амалга оширишда мамлакатимиздаги етакчи корхоналар ҳам унга катта аҳамияти билан карашмокда, ҳамда иктисодий фаолиятда кенг қўллашмокда. Истеъмолчининг эҳтиёжларини аниклаш ва ўрганиш, товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларни коплаш учун мослаштириш, уларнинг рекламаси билан шугулланиш, шунингдек уларни керакли жойларга мос нархларда вактида ва керакли миқдорда етказиб бериш маркетингнинг асосий вазифасидир.

Маркетинг – инглизча сўз бўлиб бозорда фаолият кўрсатиш, ишлаш демакдир. Маркетинг фирмаларнинг бозорни комплекс ўрганишга асосланган тадбирлар бўлиб, янги товарларни ишлаб чиқариш конструкцияси ва технологиясидан тартиб хизмат кўрсатиш билан боғлик барча томонларини йўлга кўйиш ҳамда бошқариш системасини ташкил киласди. Маркетинг туфайли фирмалар, корхона ва ташкилотлар истеъмолчиларнинг у ёки бу товарга бўлган эҳтиёжларини билиб оладилар, харид кобилиятини муайян товар ёки хизматига бўлган аниқ талабга айланишини вужудга келтиради, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи ўртасидаги алокаларни узок муддатли ва барқарор давом этишини таъминлайди.

Шундай килиб, маркетинг бозор соҳасида фаолият юритиш деган маънони билдиради. Ҳозирги замон маркетинг адабиётларида маркетингнинг жуда кўп таърифлари берилади. Улардан энг муҳимларини кўриб чикамиз.

Америка маркетинг асоциацияси баённомасида қайд қилинишича маркетинг ўзида хизматлар ва товарлар оқимини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчиларга томон йўналтириш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятини ифодалайди.

Британия бошқариш институтининг таърифига кўра, маркетинг ва ишлаб чиқариш ва савدونи кенгайтиришга таъсир этувчи ҳамда ишлаб чиқариш имкониятларни товар сотиш имкониятлари билан боғловчи бошқаришни ижодий фаолият тури демакдир.

Америкалик маркетинг тадқиқотчиси Ф.Котлер берган таърифига кўра маркетинг – бу айирбошлаш йўли билан киши эҳтиёжини қондиришга томон йўналтирилган фаолият туридир.

Худди шунингдек, Ж.Эванс ва Б.Берман ҳам шундай хисобладилар, яъни “Маркетинг- бу башорат қилиш, бошқариш, тақсимлаш ва айирбошлаш орқали худудлар, кишилар ва ташкилотларнинг товарларга, хизматларга бўлган талабини қондириш.

“Маркетинг”- бу товар сотиш ва хизмат кўрсатишни кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли фаолият ва тадбирлардир. Масалани оқилона – ҳал қилиш қуйидаги тартиб билан боғлик, талабни қондириш максадида товар ва хизмат кўрсатишни истеъмолчига аник тақлиф этиш; товарларга нархни тўғри белгилаш; товарларни силжитиши ва реклама уюштириш; сотиш бозорини аниглаш ва ишлаб чиқарилган товарларни тарқатиш; мўлжалланган фойдани кўлга киритиш.

Маркетингдан фойдаланишдан асосий максад белгиланган фойда миқдорини таъминлаш, бозор ва нархлар устидан назорат ўрнатишdir.

Бунга эришиш учун бозорни комплекс ўрганиш билан шуғулланадилар, истеъмолчиларни эҳтиёжларини прогнозлаштирадилар ва шунга караб товарлар ассортиментини режалаштирадилар, фаоллик билан нарх сиёсатини олиб борадилар, керакли сотиш тармоқларини ва сотиб бўлгандан кейинги хизмат кўрсатиш системаларни таъминлайдилар.

Истеъмолчилар талабини аник максадини кўзлаб шакллантириш ва уни фирманинг манфаатларига бўйсундиришдан иборат. Оддий сўз билан айтганда, “маркетинг- бу бирон бир товарни ишлаб чиқаришдан олдин шу товарнинг истеъмолчисини топиш, яъни истеъмолчиларнинг талабини ўрганиб, тақлифни ташкил этишdir”.

Маркетинг системасида товар ишлаб чиқариш, маҳсулот сотишнинг янги намуналарини яратиш соғасидаги илмий тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш, нархларни белгилаш, режалаштириш ва пул билан таъминлашни мувофиқлаштириш, шунингдек товарларни танлаш, ўраш, техникавий жиҳозлар билан хизмат кўрсатиш ва сотишни ҳам ўз ичига оладиган фирманинг бутун фаолиятини тартибга солиб туриш билан боғлик масалалар муҳим ўрин тутади.

Умуман олганда маркетинг муаммолари бўйича гарб мутахассислари уни факатгина бъзи фирма товарларини реализация килиш муаммоларини ҳал килишга ёрдам берувчи воситагина эмас, балки бутун хўжаликнинг ишлашини таъминлайдиган бошқарувнинг яхлити, кенг қамровлибозор доктринаси сифатида таърифлайдилар.

“Маркетинг” – гояларининг кўзга кўринган тарғиботчилари - америкалик иқтисодчилар Р.Креон, А.Полиц, С.Олдерсон ва Р.Кокснинг тасдиқлашларига маркетинг тузумининг “оммавий истеъмол килиш жамиятига” айланишига имкон беради. “Маркетинг” моҳиятини очишга ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодчилари ҳам ҳаракат килиб кўрдилар. Аммо, бу ерда, савдо – сотик фаолиятининг моҳиятини аниклашдаги каби улар маркетингни хўжалик юритишни капиталистик системаси билан бөгланган ҳолда бир тмонликдан холи бўла олмадилар.

Н.Е.Капустина кўйидаги талқинни келтиради: “Маркетинг бозорни ўрганишдан, унинг ҳақиқий эҳтиёжларини аниклашдан , шу асосда товар ассортиментини режалаштиришдан, товаришлиб чиқаришни ташкил этишдан, уларга бўлган истеъмолчилар талабини раյбатлантириш ва шакллантириш юзасидан тадбирларни амалга оширишдан бошлаб тайёр маҳсулотни реализация килишгача ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатишгачабўлган фирманинг барча фаолиятини ўз ичига олган комплекс воеадан иборат.

Бироқ бизнинг назаримизда, бу таъриф маркетингнинг мақсадларини ҳам, моҳиятини ҳам очиб бермайди, факатгина унинг функцияларини акс эттиради. Г.Г.Абриашвили маркетингни фирманинг ишлаб-чиқариш сотиш фаолиятига бўлгани бозор йўналишини таъминловчи бошқарув концепцияси сифатида таърифлайди: “Бу сотиш бозорларини ўрганиш, ишлаб чиқаришни уларни талабларига мослаштириш бўйича яхши йўналтирилган фаолиятни , истеъмолчиларга фаол таъсирутказишни кўзловчи бошқарув системасидир” деб кўрсатиб ўтади.

А.В.Орлов маркетингни самарали савдо-сотик сиёсатини таъминлайдиган воситалар ва услублар системаси сифатида талкин киласди. Унинг таъкидланишича , бозор йўналишининг бу системаси айниқса янги товарларнинг истеъмол характеристикасини тадқиқ килишни харидорларнинг бозорларини, сотиш бозорларини, уларнинг

ҳажмини ўрганишни, рекламадан, нархларни моҳирона созлашдан ва ҳоказолардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Бирок маркетингнинг бу талкинида ишлаб чиқариш сиёсати ўз аксики топмаган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, маркетинг – жуда серкирра жараёндир. Бу бозор муносабатлари субъектларининг, шунингдек, таъминотчилар, амалий иқтисодчилар, олимлар, бутун ташкотлар, ҳатто ҳукумат идораларининг бозор фалсафаси, фикрлаш стратегияси ва тактикаси фаолиятидир. Бошқа томондан, маркетинг харакатчан, ўзининг кўлланилиши, фаолият кўрсатиш вакти, атрофдаги бозор мұхитининг параметрлари ва албатта, мақсадли истеъмолчилар гурухларига боғлик ҳолда ўзгаради. “Маркетингнинг моҳияти шундан иборатки, у нафакат ишлаб чиқаришни тақомиллаштиришнинг энг мүхим йўналиши, балки мураккаб ижтимоий- иқтисодий жараёндир”.

Ушбу жараённинг мүхим мақсади харидорлар эҳтиёж ва талабларининг энг тўлиқ қондирилишини таъминлаш бўлиб қолмокда. Шунинг учун маркетингни эҳтиёжларни аниклаш ва ишлатиш, ушбу эҳтиёжларга мувофик маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш ва тақомиллаштириш ҳамда шунинг асосида корхонанинг тижорат мақсадларига эришишни таъминлаш усули деб ҳам белгилаш мумкин.

Маркетинг мақсадларини узоқ муддатли ва киска муддатли турларга бўлиш мумкин. Улар иқтисодий кўрсаткичлар ва фирманинг ўхшаш маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар орасидаги мавқеи билан белгиланади.

Маркетингнинг асосий тасдиқланган мақсади бўлиб, инсон эҳтиёжларини қондиришдан иборат эканлигини хисобга олган ҳолда маркетинг тизимининг ҳақиқий мақсади нима? деган саволга умумлашган тарзда тўртта муқобил жавоб мавжуд:

1. Максимал юқори истеъмолга эришиш.
2. Истеъмолчиларнинг максимал қондирилишига эришиш.
3. Максимал кенг танлаш имкониятини таъминлаш.
4. Ҳаёт сифатини максимал кўтариш.

Маркетинг ишига таяниб фирмалар ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари, керакли технология, ишлаб чиқариш қувватлари

кабиларни чамалаб оладилар. Хулоса килиб айтганда, маркетинг кўп киррали иш бўлиб, фирма фаолиятининг етакчи томонларини камрайди.

Маркетинг концепциялари –тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ҳар хил босқичларида унинг йўналишини белгилайдиган карашлар тизимидан иборатдир. Шу билан бирга маркетинг концепцияси деганда корхонанинг ташқилотнинг ёки кишининг истеъмолчиларга мўлжалланган, интеграциялашган мақсадли фалсафаси тушунилади.

Маркетинг эволюциясининг биринчи йирик босқичини 20 асрнинг бошидан 30-йилларининг ўртасигача деб хисоблаш қабул килинган. Бунда маркетинг ташқилотлар, корхоналар ва шахслар ўртасидаги товар ва хизматлар харакатининг назарияси ёки маҳсулотни сотиш бўйича корхонанинг функцияси деб тушунилади. Шу вактда кетма-кет иккита концепция пайдо бўлди: ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва товарни такомиллаштириш.

Маркетинг концепцияси режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган фирма фаолиятининг стратегик таҳлили асосида ишлаб чиқилади. Маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш одатда қўйидаги босқичларни қамраб олади:

- Ички ва ташқи муҳит стратегик таҳлилини амалга ошириш;
- Маркетинг фаолияти ва корхонанинг мақсадларини аниклаш;
- Маркетинг стратегиясини аниклаш;
- Режалаштирилаётган натижаларга эришиш мақсадида маркетинг фаолияти элементларини танлаш.

Маркетинг концепцияси ишлаб чиқариш ва таклиф этилаётган товарларга бўлган талабни ривожланиш даражасига боғликлиги жиҳатидан эволюцион тараққиёт босқичини кечди.

Маркетинг ва тадбиркорлик соҳасида дунё илми ва амалиёти маркетинг эволюциясида қўйидаги концепцияларни асослади ва тавсия этди:

- Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси;
- Товарни такомиллаштириш концепцияси;
- Тизкорат харакатларини жадаллаштириш концепцияси;
- Анъанавий маркетинг концепцияси;

- Ижтимоий-аҳлоқий маркетинг концепцияси;
- Ўзаро алоқавий маркетинг концепцияси;
- Маркетинг бошқаруви концепцияси;
- Стратегик маркетинг концепцияси;
- Муносабатлар маркетинги концепцияси;
- Макси-маркетинг концепцияси;
- Ракобат концепцияси;
- Мега-маркетинг концепцияси.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси ўз ҳаракатини маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига маҳсулот бирлигининг таннархини пасайтириш максадида ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг оптималлашувига каратади. Бошка сўз билан айтганда, кенг тарқалган ва нарх жиҳатидан қулай бўлган товарларга нисбатан марҳаматли бўладилар. Шунга кўра бу концепция эътиборнинг асосий обьекти килиб ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва тақсимоти тизимининг самарадорлигани танлади. Максадга эришишнинг етакчи воситалари сифатида ишлаб чиқариш миқёсларини көнгайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш тавсия этилади.

Мазкур концепция – бизнеснинг энг қадимий концепцияларидан биридир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган ёндашув корхона раҳбариятини кам ҳаражатлар ва ресурслар сарфлаш оркали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ундейди. Бугунги кунда бундай ёндашув аксарият ривожланаётган мамлакатлар, майший-техника ва компьютер саноати учун хосдир. Масалан, компаниялари майший техника буюмлари ишлаб чиқариш ва сотишида етакчиликни кўлдан бермаслик учун Хитой ва Жанубий-шаркий Осиёнинг улкан ва арzon ишчи кучидан фойдаланади. Маркетологлар ҳам ушбу концепциядан бозорни көнгайтиришда кўллайдилар.

Товарни такомиллаштириш концепцияси маҳсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини оширишга алоҳида аҳамият беради. Бунда асосий тезис сифатида истеъмолчилар энг юқори сифатли, энг яхши эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган товарга нисбатан хайриҳоҳ бўладилар, деган тушунчани илгари сурадилар. Асосий диккат эътибор товарга каратилади, шунинг учун ҳам маркетинг ҳаракатлари

товар сифатига, анигроги унинг модернизациясига қаратилди. Товарни такомиллаштириш концепцияси маҳсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини оширишга аҳамият беради. Бунда асосий тезис сифатида истеъмолчилар энг юкори сифатли, энг яхши эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган, инновацион товарга нисбатан хайриҳоҳ бўладилар, деган тушунчани илгари сурадилар. Асосий дикқат эътибор товарга қаратилади, щунинг учун ҳам маркетинг ҳаракатлари товар сифатига, анигроги унинг модернизациясига қаратилади.

Тижорат ҳаракатларини жадаллаштириш концепцияси сотиш ва сотишларни рағбатлантириш соҳасида етакчи ҳаракатларни амалга оширмаса, истеъмолчилар фирманинг товарларини керакли миқдорда сотиб олмайдилар, деб ҳисоблайди. Фирманинг асосий мақсади – сотилишлар хажмининг ўсиши ҳисобига фойда олиш, сотиш ва хизмат кўрсатиш технологияси ва сотиши рағбатлантириш бўйича тижорат жараёнларини жадаллаштириш.

Вакт ўтиши билан маркетинг моҳияти товар ва нарҳ сиёсати, тақсимлаш, силжитиш ва сотиш жараёнларининг мажмуи сифатида тобора кўпроқ тушунилиб боряпти. “Маркетинг аралашмаси” деб таржима килинган маҳсус “маркетинг-микс” атамаси киритиляпти. Кейинги умумий маркетинг концепцияси маркетинг-микс концепциясига айланади, асосий эътибор истеъмолчилар эҳтиёжларига ва уларнинг самарали қондирилишига қаратилади. Энди якуний натижада эриши, яъни фойда олиш. Товар ва бошқа бир катор омиллар ва маркетинг ҳаракатлари воситасида (маркетинг-микс) истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга узвий боғланиб қолди.

Маркетинг ривожланишининг учинчи энг сифатли босқичи таҳминан 80-йилларининг ўрталарида бошланди ва ҳозирги вактда ҳам давом этмоқда. Бу ерда стратегик, ижтимоий йўналтирилган, индивидуал маркетинг, маркетинг муносабатлари, катта ижтимоий групҳлар маркетинги – мезо – ва мега – маркетинглар концепциялари хукмонлик қиласи. Истеъмолчилар дунёнинг ягона маркази бўлмай қолади. Бунда учта омилнинг мувозанати вужудга келади. Фирманинг фойдаси, харидорларнинг эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари.

Тижорат фаолиятини такомиллаштириш концепцияси истеъмолчилар корхона ишлаб чиқарган товарларни сотиш билан

боғлиқ турли рағбатлантириш тадбирларини кўлламагунларига қадар етарли микдорда сотиб олмайдилар деган гояга асосланади. Бу амалиётда беихтиёр харид қилинадиган ёки сотиладиган товарларга нисбатан кенг кўлланилиб, мижозларни харид қилишга “мажбурлаш”га қаратилган. Ушбу концепциянинг таъкидлашича, товарларни харид қилишга мажбурлаш келгусида мижозларнинг такрорий харид килмаслигига, корхона ҳақида салбий фикрлар билдиришига олиб келади. Бирок, бу товарни келгусига харид қилиш мақсадида қайтиб келиши ҳам мумкин.

Стратегик маркетинг концепцияси асосида истеъмолчилар ва ракобатчиларга йўналтирилганлик ётади. Стратегик маркетинг мазмуни истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш ва бир вактнинг яхшироқ истеъмол хусусиятларига эга бўлган товарни яратиш ёки пастрок нарх қўйиш оркали ракобатчиларга нисбатан устунликка эришишдан иборат. Ракобатчиларга йўналтирилганлик истеъмолчиларга йўналтирилганликка зид бўлмайди. Аксинча, уни кучайтиради, чунки корхоналар шундай шароитга қурилганки, бозор эҳтиёжларини қондириш ишлаб чиқариш, харажатлари ва бошқа соҳалардаги ҳамма ютуқларни максимал ҳисобга олишни талаб қиласди.

Ҳозирги вактда жамият томонидан ҳал этилаётган йирик иқтисодий, хом-ашёвий энергетик ва бошқа муаммолар жамият эҳтиёжларини ва иқтисодий ресурсларга йўналтирилганликни кучайтириб, маркетингнинг истеъмолчилик концепциясини анча ўзгартириб юборди.

Сотиш сотувчининг эҳтиёжларига асосланади, маркетинг эса истеъмолчилар эҳтиёжига асосланади. Сотиш фаолияти сотувчи эҳтиёжини пулга айлантиришга, маркетинг эса мижозлар эҳтиёжини товар ва хизматлар оркали қондиришга асосланади. Бугунги кунда ҳам маркетинг концепциясига асосланган компаниялар бошқа компанияларга нисбатан турли соҳалар бўйича самарадорликка кўпроқ эришган.

Ижтимоий – ахлоқий маркетинг концепцияси шаклланиб бормоқда. У нафакат битта шахснинг, балки бутун жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Корхона фойдаси харидор

эҳтиёжлари ва жамият манфаатларининг ўзига хос мувофиқлашуви ва ўзаро боғланиши содир бўлади.

Ижтимоий-иктисодий маркетинг билан боғлиқ бўлган, катта ижтимоий жамоаларнинг давлат сиёсатининг муаммоларига диккатини каратувчи мега-маркетинг пайдо бўлди. Жамият ҳаёти ахборотлаштириш кучайган шароитда корхонанинг харидор билан бевосита муносабатда бўлиши имконияти вужудга келади. Оммавий маркетингдан алоҳидалашган маркетингга ўтиш кузатилади. Шундай йўналишлардан бири муносабатлар маркетинги (макси маркетинг) замонавий телекоммуникациявий воситалардан фойдаланган ҳолда истеъмолчилар билан индивидуал муносабатларни иложи борича мустаҳкамлашга йўналтирилади. Бу ерда узлуксиз равишда интерактив коммуникациялар ёрдамида олинган индивидуал истеъмолчи ҳақидаги билимларни амалда тадбик этиш жараёни бўлади. Бу билимлар узлуксиз ва узок муддатли ўзаро манфаатли алоқаларни таъминлаш максадида маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва силжитишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлардан кўзланган пиравард максад ахоли турмаш сифати ва фаровонлигини ошириш, юрт тинчлигини таъминлашдек шарафли ишлардир. Ислоҳотлар натижасида юртимизда ахоли бандлиги, даромадлари, ахоли харид кобилияти ва истеъмол савати, турмуш тарзи каби кўрсаткичлар йилдан-йилга юксалиб бормокда. Аҳолининг кенг ассортиментдаги истеъмол товарлари, майший-техника товарлари ва турли хил хизматларга бўлган эҳтиёжи максимал даражада қондирилмоқда. Буни эса биргина макроиктисодий кўрсаткичларимиздан бири бўлган чакана товар айланишининг ўсишидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу натижаларга эришишимизда савдо фаолиятининг ривожланиши мухим аҳамиятга эгадир. Бошқа соҳалар каби савдо соҳаси ҳам замонавий кўриниш касб этиб, янги шакл ва усуллари ривожланиб бормокда. Аҳолига кўрсатилаётган савдо хизматининг мазмuni ва моҳияти ҳам ўзгариб, хизматлар таркиби кенгайиб бормокда. Юқори сифатли савдо хизматини ташкил этиш, савдо фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг функцияларини кўллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Савдо фаолиятида маркетинг функциялари даставвал ишлаб чиқариладиган маҳсулотни самарали сотиш учун оптимал сотиш тармогини ташкил қилиш, шу жумладан, чакана ва улгуржи дўконлар тармоги, оралик саклаш омборлари, техник хизмат кўрсатиш пунктлари ва кўргазма залларини яратиш, товар ҳаракати йўналишларини аниқлаш, транспортировка, юклаш ва тушириш ишлари, таъминот тизими ва ҳоказоларни ташкил қилишдан иборат. Шунингдек савдо фаолиятида маркетинг функцияларига тижорат иши билан боғлик жараёнлар ҳам киради, яъни олди-сотди битимлари бўйича музокараларни тайёрлаш ва ўтказиш, шартномалар тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар.

Маркетинг функцияларига асосланган ҳолда савдо фаолиятини шакллантиришда бир қатор омилларни ҳисобга олишга тўғри келади:

- пировард истеъмолчиларнинг хусусиятлари, яъни уларнинг сони, концентрация даражаси, ўртача бир марталик хариднинг катталиги, даромадлар даражаси, товарларни харид қилишда хатти-харакатларнинг хусусиятлари, дўконларнинг ишлаш тартиби, савдо ходимлари хизматларининг ҳажми, кредитнинг шартлари ва бошқалар;
- продуцент- фирманинг имкониятлари, яъни унинг молиявий ахволи, рақобатбардошлиги, бозор стратегиясининг асосий йўналишлари, ишлаб чиқариш микёслари. Хусусан, товар ассортименти тор ва молиявий имкониятлари чекланган кичик фирмаларнинг мустакил савдо воситачилари орқали ишлаш афзалроқ, йирик фирмаларга эса сотиш операцияларининг муайян кисмини ўз сотиш тармоги орқали амалга ошириш тавсия этилади;
- товар тавсифи, яъни кўриниши, ўртача нархи, ишлаб чиқариш ва талабнинг мавсумийлиги, техник хизмат кўрсатишга кўйиладиган талаблар, саклаш муддатлари. Фирмаларга бевосита усул билан, ўз сотиш тармоги орқали кимматбаҳо, ноёб (уникал) товарларни фойдани воситачиларга бермаслик максадида сотиш тавсия этилади, билвосита усул билан, мустакил воситачилар орқали эса арzon, оммавий, мавсумий товарларни, омборлаштириш ва саклашни талаб этувчи товарларни сотиш тавсия этилади. Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, ишлаб чиқаришга мўлжалланган товарларнинг 80% бевосита усул билан сотилади, истеъмол товарларининг 95% эса билвосита йўл билан

сотилади. Бунда уларнинг 45—50% улгуржи савдо тармоғи орқали ўтади;

- ракобат даражаси ва ракобатчиларнинг сотиш сиёсати, яъни уларнинг сони, концентрацияси, сотиш стратегияси ва тактикаси, сотиш тизимидағи ўзаро муносабатлар;
- бозорнинг тавсифи ва хусусиятлари, яъни ҳақиқий ва потенциал сифими, урф-одатлар ва савдо амалиёти, харидорларнинг тақсимланиш зичлиги, ахоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад кабилар.

Савдо фаолиятида маркетинг функциялари доирасида амалга ошириладиган тадбирлардан энг муҳими бу талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш ҳисобланади. Савдо фаолияти амалиётидан маълумки, товар хариди харидор тўловига қобилиятли ва товар унга зарур бўлгандагина амалга ошади. Лекин товарни харид килиш учун унинг истеъмол хусусиятлари ҳакида маълумотга эга бўлиш керак. Бундан ташкири, бозорда одатда битта эҳтиёжни кондириладиган бир нечта товарлар мавжуд бўлади ва харидор улар орасидан танлашга мажбур бўлади. Истеъмол хусусиятлари номаълум бўлган товар бундай вазиятда сотиб олинмайди, ваҳоланки, инсон янгиликларга нисбатан ҳар доим бироз хавфсираш билан қарайди. Айнан ана шу тўсиқни йўқотиш талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш маркетинг тадбирининг асосий вазифаларидан биридир.

Талабни шакллантириш харидорга товарнинг мавжудлиги ҳақидаги хабарни етказиш, бу товар орқали кондириладиган эҳтиёжлар ҳакида унга маълумот бериш, бу эҳтиёжларнинг кондирилиш сифатини исботловчи далилларни келтиришдан иборат. Талабни шакллантириш тадбирлари – реклама, кўргазма ва ярмарка фаолияти, PR, шахсий сотув, инновацион маркетинг технологияларидан бўлган мерчендайзинг орқали амалга оширилади. Талабни шакллантириш тадбирлари орқали потенциал харидорлар онгида товар ҳақидаги тасаввур шаклланади, пировардидга эса харид ҳакида карор қабул килинади.

Сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган харидорга қаратилиган. Сотишни рағбатлантириш тадбирларининг вазифалари – товарни қайта харид килинишига, катта партияларда сотиб олишга, фирма ва харидор ўртасида мунтазам тижорат алоқаларини

рағбатлантиришга қаратылған. Савдо фаолиятида одатда, харидорлар ва сотувчилар (воситачилар, агентлар, дилерлар)га йўналтирилған СОР тадбирларини фарклайдилар. Харидорларга нисбатан СОР келишилған шартларда товарни харид қилаётганларга сезиларли тижорат фойдасини таклиф килишдан иборат. Бу, даставвал, қуйидаги манфаатлардир:

- а) чегирмалар — согиб олинадиган товар партиясининг ҳажми учун;
- б) «бонус» чегирмалари — муайян товар харидларининг мунтазамлиги учун;
- в) муддатни узайтириш шаклидаги кредит, бошлангич тўловнинг йўқлиги, товарни харид қилишда маълум суммадаги пул кўринишидаги «совға»;
- г) товар намунасини йирик партияни харид қилишга умид қилиб бепул тарқатиш;
- д) товарни вактинчалик «синааб кўриш» учун фойдаланишга бепул топшириш;
- е) ишлатилған маҳсулотни янги нарса учун дастлабки тўлов сифатида қабул қилиш.

СОР тадбирларига шунингдек қўйидагилар киради:

1. Потенциал истеъмолчилар вакиллари учун янги товарларнинг маҳсус тақдимотлари.
2. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга экскурсиялар.
3. Бозорга янги товарни киритишга бағишлиланган пресс-конференциялар.
4. Товарнинг янги моделини чиқаришта ўтиш муносабати билан нархларни пасайтириш.
5. Харид қилингандай товарга кўшиб бериладиган кўпон лотереялари.
6. Товар имижини шакллантириш.

Воситачиларга нисбатан СОР товарни максимал фаоллик билан сотишига, унинг харидорлари доирасини кенгайтиришга ундаиди. Воситачиларга қуйидагилар тақдим этилиши мумкин:

1. Бепул ёки имтиёзли шартлар билан сотишдан олдинги ёки кейинги хизмат кўрсатиш учун маҳсус ускуналар.
2. Бир жойдан иккинчи жойга кўчадиган сервис пунктлари ва устахоналар.

### **3. Сотиш нархидан чегармалар.**

Сотувчиларга нисбатан СОР (дўкон, намойиш заллари ва ҳоказоларнинг ходимлари) бу инсонлар томонидан сотишнинг юқори даражаларига эришишга йўналтирилган. Рағбатлар сифатида куйидагилар қўлланилиши мумкин:

1. Пул мукофотлари.
2. Қўшимча таътил.
3. Фирма ҳисобидан хордиқ чиқариш сафарлари.
4. Қимматбаҳо совғалар.

### **3.2. Савдо корхоналари тижорат фаолияти ривожланишида логистиканинг ўрия ва логистик сервис даражасини ошириш**

Логистика бу моддий, молиявий ва ахборот оқимларини жорий манбаъидан то истеъмол соҳасигача бўлган ҳаракатини режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, оптималлаштириш, назорат килиш ва мувофикалаштиришdir.

Логистик фаолият жаҳон амалиётида ички йўналиш бўйича ташкил қилинмоқда ва ривожланиб бормоқда. Логистика грекча атама бўлиб, ҳисоблаш ва фикрлаш санъати деган маънони билдиради. Хўжалик юритиш ва иқтисодий тизимлардаги логистиканинг обьекти деганда, товар-моддий ресурсларнинг физик ҳаракати ва у билан боғлик бўлган молиявий ресурслар ва ахборотларнинг максадли ҳаракати тушунилади. Логистиканинг иқтисодиётда қўлланилиши натижасида моддий ресурсларни етказиб беришдан кўриладиган самарадорлик кескин ошмоқда. Моддий ресурсларни истеъмолчига етказиб беришдан кўриладиган оддий ресурсларни истеъмолчига етказиб беришдан кўриладиган самарадорлик кескин ошмоқда.

Моддий ресурсларни истеъмолчига етказиб бериш даврида улар таъминот, ишлаб чиқариш, транспорт, омбор ва таксимот жараёнларнинг турли бўгинларида бўладилар. Бу бўгинларда моддий оқимлар бўйича турли товар операциялари бажарилганини сабабли албатта сифат ва микдор ўзгаришлари рўй беради. Бундай ҳолларда моддий оқимни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат килиш,

мувофиқлаштириш, умуман уни бошқариш талаб килинади. Логистикани бешта асосий функционал соҳалари мавжуд.

1. **Харид** (тъминот) логистикаси. Бозор иктисодиёти ривожланган давлатларда харид логистикасининг асосий мақсади ишлаб чиқаришнинг хом ашё ва моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжини максималь иктисодий самара билан тъминлашдан иборат. Бунда корхона (бизнес субъекти)ни хом ашё ва моддий ресурслар билан тъминлаш масалалари ҳал қилинади. Хом ашё ва моддий ресурслар бозори ўрганилади, етказиб берувчилар таҳлил қилинади, баҳоланади ва танланади, шартномалар тузилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади. Етказиб бериш шартлари бузилган ҳолларда етказиб берувчиларга нисбатан тъсири қилиш механизмлари ишлаб чиқилади *ва* унинг асосида рўй берган холатдан чиқишнинг оператив (тезкор) чоралари кўрилади.

2. **Ишлаб чиқариш** логистикаси. Логистиканинг ушбу соҳасига корхона доираси (ичи)да моддий оқимларни бошқариш масалалари тааллукли бўлади. Логистик операция (иш) ҳажмининг асосий қисми битта корхона худудида бажарилади. Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнидаги иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида эмас, балким корхона бошқаруви қарорлари асоенда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш логистикасининг мақсади корхона ички моддий оқимларини оптималлаштиришдан иборат бўлади.

3. **Таксимот** логистикасининг асосий мақсади мавжуд тайёр маҳсулот захирасини тақсимлаш жараёнини оптималлаштириш ёки товарни керакли жойга, ўз вактида энг кам ҳаражатлар билан етказиб беришдан иборат. Бунга сотишни режалаштириш, буюртмаларни қабул қилиш ва уларга ишлов беришни ташкил қилиш, қадоқлаш ва бутлаш ишларияни ташкил қилиш кабилар киради. Макродаражада таксимот логистикаси товар тарқатиш схемасини ишлаб чиқиши, таксимот марказларини оптимал жойлаштириш масалаларини ҳал қилади.

4. **Транспорт** логистикаси. Моддий оқим билан боғлик бўлган операциялар (ишлар)нинг асосий қисми логистиканинг ушбу соҳасига тўғри келади. Транспорт логистикасининг асосий мақсади моддий ресурсларни ташиш ва уни истетоварчига етказиб беришни оптималлаштиришдан иборат. Бу ерда транспорт тури ва типини

танлаш, ташишнинг мақбул маршрутларини танлаш, ташиш харажатларини камайтириш масалалари ечилади.

5. Ахборотлар логистикаси. Моддий оқимини самарали бошқариш учун ахборотлар оқимини самарали бошқариш талаб қилинади. Шу сабабли ахборотлар логистикасининг мақсади логистик тизим функционал соҳалари бўйича ва логистик тизим билан ташки мухит ўртасидаги моддий ресурслар харакатини самарали ташкил килиш ва бошқаришдан иборат. Бу ерда моддий-техник, алоқа-коммуникация, ахборот-дастурий таъминот масалалари ҳал қилинади. Ахборот таъминоти ахборотлар логистикасининг асосий бўғини ҳисобланади. Ахборотларсиз харид-таъминот, ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнларининг ўзаро ҳамжихат фаолиятини тасаввур килиб бўлмайди. Шу сабабли логистиканинг бу соҳаси қолган барча функционал соҳалар вактнинг реал масштабида самарали фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиласди. Бунда ахборотлар базасини яратиш, уларни тўлдириб ва янгилаб туриш, уларга ишлов бериш, уларни қабул килиш ва узатиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал қилинади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида харид логистикаси тушунчаси мухим аҳамиятга эга. Харид логистикаси –бу корхонани моддий ресурслар билан таъминлаш, ресурсларни корхона омборларига жойлаштириш, уларни саклаш ва ишлаб чиқаришга жўнатиш жараёнидир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда харид қилиш логистикасининг мақсади, бу ишлаб чиқариш жараёнини материалларга бўлган талабини юкори иқтисодий самара билан кондириш ҳисобланади. Лекин бунга эришиш учун харид логистикасининг олдида турган бир қатор вазифаларни бажариш керак. Бу вазифаларни куйидагича гурухлаш мумкин:

1. Ҳомашё ва комплект маҳсулотларни маълум бир муддатда етказиш. Ўз муддатидан илгари олинган маҳсулотлар корхонанинг айланма фондига кўшилиши мумкин, ўз муддатидан кеч олинган ҳомашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнига салбий таъсир қилиши ёки унинг йўналишини ўзgartириши мумкин.

2. Материалларнинг талаб қилинган микдори билан етказиб берилган микдорнинг ўзаро мос келиши (талаб қилингандан кам

етказилган маҳсулотлар корхона айланма фондининг балансига салбий таъсир қилиши мумкин).

3. Хомашё ва комплект маҳсулотларига бўлган талаб сифатини назорат қилиши (талабни қондирувчи минимал нархдаги).

Харид логистикасида белгиланган максадларга эришиш бир катор муаммоларни ҳал қилиниши натижасида эришилади. Бу муаммоларни қуидагича гурӯхлаш мумкин:

- хомашё, материаллар ва эҳтиёт кисмларни харид қилишнинг асослаб берилган муддатларга таяниш;
- келиб тушишларнинг миқдорини уларга бўлган талаб билан таклиф мослитини таъминлаш;
- хомашё, материаллар ва эҳтиёт қисмларининг сифатига қўйиладиган ишлаб чиқариш талабларига риоя қилиш.

Тижорат фаолиятида харид логистикасиз корхона меъёрий фаолият кўрсата олмайди. У турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг ишини назорат қилувчилар ўртасида назорат қўприги вазифасини ўтайди. Улгуржи харидор учун харажатларнинг аник ҳисобкитоби зарур.

Худудларда ташкил этилаётган эркин иқтисодий худудлар, қичик саноат худудлари, логистик марказлар, омбор хўжаликлари худудлар ўртасида товар моддий ресурсларни бир текисда таксимланишини таъминлашга қаратилган. Шунингдек саноатлашган худудлардаги корхоналарга хом ашё, эҳтиёт кисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар факат ички манбалардан эмас, балки ташки манбалардан ҳам келтирилади. Бунда юкларни келтириш, ташиш, саклаш, партияларга ажратиш, етказиб бериш муҳим функциялардан ҳисобланади.

Улгуржи савдонинг товарларни ташиш функциясини бажариш ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан қулайлик тутдиради. Бунда ишлаб чиқарувчилар кўп сонли мижозларга товарларни қичик партияларда юклаб жўнатиш заруратидан халос бўладилар.

Маҳсулотларни харид қилиш жараёни ўзининг таркибига бир катор логистик ўзаро боғланган ишлар турларини жамлайди. Маҳсулотлар харид қилиш жараёнининг қуидаги босқичлари ажратилади, яъни буюртмалар тузиш, буюртмалар тахлили, етказиб

берувчиларни танлаш, буюртмаларни жойлаштириш, буюртмаларни бажарилишини назорат қилиш, харид жараённинг тугатилиши. Бу жараённинг тўғри ташкил этилиши харид килувчиларга ва ҳамда товар сотувчиларга кучли таъсир ўтказади. Молиявий иқтисодий кўрсаткичлар бу жараённинг тўғри ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Инновацион ривожланиш шароитида улгуржи савдонинг ижобий натижасига маркетинг инструментларидан, товар, нарх ва силжитиш сиёсатидан самарали фойдаланиш оркали зришилади. Шунингдек, маҳаллий улгуржи савдо корхоналари савдонинг замонавий стандартларини узлуксиз равишда ўзлаштириш, нархли ва нархсиз инструментлардан фойдаланган ҳолда ракобат қилиш, улгуржи савдони ташкил этиш ва бошқаришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётимизнинг мухим соҳаси бўлган савдода маркетинг фаолиятидан самарали фойдаланиш, бозорнинг янада даромадли сегментларидан фойдаланишга имкон берувчи аник истиқболли сервис ва инновацион фаолиятни йўлга кўйиш оркали ривожланишга зришиш мумкин. Улгуржи савдо фаолиятини узлуксиз ривожлантириш маркетинг инструментлари ва технологияларини фаол қўллаш натижасида таъминланиши мумкин.

Шиддатли ракобат мухити шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти тажрибасидан маълумки, бизнеснинг муваффақияти фактгина сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан таъминланмайди. Бугунги кунда самарали бизнес юритиш учун, жаҳон бозорининг юкори талабларига жавоб берувчи сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш муваффақиятнинг факт ярминигина ташкил қиласа, колган иккимчи ярмини эса сотиш маҳорати ҳамда сервис хизматисиз тасаввур қилиш қийинdir. Ишлаб чиқилган маҳсулотга истеъмолчи қизиқишини уйғота билиш керак. Бунда юкори даражада сотиш ва сервис хизмат кўрсатиш мухим ўрин эгаллайди. Шунингдек, мамлакатда сервис хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг ҳолатига таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Юкори даражада товар сотиш ва сервис хизмат кўрсатишни ташкил этишда улгуржи савдонинг ўрни бекиёсдир. Чунки савдонинг айнан шу бўғинида асосий сервис хизматлари ва сотишнинг мухим

операциялари бажарилади. Савдо амалга ошириладиган сервис яхлит холда таксимот билан чамбарчас боғлик ва у ўзида буюртма, харид, етказиб бериш ва сотувдан кейинги сервис мажмуасини акс эттиради. Ушбу хизматлар мажмуаси логистик сервисни ташкил этади. Логистик сервис истеъмолчига товарлар етказиб бериш жараёнида тақдим этиладиган хизматлар мажмуасидан иборатдир. Логистик сервиснинг обьекти моддий оқим истеъмолчилари – ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда охирги истеъмолчилар (аҳоли) хисобланади.

Сўнгги йилларда савдо корхоналарига тез ривожланаётган ва кучли даражада потенциал ракобатчи хисобланётган логистик компаниялар фаолият юритмокда. Уларнинг аксарияти одатий бошқарув, буюртмаларни қайта ишлаш ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришни ўз ичига олган кўплаб анъанавий улгуржи савдо функцияларини бажармокда. Логистик компаниялар асосан таъминот занжирида бажариладиган функцияларни аъло даражада бажаришмоқда<sup>2</sup>.


Бундан кўриниб турибдики, савдо корхоналари ҳам таксимот занжирида юкори даражада сервисни ташкил этишлари лозим. Савдо корхоналаридаги сервис бевосита логистик сервис билан боғлик. Шунга зътиборни қаратиш лозимки, логистик сервисни факат логистик компаниялар эмас, балки ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам кўрсатишади.

Логистик сервис товар етказиб берувчи томонидан, асосан улгуржи савдо корхоналари, экспедиторлик фирмалари ёки сотишдан кейинги сервис кўрсатиш соҳасида ихтисослашган субъект томонидан амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, улгуржи савдо улгуржи товар харид килиш, товарларни қайта сотувга тайёрлаш, етказиб бериш, экспедиторлик хизматлари ва сотувдан кейинги сервисдан иборат савдо хизматини амалга оширадиган бўғин хисобланади.

<sup>2</sup> Ackerman, 2005 Ackerman, K. 2005. "Logistics service providers: friends, foes, and opportunity?". In Outlook 2006 An Executive's Companion to Facing the Forces of Change, 135–148. Washington, DC: Distribution Research and Education Foundation

Хар бир савдо корхонаси товар-моддий ресурслар харакатини ташкил этиш ва бошқаришда мавжуд логистик тизим доирасида ўз фаолиятининг циклигини таъминлаб боради.

Логистик тизимда фойдаланиладиган технологик таркибий кисмлар ва субъектлар ўртасида бир-бирига мос келишини таъминлайдиган алокалар, юкори самарали сервис хизматларни ташкил этиш учун барча логистик занжирни қамраб олиши керак. Логистика ва маркетингнинг энг муҳим вазифаси – бу эркин бозор муносабатлари шароитида юкори даражали сервисни ташкил этишда замонавий логистиканинг муҳим элементларидан фойдаланишdir.



**4-расм. Савдода моддий, ахборот ва молиявий оқимлар бўйича логистик занжир.**

Савдода логистик сервиснинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- муайян корхона маҳсулотларини харид килишдан олдин потенциал харидорларга маслаҳатлар бериш, бу уларни онгли равишда танлаш имконини беради;

- сотиб олинган техникани энг самарали ва хавфсиз ишлаши учун тайёрлаш;
- харидорларга мутахассислар томонидан ўз функцияларини тўғри бажариши учун зарур бўлган техник ҳужжатларни топшириш;
- потенциал харидорларнинг рад қилиш эҳтимолини бартараф этиш учун буюмлар намойиш вақтидаги ишларни сотувдан олдин тайёрлаш;
- минимум харажатлар билан маҳсулотни эксплуатация жойига етказиб бериш;
- маҳсулотни эксплуатация жойида иш ҳолида бўлишини таъминлаш;
- маҳсулотни истеъмолчи томонидан эксплуатация даври давомида тўлиқ ишлашини таъминлаш;
- эҳтиёт кисмларни тезкор етказиб бериш.

Савдода логистик сервисни ташкил этиш ишларини уч асосий гурухга бўлиш мумкин:

- сотишдан олдинги ишлар, яъни логистик хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш ва корхоналарнинг хизмат кўрсатиш сиёсатини аниглаш ишлари;
- товарларни сотиш жараёнида амалга ошириладиган логистик сервис кўрсатиш бўйича ишлар, масалан, юкларни қабул қилиш тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш, ассортиментни танлаш, кадоқлаш, юк бирликларини шакллантириш ва бошқалар.
- кафолатланган хизматларни ўз ичига олган сотувдан кейинги логистик сервис, харидорларнинг эътиrozларини кўриб чиқиш мажбуриятлари, алмаштириш ва ҳоказолар.

Логистик сервис тизимини шакллантириш ўзаро бир бири билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган хизмат кўрсатиш бўйича улгуржи савдо корхонаси сиёсатини аниглашдан иборат.

Савдода логистик хизматлар тизимини шакллантириш бўйича харакатлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Истеъмол бозорининг сегментацияси, яъни истеъмол хусусиятларига мувофиқ айрим хизматларни талаб қилиши мумкин бўлган истеъмолчиларнинг аник гурухларига бўлиниши;
2. Харидорлар учун энг зарурий хизматларни аниглаш;

3. Харидорлар учун энг муҳим бўлган хизматлар рўйхати.
4. Якка тартибдаги бозор сегментлари бўйича хизмат кўрсатиш стандартларини аниқлаш.
5. Компаниянинг ракобатбардошлигини таъминлаш учун сервис даражасини аниқлаш, кўрсатиладиган хизматлар киймати ва ўрнатилган ўзаро алоқалар ўртасидаги сервис даражаси, хизмат кўрсатишни баҳолаш.
6. Харидорлар талабини кондирадиган хизматлар учун харидорлар билан тескари алоқаларни ўрнатиш.

Шунингдек, истеъмол бозори географик омиллар, кўрсатиладиган хизматлар тавсифи ёки бошка белгилар бўйича сегментланади. Истеъмолчилардан сўров ўтказиш йўли билан логистик хизматларнинг стандартлари аниқланади ва истеъмолчилар учун зарурий хизматлар таниланади.

Савдо корхоналари томонидан таклиф этиладиган хизматлар жуда хилма-хил ва тизимли хусусиятга эга. Шу билан бирга, моддий оқимлар тақсимотида маҳсулот ва юкларни “ўз вактида” етказиб бериш, экспедиторлик фаолияти ва транспорт ишлари билан бевосита боғлиқдир.

Савдо транспорт-экспедиторлик хизматлари билан ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида горизонтал иктисадий алоқаларни фаол амалга оширишда иштирок этади.

Экспедиторлик фаолияти моддий оқимларни саклаш бўйича кўплаб хизматларни ўз ичига олади:

- транспорт корхоналари билан ташишлар учун тарифларни ҳисоб-китоб хужжатларини расмийлаштириш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар томонидан яратилган худудий тақсимот омборларида амалга ошириладиган омбор ишлари, юкларни тушириш ва ортиш. Ишлаб чиқариш худудларида тўғридан-тўғри маҳсулот тақсимотини амалга оширадиган замонавий тенденциялар асосида омборхоналарни жойлаштириш;
- транспорт жараёнининг барча боскичларида маҳсулот етказиб берувчилардан истеъмолчиларга моддий оқимлар харакатида ахборотларни узатиш.

Савдода агар ҳар бир сервис кўрсатувчи корхона ва фирмалар, транспорт-экспедиторлик хизматлари марказлашмаган бўлса, якка тартибда мустақил сервис ташкиллаштирилади. Марказлашган ҳолда сервис тўла кувватли сервис марказлари томонидан ихтисослашган транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ва воситачилар томонидан амалга оширилади. Савдода логистик хизматлари даражасини бир нечта усул билан ҳисоблаш мумкин:

- хизмат кўрсатишнинг мумкин бўлган максимал оралиги (микдори) ҳозирги пайтда тақдим этилаётган хизматлар сонига нисбати сифатида;
- товар-моддий ресурсларни етказиб беришда хизматлар учун бутун сарфланган вактни амалга ошириш учун меъёрий вакт нисбати сифатида.

Логистика хизматлари даражаси сервис тизимини товар етказиб берувчи ва хизматларни олувчиларнинг ҳолатларини баҳолашнинг асосий мезонларидан иборат.

Логистик хизматларнинг даражаси – бу логистик хизматларнинг амалдаги сифат ва сон кўрсаткичларининг оптимал ёки назарий жиҳатдан мумкин бўлган қийматларини тавсифлайдиган микдорий кўрсаткичидир. Логистик хизматлар даражасини ҳисоблаш куйидаги формула бўйича амалга оширилади<sup>3</sup>:

$$Y = \frac{m}{M} * 100\% \quad (1)$$

Бу ерда,  $Y$  – логистик хизматларнинг даражаси;

$m$  – тақдим этилаётган логистик хизматларнинг ҳақиқий ҳажмини микдорий баҳолаш;

$M$  – логистик хизматнинг назарий жиҳатдан мумкин бўлган ҳажмини микдорий баҳолаш;

Шунингдек, хизмат кўрсатиш даражаси етказиб бериш жараёнида барча хизматларни тақдим этиш учун сарфланган харажатлар ва етказиб бериш жараёнида логистик хизматлар учун кетган вактни тақкослаш йўли билан баҳоланиши мумкин.

$$Y = \frac{\sum_{i=1}^n t_i}{\sum_{i=1}^N t_i} * 100\%, \quad (2)$$

<sup>3</sup>Ельдештейн Ю.М. Логистика Электронный учебно-методический комплекс. www.kgan.ru/distance/fub\_03/eldeshten/ilogistika/02\_07.html

Бу ерда, н ва N тегишлича тақдим этилаётган хизматларнинг амалдаги ва назарий жиҳатдан мумкин бўлган миқдори.

$t_i$  – хизмат кўрсатиш вакти

Логистик хизматлар даражасини баҳолаш учун бозорда жиддий йўкотишлар билан хизмат кўрсатишнинг энг муҳим турлари танлаб олинади, улар кимматга тушиши ва йўклиги.

Савдода логистик хизматларнинг сифатини баҳолаш учун кўйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- етказиб беришнинг мослашувчанлиги;
- етказиб беришнинг ишончлиги;
- буюртманинг давомийлиги.

Етказиб беришнинг мослашувчанлиги мижознинг истагига биноан буюртмани бажариш вактини бузмасдан дастлабки етказиб бериш шартларини ўзгартириш билан тавсифланади. Бунга буюртманинг ўзига хослиги, қадоклаш ва тараларнинг турларини, буюртмани етказиб йўллари ва шаклларини ўзгартириш имконияти билан ҳам тақкосланади.

Етказиб беришнинг ишончлилиги товар етказиб берувчининг шартномада кўрсатилган муддатда буюртмани бажариш қобилиятини белгилайди. Товар етказиб берувчининг шартномада назарда тутилган мажбуриятлар, кафолатларни, етказиб бериш шартларини бузиш етказиб бериш ишончлилигига таъсир этадиган муҳим омил ҳисобланади.

Буюртманинг давомийлиги буюртма олинган пайтдан бошлаб, то истеъмолчига товарларни етказиб бериш даври билан тавсифланади. Буюртманинг давомийлиги буюртмани расмийлаштириш вакти, тайёрлаш (агар буюртма килинган товар мавжуд бўлмаса), қадоклаш, ортиш ва истеъмолчига етказиб беришни ўз ичига олади.

“Харидорлар бозори” шароитида улгуржи сотувчи истеъмолчининг талабига биноан ўз фаолиятини ташкил қилиши лозим. Шу билан бирга, истеъмолчи талаби товар тақлифи билан чекланиб колмайди. Истеъмолчи учун товарларни етказиб бериш жараёнида унга кўрсатиладиган хизматлар таркиби ва сифати ҳам муҳимдир. Бу эса хозирги рақобат шароити, истеъмолчилар эҳтиёжи таркибининг ўзгаришидан келиб чиқмокда.

Сервиснинг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Бунинг сабаби кўпгина омиллар билан изохланади. Жумладан, турли мамлакатлар томонидан қабул қилинган ижтимоий дастурлар, меҳнатга лаёкатли аҳоли ва кўп миқдордаги компаниялар сонининг ошиши хамда умумий сервис индустриясининг ривожланиши, кўплаб фирмаларнинг ўз фаолиятини охирги истеъмолчи максадига йўналтирилиши, сервис индустриясида сифатни бошкаришнинг универсал концепциясининг ривожланиши.

### **Ш-БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР**

Савдо корхоналари фаолиятининг ривожланиши аҳоли фаровонлиги, аҳоли даромадлари, бандлиги, маҳаллий бюджет ошиши кабиларга хизмат килади. Савдо корхоналарининг ривожланишида тижорат фаолиятининг ўрни бекиёсdir. Савдо корхоналарининг тижорат фаолиятининг ривожланиши эса маркетинг фаолияти ва логистикага боғлиқdir. Мазкур боб бўйича олиб борилган тадқикотлар натижасида кўйидаги хулосаларга келинди:

1. Савдо фаолиятида маркетинг функциялари доирасида амалга ошириладиган тадбирлардан зиг муҳими бу талабни шакллантириш ва сотишни рагбатлантириш хисобланади. Чакана савдо корхоналари ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи савдо корхоналарининг бир катор маркетинг тадбирларини ўтказадиган муҳим жойи хисобланади. Айнан чакана савдода охирги истеъмолчилар учун турли хил акциялар, чегирмалар, харид давомийлиги учун бонуслар берилади. Янги товарлар намуналарини бепул тақдим этиш, истеъмолчилар учун товарлар намойишини ташкил этиш амалга оширилади.

2. Савдо корхоналарида талабни шакллантириш тадбирлари – реклама, кўргазма ва ярмарка фаолияти, PR, шахсий сотув, инновацион маркетинг технологияларидан бўлган мерчендайзинг орқали амалга оширилади. Талабни шакллантириш тадбирлари орқали потенциал харидорлар онгида товар ҳакидаги тасаввур шаклланади, пировардида эса харид ҳакида қарор қабул қилинади.

3. Сотишни рағбатлантириш бўйича тадбирлар товарнинг истеъмол хусусиятлари билан шахсий тажрибаси орқали таниш бўлган харидорга қаратилган. Сотишни рағбатлантириш тадбирларининг вазифалари – товарни қайта харид қилинишига, катта партияларда сотиб олишга, фирма ва харидор ўртасида мунтазам тижорат алокаларини рағбатлантиришга қаратилган.

4. Савдода логистик сервиснинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: муайян корхона маҳсулотларини харид қилишдан олдин потенциал харидорларга маслаҳатлар бериш, бу уларни онгли равишда танлаш имконини беради, сотиб олинган техникани энг самарали ва хавфсиз ишлаши учун тайёрлаш, харидорларга мутахассислар томонидан ўз функцияларини тўғри бажариши учун зарур бўлган техник хужжатларни топшириш, потенциал харидорларнинг рад қилиш эҳтимолини бартараф этиш учун буюмлар намойиш вактидаги ишларни сотувдан олдин тайёрлаш, минимум харажатлар билан маҳсулотни эксплуатация жойига етказиб бериш, маҳсулотни эксплуатация жойида иш ҳолида бўлишини таъминлаш, маҳсулотни истеъмолчи томонидан эксплуатация даври давомида тўлик ишлашини таъминлаш, эҳтиёт кисмларни тезкор етказиб бериш.

5. Савдо корхоналари томонидан таклиф этиладиган хизматлар жуда хилма-хил ва тизимли хусусиятга эга. Шу билан бирга, моддий оқимлар тақсимотида маҳсулот ва юкларни “ўз вактида” етказиб бериш, экспедиторлик фаолияти ва транспорт ишлари билан бевосита боғлиқдир. Савдо транспорт-экспедиторлик хизматлари билан ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида горизонтал иқтисодий алокаларни фаол амалга оширишда иштирок этади.

6. Савдода логистик хизматларнинг сифатини баҳолаш учун куйидаги мезонлардан фойдаланилади: етказиб беришнинг мослашувчанлиги, етказиб беришнинг ишончлиги, буортманинг давомийлиги.

## **IV - БОБ. САВДО КОРХОНАЛАРИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

### **4.1. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигини аникловчи кўрсаткичлар**

Чакана савдо ташкилотлари ва корхоналарининг ҳамда улгуржи савдо базаларининг асосий вазифаси аҳолига савдо хизмати кўрсатиш бўлиб, бунда тижорат фаолиятини фойда келтирадиган килиб ташкил этиш талаби кўйилади. Тижорат фаолиятини фойда келтирадиган килиб ташкил этиш эса ўз навбатида тижорат фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларидан тўғри фойдаланишни тақозо этади.

Тижорат фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларига куйидагилар киради:

- даромад ва фойда;
- харажатлар, уларнинг турлари ва даражаси;
- товар заҳираларининг даражаси;
- товар айланиш тезлиги, айланма маблағлар;
- аҳоли талабининг қондирилиш даражаси;
- савдо маданияти даражаси.

Даромад ва фойда – савдо корхонаси томонидан бажариладиган тижорат фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Даромад савдо корхонаси ўз тижорат фаолияти натижасидан оладиган ҳамма киримларни ўз ичига олади.

Фойда – кўшимча маҳсулотнинг пул шакли, савдо корхонаси тижорат фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичидир. Фойда даромаднинг бир кисми ҳисобланади. Савдо корхонасининг молиявий ахволи, иқтисодий рагбатлантириш фондини шакллантириш имкониятлари, бюджет ва юкори турувчи органга тўловлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши фойда ҳажмига боғлик бўлади.

Фойданинг асосий манбай товар айланиши бўлиб ҳисобланади. Фойда ялпи маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аникланади. Агар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари даромаддан устун бўлса, фойда ўрнига

зарар кўрилади. Шу сабабли савдо корхоналари уларнинг тижорат фаолиятида харажатларни камайтириш йўлларини ахтарадилар.

Харажатлар – ўзларининг мазмунига кўра хилма-хил бўлиб товар муомаласини ташкил этишининг асосий шарти ҳисобланади. Албатта, бир савдо ташкилоти ва корхонаси харажатларни камайтириши ўз олдига максад килиб кўяди. Лекин, харажатларнинг ҳамма турлари ҳам кискартириш харидорларга савдо хизмати кўрсатиш сифатини пасайтиришга олиб келиши умкин эмас. Ҳозирги шароитда харажатларнинг баъзи турлари, айниқса, транспорт харажатлари жуда тез ўсиб бормокда. Бу эса товарлар нархининг ошишига олиб келади.

Товар заҳираларининг ҳажми, ўз-ўзидан маълумки, савдо корхонасининг фаолиятига таъсир этади. Товар заҳиралари меъёридан кам бўлса товар такчиллиги рўй беради ва аксинча, меъёридан кўп бўлган тақдирда, ўтмас товарлар ҳажми ошиб кетади, ҳамда уларни саклаш учун сарфланадиган харажатлар ҳажми ошади. Шу сабабли тижоратчилар товарларни ахоли талабига мос келадиган қилиб сотиб олишлари ва меъёрида саклаб туртишга ҳаракат киладилар.

Савдо ташкилотлари ва корхоналарининг тижорат фаолиятида айланиш тезлиги яъни айланма капиталининг айланиш тезлиги катта ҳалк хўжалик аҳамиятга эга. Товарларнинг айланиши деб, ўртача товар заҳираларининг савдо ташкилоти ва корхонасида айланиш учун кетган вактига айтилади. Товар айланиш тезлиги кунларда ва сумларда белгиланади. Товар айланиш вакти канча кам бўлса, шунча кам товар заҳиралари билан кўпроқ фойда олиш имконияти тўғилади.

Ахоли талабининг қондирилиш даражаси айланишининг ҳажми ва ахолининг турмаш даражаси билан белгиланади. Унинг асосий мезони ахолининг ноозик-овқат ва озиқ-овқат товарлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Табиийки, ахолининг турмуш даражасига бошка қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, реал даромадлар, иш ҳаки миқдори, ижтимоий истеъмол фондларидан тушадиган даромадлар ҳиссаси ва бошқалар.

Савдо маданияти тижорат фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Савдо маданияти жуда ҳам кенг тушунча бўлиб унинг асосида харидорга бўлган муносабат ётади. Харидор кам вақт сарфлаб кулай шароитда ўзига зарур бўлган товарларни сотиб

олиш имкониятига эга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам савдо маданиятининг асосий шартларидан бири чакана савдо тармоқларида доимий равиша ахоли учун зарур бўлган товарлар ассортиментининг барча турларининг истаган вактда топилишидир. Ундан ташқари савдо маданияти чакана савдо тармоқларида товар сотишнинг ишор усулларини кўлланиши ва ахолига хилма-хил кўшимча хизмат кўрсатиш зарурлигини тақозо этади.

Савдода товар айланнишнинг самарадорлиги товарларни сотишдан олинган даромаднинг уни сотиб олиш харажатлари ва товарларни сотиш харажатлари йигиндисига нисбати сифатида аникланади. Шунингдек, самарадорликни сотишдан тушадиган даромадни товарларни сотиш учун килинган харажатлар микдорига нисбати сифатида аниклаш мумкин. Тижорат фаолияти даражаси ва савдо ташкилотининг якуний натижалари ўртасидаги боғликликни хисобта олган ҳолда, тижорат муваффакиятини белгилайдиган омилларнинг таъсир даражасини ўрганиш ва баҳолаш керак.

Савдо ташкилотларида тижорат фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий усулларига қуидагилар киради:

**1. Савдо ташкилотининг моддий-техник базасининг ҳолати ва унинг савдо ташкилотининг замонавий талабларига мувофиқлиги:**

- савдо биноларининг ҳолати, чакана савдо майдончалари билан тъминлаш;
- техник жиҳозланиш даражаси, савдо ва технологик ускуналар, электрон хисоблаш машиналарининг мавжудлиги;
- товарларни кайта ишлаш, сотиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш;
- савдо ҳолати, товарларни сотиш харажатлари, савдо ходимлари учун автоматлаштирилган иш жойлари;
- янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг инновацион имкониятлари.

**2. Тижорат муваффакиятининг молиявий жиҳатлари:**

- савдо ташкилотининг асосий ва айланма маблаглари ҳажми ва таркиби;
- асосий ва айланма маблагларнинг рентабеллиги;

- асосий ва айланма маблагларнинг айланмаси;
- ўз айланма активларининг ҳажми;
- ликвидлик;
- савдо ташкилотининг молиявий баркарорлиги, тўлов қобилияти.

### **3. Кадрлар салоҳияти:**

- савдо ташкилоти ходимларининг микдорий ва сифат таркиби;
- тижорат хизмати мутахассисларининг юкори қасбий тайёргарлиги;
- менежерларнинг малакаси ва тажрибаси;
- шахсий ва гуруҳ манфаатларининг бир-бирига мос келиши;
- савдо ташкилотининг самарали ишида кадрлар учун самарали мотивлар мавжудлиги.

### **4. Ташкилий жихатлар:**

- ишлаб чиқилган ахборот тизимларининг мавжудлиги;
- бозор конюнктураси ўзгаришига ўз вақтида жавоб бериш;
- янги ютуклар ва самарали тижорат стратегияларини тезда амалга ошириш қобилияти;
- самарали бозор инфратузилмаси мавжудлиги;
- савдо ташкилотининг мақбул ташкилий тузилиши ва уни бошқариш тизими.

### **5. Савдо ташкилотининг маркетинг фаолияти ва бозор ҳолати билан боғлик омиллар:**

- талаб ва таклиф ҳажмлари;
- савдо ташкилотлари ўртасидаги ракобат даражаси ва интенсивлиги;
- товар етказиб берувчилар ўртасидаги ракобат даражаси ва интенсивлиги;
- савдо корхонасининг маркетинг стратегияси;
- савдо ассортиментининг тузилиши;
- товар ва хизматларнинг сифати;
- хизматлар;
- ўзаро манфаатли етказиб бериш шартномаларининг мавжудлиги, уларни бажариш сифати;
- самарали реклама ва сотишни рағбатлантириш тизими;
- савдо ташкилотининг оптималь савдо сиёсати;

- савдо ташкилотининг ваколатли алоқа сиёсати;
- савдо обрўсининг юқори имиджи, ижобий обрўси.

Кўпгина омилларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, динамизми кўпинча иоаниклик шароитида қабул қилинадиган тижорат фаолиятининг мураккаблигини, қарорларнинг кўп ўзгарувчалигини белгилайди, бу эса иқтисодий хавф билан боғлик. Бунинг учун турли хил омилларнинг савдо компаниясининг якуний натижаларига таъсири даражасини ўрганиш ва чукур тахлил қилиш талаб етилади, тижорат ишларининг юқори даражасини ва даромадларни ошириш имкониятларини таъминлайдиган асосий омилларни ажратиб кўрсатиш зарурати аникланади.

Савдо корхоналарининг тижорат фаолияти муваффакиятига таъсир қилувчи омилларни назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган омилларга ажратиш мумкин. Биринчи гурӯхга куйидагилар киради: савдо ташкилотининг кўлами, товар ассортименти ва тузилиши, тижорат фаолиятини бошқаришни ташкил этиш, савдо корхонасининг тузилиши, ходимларнинг малакаси, ишининг самарадорлиги, ташкилотнинг молиявий ҳолати. Савдо ташкилоти томонидан назорат қилинмайдиган омилларга куйидагилар киради:

- ✓ давлат солик ва молиявий сиёсати;
- ✓ ахолининг тўлов кобилиятининг ҳолати, диди, афзалликлари, талаблари;
- ✓ республика иқтисодиётининг ҳолати: инфляция, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси;
- ✓ божхона сиёсати;
- ✓ демографик вазият;
- ✓ ракобат даражаси, ракобат мухити ва бошқалар.

Ушбу омилларнинг таъсир даражасини ҳисобга олиш, уларни ўрганиш, энг яхши иқтисодий натижани олиш учун улардан малакали фойдалана олиш зарур.

## Савдо корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигининг умумий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни аниклаш тартиби
Савдо потенциалидан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичи (СПФ <sub>с</sub> )	$T_a/XI + (AB+AM) \times M_k$ T <sub>a</sub> – товар айланмаси; ХИ – ходимларнинг иш хақи; АВ – асосий воситалар; АМ - айланма маблаглар; M <sub>k</sub> – меъёрий коэффициент.
Мехнат унумдорлигини аниклаш (МУ)	$T_a/XI$ T <sub>a</sub> – товар айланмаси; ХИ – ходимларнинг иш хақи.
Молиявий фаолият самарадорлик кўрсаткичи (МФ <sub>с</sub> )	$\Phi_c / XI + (AB+AM) \times M_k$ $\Phi_c$ – солик тўлагунгача бўлган фойда ХИ – ходимларнинг иш хақи; АВ – асосий воситалар; АМ - айланма маблаглар; M <sub>k</sub> – меъёрий коэффициент.
Хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи	$\sqrt{SPF_c \times MU \times MF_c}$
Иқтисодий ўсиш даражаси кўрсаткичи (ИҮД)	$\sqrt{MU_{yc} \times AMAT_{yc} \times FK_{yc} \times XK_{yc} \times RD_{yc}}$ MU <sub>yc</sub> – меҳнат унумдорлигининг ўзгариш суръати; AMAT <sub>yc</sub> – айланма маблагларнинг айланиш тезлигининг ўзгариш суръати; FK <sub>yc</sub> – фонд кийматининг ўзгариш суръатлари; XK <sub>yc</sub> – харажатлар кийматининг ўзгариш суръати; RD <sub>yc</sub> – рентабеллик даражасини ўзгариш суръати.
Иштироқчиларни ресурслардан интенсив йўналишда фойдаланиш кўрсаткичи (РФ <sub>с</sub> )	$IUD-100 / (T_{ayc}-100) \times 100$ ИҮД – иқтисодий ўсиш даражаси кўрсаткичи; T <sub>ayc</sub> – товар айланмасини ўсиш суръати.
Хўжаликни интенсивлаштиришни баҳолаш кўрсаткичи	$(MU_{yc} \times AMAT_{yc} \times FK_{yc}) / (IX_{yc} \times AM_{yc} \times AB_{yc}) \times 100$ MU <sub>yc</sub> – меҳнат унумдорлигининг ўзгариш суръати;

(ХИ <sub>бк</sub> )	АМАТ <sub>yc</sub> – айланма маблагларнинг айланиш тезлигининг ўзгариш суръати; ФК <sub>yc</sub> – фонд кийматининг ўзгариш суръатлари; ИХ <sub>yc</sub> – иш хакини ўзгариш суръати; АМ <sub>уя</sub> – айланма маблаглар кийматининг ўртача йиллик ўзгариш суръати; АВ <sub>уя</sub> – асосий воситаларнинг ўртача йиллик ўзгариш суръати.
Харидор нуқтаи назардан савдо хизмати сифатини баҳолашнинг интеграл кўрсаткичи	$(A_{kk} + X_{mk} + KX/x + A_k/a + T_c/k + CX_{md} + C3) / 7$ А <sub>kk</sub> – ассортимент кенглиги кўрсаткичи; Х <sub>mk</sub> – хизматни мавжудлиги кўрсаткичи; KX/x – кўшимча хизматларнинг етарлилик коэффиценти; A <sub>k</sub> /a – ассортиментни алмаштириш коэффиценти; T <sub>c</sub> /k – товар сифати кўрсаткичи; СХ <sub>md</sub> – савдо ходимларнинг малака даражасини баҳолаш; С3 – савдо заянини безатилишини баҳолаш.

Савдо корхоналарининг муваффакиятли ишлаши учун доимо ўзгариб турадиган бозор мухитига қараб, унинг тижорат фаолиятини чукур тахлил килиш керак. Бу ташкилотни доимий равишда фойдали ва рақобатбардош килади, унинг ривожланишини таъминлайди ва келажакни башорат килади. Тижорат фаолиятининг тизимли ва чукур тахлилини ўтказиш учун куйидагилар зарур:

- яхлит ташкилот ва унинг таркибий бўлинмаларининг тижорат ишлари самарадорлигини тезкор, самарали ва профессионал баҳолаш;
- сотилган товарларнинг ва кўрсатиладиган хизматларнинг аник турлари учун олинган фойда таъсир килувчи омилларни аник ва ўз вактида аниклаш ва хисобга олиш;
- сотиш нархини аниклаш ва рентабелликни хисоблаш учун зарур бўлган савдо фаолияти харажатларини (таркатиш харажатлари) ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини аниклаш;
- савдо ташкилотининг тижорат муаммоларини хал қилишнинг енг яхши усуllibарини топниш ва киска ва узок муддатли истиқболда етарли фойда олиш.

Савдо корхоналарининг тижорат фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизими зарур. Энг муҳим кўрсаткич бу савдо бўлиб, у барча савдо фаолиятининг натижаларини акс эттиради - савдо хажми, унинг таркиби ва ассортименти, тузилиши, сотувчиларнинг меҳнат унумдорлиги, товарларни сотиш учун харажатлар даражаси, товар йўқотишлиарининг мавжудлиги ва бошқалар.

Иктисадий самарадорликни тавсифлаш учун нафакат фойданинг мутлақ кийматини, балки унинг даражасини ҳам билиш керак. Фойда даражаси савдо ташкилоти рентабеллигини тавсифлайди - унинг фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларидан бири. Одатда, савдо ташкилотининг рентабеллиги сотишдан тушган фойданинг товар айланмасига (даромадга) нисбати сифатида аниқланади.

Тижорат ишлари самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи бу товарларни сотиш харажатлари (тижорат фаолиятини амалга ошириш харажатлари). Сотиш харажатлари савдо фаолиятини амалга ошириш билан боғлик харажатларнинг пул кийматини англатади. Ушбу харажатлар алоқа соҳасида ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш билан боғлик бўлиши мумкин. Кўшимча функцияларни бажариш билан (товарларни ташиш, саклаш, кадоклаш, кадоклаш) боғлик харажатлар. Ушбу турдаги харажатлар кўшимча харажатлар деб аталади. Савдо ташкилотининг фойдаси тўғридан-тўғри тарқатиш харажатлари даражасига боғлик.

Савдо корхонасининг тижорат фаолияти самарадорлигининг яна бир муҳим шарти бу товар айланмасининг индикаторда ифодаланган товар айланшидидир. Товарлар айланмаси тижорат жараёнларини бошқариш сифатини, товар массаси ва товар-моддий захиралар билан ишлаш ҳолатини тавсифлайди. Товар айланмасининг тезлашиши савдо ташкилоти фойдаси ўсишининг асосий омили ҳисобланади. Тижорат ташкилотининг самарадорлигини баҳолаш, чунки бу товарларнинг муомалада бўлиш вактини қискартиришни англатади, бу маблагларнинг тезроқ айланishi ва савдо жараёнларини якунлаш учун уларнинг оз микдорига бўлган эҳтиёжни англатади.

Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари савдо ташкилотларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини ҳам айтиш мумкин. Самарадорлик динамикасини кузатиб бориш орқали савдо ташкилотларининг тижорат фаолиятини бошкарнишнинг бир катор муаммоларини ҳал қилишга онгли равишда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу вазифалар қаторига күйидагилар киради: енг фойдали ассортимент ва товар номенклатурасини танлаш; савдо маркасининг енг маҳбул қийматини ва нарх сиёсати соҳасидаги бошка тадбирларни аниклаш; реклама ва жамоатчилик билан алокалар соҳасида тадбирларни ўтказиш; ҳар бир турдаги маҳсулотни сотиш ҳажми ва вактига қараб савдони режалаштириш.

#### **4.2. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигига таъсир килувчи омиллар**

Савдо корхоналари тижорат фаолиятининг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, ахолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ кондириш бўлса, иккинчи томондан оптималь микдорда фойда олиш ёки оптималь рентабелликка эришишdir. Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг мезони бўлиб хисобланади. Иқтисодиётнинг бош мақсади энг юқори иқтисодий натижага эришиш, яъни максимал юқори фойда олиш. Ушбу мақсадга эрициш воситаси сифатида ахолини истеъмол товарларга талабини тўлароқ кондириш хисобланади. Бундан келиб чиқадиган натижа максимал фойда олиш бўлиб хисобланади. Ижтимоий-иктисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан оқилона, тежамли фойдаланган холда эришилган натижани, яъни савдода ахолининг истеъмол даражасини юксалтириш орқали тегишли рентабелликка эришишни англатади.

Савдо корхоналари тижорат фаолиятининг ижтимоий-иктисодий самарадорлиги унинг лировард натижасида ўз ифодасини топади. Самарадорлик умуман олганда “натижавийлик” мазмунини билдиради. Тижорат фаолиятида самарадорликка эришишда бир катор омиллар таъсир кўрсатади, яъни савдо шоҳобчаларини кенгайтириш, товар харакати бўғинларини камайтириш, товарлар ассортиментини кенгайтириш, товар нобудгарчиликига йўл кўймаслик, товарларни келтириш микдорини, тезлигини ортириш, илмий-техника тараккиёти, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий рагбатлантиришни такомиллаштириш, фаолиятни оптimal режалаштириш, ахборотлар тизимини такомиллаштириш, маънавий манфаатдорликни ошириш, ходимларни малакасини ошириш,

тариҳий урф-одатларни кадрлаш. Тижорат фаолиятини асосий мақсади бир томондан, ахолининг истеъмол товарларга бўйган талабини ҳар томонлама қондириш бўлса, иккинчи томонда ўз фаолиятидан тегишли фойда (даромад) олишдир. Мақсаднинг биринчисига эришиш натижасида савдо корхоналари ижтимоий самарадорликга эришади. Иккинчисида иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан белгиланади.

Тижорат фаолияти жараёнида моддий, меҳнат, молиявий ресурслар сарфланади ва унинг натижасида маълум хажмда товар айланиши ва хизматларга эришилади ва фойда (даромад) яратилади. Шу сабабли тижорат фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш жамият манбаатини таъминлаш, истеъмолчилар талабини қондириш, такрор ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш каби натижаларни ҳам беради.

Даромадларни тахлил килишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисмини сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Даромадларнинг хажмига, унинг турларига мос равиша бир катор омиллар таъсир кўрсатади:

- товар айланишининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни ҳаракати.

Товар ҳаракати деганда товарнинг физикавий кўчиши ва унга эгалик килиш хукукини бир згасидан иккинчисига бериш, шу жумладан, транспортировка, саклаш ва битимлар тузиш жараёнлари тушунилади. Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етказиб беришда бир неча бўғинлардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу бўғинлар канча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлик:

- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда ахолига кўрсатиладиган хизматларнинг сони, сифати .

Умуман олганда, даромадларга ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Ички омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- савдо устамалари миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харожотлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айирбошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- асосий фондлардан ва айланма маблаглардан самаравали фойдаланиш ва бошқалар.

Ташки омилларга қуидагилар киради:

- сиёсий барқарорлик;
- иктисадиётнинг ҳолати;
- демографик вазият;
- бозор конъюнктураси;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

#### **4.3. Савдо корхоналари тижорат фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Замонавий бозор муносабатлари шароитида истеъмолчи талабини тўла кондирилиши борасида тижорат фаолиятининг самарадорлигини ошириш унинг самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш билан бир каторда тижорат фаолиятини такомиллаштиришда комплекс тизимдан фойдаланиш корхоналарнинг тижорат фаолияти бир томондан ва иккинчи томондан харидорга қаратилган бўлмоги зарур.

Савдо ташкилотлари ва корхоналарининг тижорат фаолиятини такомиллаштиришнинг комплекс тизими товарларни сотиб олишда ва унинг харакатини ташкил этишда маркетингдан кенг фойдаланишни, истеъмолчилар талабларини назарда тутишни ва шу билан бирга фойда олиб ишлаш зарурлигини ўз ичига олади. Тижорат фаолиятида маркетингдан фойдаланиш, маркетинг элементларининг мураккаб тизимидан иборат бўлиб, аввало бозорни ўрганишни такозо этади, қолаверса, товарлар ассортименти ва сифатини бошқариш ишларини,

уларни сотиш жараёнидаги операцияларни ва рекламани ташкил этиш муаммоларини ўз ичига олади.

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ва корхоналари бозорни ўрганишни куйидаги йўналишларда олиб борадилар:

- бозор сиғимини аниклаш;
- бозорнинг товар гурухлари бўйича ҳажмини аниклаш;
- савдо ташкилотлари ва корхоналарининг бозорда товар сотишдаги салмоғини аниклаш;
- бозор вазиятини, нарх навони, талаб ва таклифни таҳлил этиб тавсиф бериш;
- истеъмолчиларни ўрганиш ва уларни рағбатлантириш;
- бозор конъюнктурасини ўрганиш ва уни прогноз қилиш;
- чет мамлакатлар бозорига чиқиш имкониятларини ўрганиш.

Товар ассортиментини бошқариш ва сифатини яхшилаш куйидаги йўналишларда олиб борилади:

- харидорларнинг кундалик ва аҳён-аҳёнда сотиб олинадиган товарларга бўлган талабини ўрганиш ва эҳтиёжини аниклаш;
- товар ишлаб чиқарувчиларкинг ўрганиш, уларни рағбатлантириш, улар билан алока боғлаш, сифатли товар ишлаб чиқарувчиларни ўрганиш, улар билан алока боғлаш;
- товар ишлаб чиқарувчиларнинг ассортимент сиёсатини шакллантиришда катнашиш ва ўз ассортимент сиёсатини ишлаб чиқиш;
- бозорни янги товарга бўлган муносабатини аниклаш;
